**Диссертациянинг иккинчи бобида** махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини амалда пронозлаш тизими, умумдавлат соликларидан ажратмалар микдори, республика бюджетидан бериладиган дотациялар, хамда махаллий соликлар ва йигимларнинг бюджет даромадларидаги салмоги тугрисидаги маълумотларшунингдек, махаллий бюджет даромадларини прогноз килишда солик тушумларини гурухлашни амалдаги холати, махаллий бюджет даромадларини прогноз килишда солик туловчи субъектларнинг фаолият турларига караб, соликлар ва туловлар таъсири буйича жадваллар тузиш тартиби, бюджет даромадлрини аниклаш буйича аналитик ишини амалга ошириш тартиби, уларни прогнозлаштириш тизимини тартибга келтириш йуллари урганилди ва атрофлича баен этилди.

**Учинчи бобда** махаллий бюджетлар даромадларини жорий ва истикболли прогнозлашда бюджет даромадларини соликли ва соликсиз

тушумларини аниклаш тартиби ва уларни мустахкамлаш истикболлари хакида фикр-мулохазаларини билдирган.

**Магистрлик диссертацияни хулоса кисмида** махаллий бюджет даромадлари базасини соликли ва соликсиз тушумлар оркали мустахкамлашдаги муаммолар ва мустахкамлаш истикболлари тугрисида айрим фикрлар, хулосалар ва амалий тавсиялар берилган.

# I БОБ. МАХАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИКЛИ ВА СОЛИКСИЗ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШНИНГ ИКТИСОДИЙ АХАМИЯТИ

## 1.1. Соликли ва соликсиз тушумларини прогнозлашнинг ахамияти.

Мустакил иктисодий сиёсат узагини жамият хар бир аъзосининг манфаатларини кондиришга мулжалланган бозор иктисодиёти ташкил этади. Утказилаётган ислохотларнинг узок давом этадиёан ва мураккаб жараёнлари иктисодиётни баркарорлаштириш юзасидан чоралар куришни талаб килади. Бунда молиявий муносабатлар гоят мухим урин тутади. Солик сиёсати молия сиёсатнинг таркибий кисми булиб, солик тушумларини ташкил этиш хамда ундан фойдаланиш, давлат уз функция ва вазифаларини амалга оширишида курадиган чоралари мажмуига киради. Бундай сиёсат бюджет даромадларини сафарбар килиш шакллари ва усуллари тизимида, уларни таксимлашда, солик кодексида уз ифодасини топади.

Бозор муносабатларига утиш жараёнида соликли ва соликсиз тушумлар, йигимлар ва хакозо тушунчалар пайдо булди хамда кенг кулланилмокда. Хозирги ижтимоий-иктисодий шаклция амал килаётган бюджет даромадларини йигиндиси соликли ва соликсиз тушумлар ташкил этади.

Соликли ва соликсиз тушумлари бюджет даромадларини мухим кисми булиб колмокда. Бюджет тизими уз иктисодий мохиятиёа кура яратилган кийматни таксимлаш жараёнида пайдо буладиган пул муносабатлари давлат ихтиёрига келиб тушадиган, ижтимоий таъминот, мудофаа, бошкарув эхтиёжлари учун фойдаланадиёан пул ресурсларини шакллантириш билан боглик жамият бойлигини акс эттирувчи тизимидир. Бу жараёнда солик муносабатларининг субъектлари булиб, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фукаролар хисобланади.

Шунинг учун хам давлат молия тизимининг асосини давлат бюджети унинг соликли ва соликсиз тушумлари ташкил этади. У бир томондан, ресурсларнинг хал килувчи кисмини узида жамлайди, иккинчи томондан бюджет бугинларининг узаро алокадорлигини таъминлайди, улар мувофиклаштириб боради.

Бюджетни соликли ва соликсиз тушумлари - иктисодиётга, ишлаб чикариш жараёнига, хужалик хаётига давлат томонидан таъсир утказувчи воситадир. У давлат истеъмолининг молиявий асоси сифатида намоён булади, хамда давлат томонидан ижтимоий сохаларни бошкариш учун фойдаланилади.

Бюджет даромадининг соликли ва соликсиз тушумларида давлатнинг ички ва ташки сиёсати мужассамланади, иктисодий ва ижтимоий жараёнлар, ишлаб чикаришнинг танлаб олинган усулига хос булган зиддиятлар уз ифодасини топади.

Бюджет даромадлаининг соликли ва соликсиз тушумларининг бош функцияси давлатнинг яшаб туришига моддий шароит яратиш, ишлаб чикариш муносабатларини, такрор ишлаб чикаришни таъминлаш учун миллий даромадни кайта таксимлашда хизмат килади. Махаллий

бюджетлар Узбекистон Республикаси давлат бюджетида мухим таркибий кисмни ташкил этади ва махаллий хокимиятларнинг фаолият курсатишларида молиявий манба булиб хисобланади. Махаллий хокимият органларига махаллий бюджет даромадларини соликли ва солиқсиз тушумларини купайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиши вазифаси юклатилади. Иктисодиёт ва маданиятнинг юксалиш суръатлари тугридан-тугри махаллий хужалик захираларини сафарбар килиш, маблагларни тежаб ишлатиш борасидаги ишларни ташкил этиш билан бевосита боғлик булади, бу эса уз навбатида Узбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижросини таъминлашда ёрдам беради.

Махаллий бюджет даромадларини соликли ва солиқсиз тушумлари оркали махаллий худудларни ижтимоий-иктисодий жихатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади. Шу боис «Давлат бюджети даромадларининг катта кисмини жойларга бериш» деб керак деб таъкидлаган эди Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Бу эса минтакалар мустакиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги маъсулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташкари, бу нарса махаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини кидириб топишга рагбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустахкамлайди".*

Шунинг учун хам, Узбекистонда олиб борилаётёан ислохотнинг чукурлашиши махаллий хокимият органларини худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ролини янада ошириб, молия-бюджет сохасидаги хукукларини кенгайтириш ва уларнинг молиявий базасини мустахкамлашни талаб килади. Махаллий бюджетдаромадларини соликли ва соликсиз тушумларининг салмогини ошиши устун равишда харажатларнинг ошиб бориши билан боглик. Яъни давлат иктисодни, ижтимоий инфраструктурани, ишчи кучини тайёрлаш билан боглик харажатларни жойларга бериб бормокда, Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларидавлат такрор ишлаб чикариш жараёнига таъсир этишда кенг фойдаланмокда, махаллий бошкарув давлатнинг жойларда максадга мувофик булган вазифаларини бажаради.

Узбекистон Республикаси махаллий бюджетлари томонидан харажатларни амалга ошириш учун даромадларга эга булиши керак. Шунинг учун Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини шаклланишининг амалдаги холати ва ушбу жараёндаги даромад манбаларини прогнозлаштирадиган булсак авваламбор даромадларнинг шаклланишига эътибор бериш лозим. Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз манбалари таркибига махаллий соликлар ва йигимлар, умумдавлат соликларда нажратмалар, субвенциялар, дотациялар,ссудалар,мерос олиш, хадия этиш буйича умумдавлат мулкига утган маблаглар,жисмоний ,юридик ва чет эл давлатлардан кайтарилмайдиган маблаглар, давлатмулкини жойлаштириш,

------------------------------

*Каримов И.А «Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари» - Т:, Узбекистон, 2009.

фойдаланишга беришдан олинган даромадлар хамда бошка даромадлар киради.

Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини шакллантириш Узбекистон Республикасинининг Бюджет тизими тугрисидаги конуннинг 18 моддасига асосан амалга оширилади. Шунга мувофик махаллий бюджетлар даромадлари уз даромадлари (махаллий соликли ва соликсиз тушумлари) ва юкори бюджетдан ажратиладиган ажратмалар (умумдавлат соликларидан ажратмалар, дотация ва субвенциялар) хисобидан шаклланади.

Умумдавлат соликларидан ажратмалар улуши хар йили махаллий бюджетларнинг уз даромадларининг тушуми хамда улар томонидан амалга ошириладиган харажатларнинг микдорига караб узгартириб борилади.

Соликларининг мухим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган соликлардан махаллий бюджетларни бошкариб бориш учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Агар келгуси йили махаллий бюджетларнинг уз даромад манбалари купайиб колса, республика соликларидан ажратма беришнинг хожати колмайди. Республика ва махаллий солик ва соликсиз тушумлар ягона мохиятга эга булиб, бюджетга туланиши лозим булган туловлардир.

Шу билан бирга, соликларининг айрим турлари хам махаллий бюджетларни тулдириш манбаи сифатида махаллий бюджетлар ихтиёрида колдирилиши мумкин. Жумладан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли карорининг 14-бандига асосан махаллий хокимият ва бошкарув органларининг тегишли бюджетларга тушумларининг тулик ундирилиши ва тасдикланган харажатларни уз вактида молиялаштирилиши буйича жавобгарлигини ва маъсулиятини ошириш максадида умумдавлат соликларидан тушумлар тулик хажмда махаллий бюджетлар даромадига утказилган.

Махаллий бюджетларнинг бу даромад турининг узига хос томонлар мавжуд.

Юкори бюджетлардан ажратиладиган субвенция ва дотациялар бошка даромад турларидан фарк килиб бу даромад турлари йил бошида тасдикланёан режа микдорида олинади. Яъни бу даромад турларига йил давомида узгартиришлар киритилмайди.

Республика иктисодиётида давом этаётган иктисодий ислохотлар соликларни иктисодий баркарорликни таъминловчи мухим восита сифатида уларни доимий ислох килиб боришни талаб килади. Хозирги кунда ахолининг даромадларининг салмогли хиссаси хусусий секторда шаклланмокда. Давлат томонидан бу дармомадларни бошкариш имкониятлари чекланган, бу даромадларни маъмурий тарзда давлат харажатларига йуналтириш бозор иктисодиёти принципларига зид. Факатгина соликлар ва уларни окилона прогнозлаштириш оркали бюджет даромадларига жалб килиш мумкин.

«Прогноз» сўзи иккита грек «олдинга» ва «билиш» сўзларидан олингандир. У номаълум бўлгуси ходиса ва вокеаларни олдиндан кўриш ва айтишни англатади.

**“Прогнозлаш”** - бу объектни ёки ходисани келажакдаги меъёрий ёки макбул холатлари, уларга эришиш ва уларни рўёбга чикаришнинг алтернатив йўллари тўгрисидаги эхтимолга якин тасаввурни ишлаб чикиш. Прогнозлаш олдиндан кўриш шаклси бўлиб, ижтимоий иктисодий, ижтимоий, илмий-техникавий дастурлар ва режаларни ишлаб чикишдан олдин амалга оширилади.

Прогнозлаш сохасига кўра куйидаги

- ижтимоий прогнозлаш;
- иктисодий прогнозлаш;
- илмий техникавий прогнозлашларга ажратилади.

Бошкарув даражасига кўра - халк хўжалиги, тармок, регионал (худудий) прогнозлаш хамда бирлашма, корхонани прогнозлашларга ажратилади.

***Прогнозлаштириш*** (грекча prognoses-олдиндан кўриш) молиявий менеджментда узок истикболга молиявий холатни бир бутун холда ва турли кисмларини ўзгартиришни ишлаб чикиш тушунилади.

Прогнозлаштириш режалаштиришдан фаркли хамда ишлаб чикилган прогнозни бевосита амалиётга тадбик этиш вазифасини олдига куймайди. Ушбу прогнозлар тегишли ўзгаришларни олдиндан кўришни ўзида акс эттиради. Прогнозлартиришнинг ўзига хос томонларидан яна бири молиявий кўрсаткич ва мезонларни ташкил этишдаги мукобилликдир. Юкоридаги мезон ва кўрсаткичлар молиявий холат ривожланишини вариантлилигини аниклайди. Ушбу вариантлар объектидаги жараёнлардаги ходисаларнинг вариантлилиги номоён булаётган тенденциялар асосида ишлаб чикилади. Шу боис магистрлик диссертация мавзуси доирасида прогнозлаштириш масалалари ва уларни хисобга олган холда ўтмишни келажакка экстраполяциялаш асосида хам, ўзгаришларни тўгридан-тўгри олдиндан кўриш оркали хам амалга оширилиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар тасодифан юз бериши мумкин. Шунинг учун хам солик тушумларини прогнозлаш оркали бюджет даромадалрини окилона бошкаришга эришишимиз мумкин.

Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини прогнозлаш оркали бюджет муносабатларини урганиш мумкиндир.

У куйидагилар хисобида амалга оширилади:

1. Худудий иктисодий ва ижтимоий жихатдан ривожлантириш асосий йўналишлари тахлили.
2. Даромадларнинг хар бир тури, имтиёзларни хисобга олган холда хисоблаб ёзилган тўловлар суммалари бўйича солик тўловчиларнинг микдори хакида хисоб ахбороти.
3. Амалдаги солик ставкалари ва мажбурий тўловлар ставкалари.
4. Прогноз килинаётган даврда амалга киритиш мўлжалланган янги конун хужжатлари;
5. Соликли ва соликсиз тушумларни белгиловчи ахамият касб этадиган, айрим корхоналарнинг прогноз хисоб-китоблари;
6. Тегишли даражадаги даромад хисоб-китоблари;
7. Тўловларни ёки ўтиш тўловларини тўлаш муддатлари;
8. Хисоботга оид статистика маълумотлари;

9.Хисобот даври учун ва давр тугашига кадар тутиладиган тушумлар тўгрисидаги маълумотлар шунингдек карз ва ортикча тўлаш колдиклари тўгрисидаги маълумотлар;

10.Инфляция прогонз килинаётган даврда сўмнинг АКШ доллари ва ЕВРОга нисбатан курси индекси;

11.Улар бажарилишини таъминлаш учун бюджет вазифалари хисоби.

Солик идораларида махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини прогноз килиш ишларини ташкил этишни ўрганишдан олдин солик ишларини юритиш масалаларини чукур ўрганиш талаб килинади.

Лекин солик тушумларини хар кандай олдиндан кўриш ва олдиндан айтишни прогноз деб хисоблаб бўлмайди. Аммо солик солик тушумларини асосланган таклифлар ёки маълум имперwindow маълумотлардан келиб чикувчи хулосалар асосида тузилган якун каби илмий назария доирасида олинган солик тушумларини илмий силжишларини прогноз деб аташ мумкин. Солик тушумларини прогнозлаш келгуси ривожланиш жараёнларини олдиндан айтишда, фикрлаш кобилиятида барча фанларнинг ютукларида асосланади.

Прогнозлаш – кабул килинган карорларнинг окибатини олдиндан кўришдир. Режалаштириш жараёни прогнозлаш туфайли сифатли бўлади. У ўз навбатида прогнозлаш ўз максадлари учун вазифаларни бажариш натижаларини олади. Шу муносабат билан иктисодий ходисаларни прогнозлаш усулларини кўллаш, хусусан солик ва соликсиз тўловларни ижтимоий-иктисодий тадбирларни ишлаб чикишда мухим ахамиятга эгадир. Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тўловларини прогнозлаш авваламбор хўжалик юритувчи субъектларининг режали кўрсатгичларига таяниш керак. Бирок бошка ходисалар каби соликли ва соликсиз тушумларининг режаси хам илмий асосланган бўлиши керак. Биз мазкур ишда бунга таяниб режаларни ишлаб чикиш механизмларини ва хусусан солик тушумларини кўрсатишга харакат киламиз. Текшириладиган мавзуга бундай ёндашув шуниси билан асосланганки, иктисодий адабиётларда айнан соликли ва соликсиз тушумларига багишланган концепцияларнинг илмий асослангани йўк.

Режаларни ишлаб чикишда режа хисоб-прогнозлари ўтказилади. Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумлари доирасида кандай натижаларга у ёки бу шароитларда эришиш мумкин, айникса солик ставкаларининг тизимли тебранишида, биргина солик тўловининг бошкаси билан алмашинишида бюджет даромадларида ва унинг динамикасида кандай ўзгаришлар келиб чикади деган саволларга жавоб беради. Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумлари прогнози ва режа бир-биридан фаркли бўлиб, иктисодий борликка эга эмас. Шунинг учун бюджет соликли ва соликсиз тўловларини аниклашда соликка тортиладиган кўрсатгичлар режасидан бошлангич маълумотлар мухим ахамиятга эга булади. Агар прогноз эвентуал режа ва унинг бажарилиши билан боглик бўлмаса соликка тортиладиган базанинг хар бир

прогнозлашувчи объектини текшириш иктисодий кадр-кийматга эга бўлмайди.

Соликли ва соликсиз тўловлари сохасидаги иктисодий прогнозлаш хўжалик жараёнларнинг кечишини олдиндан айтиш учун мўлжалланган.

Соликли ва соликсиз тўловларини прогнозлашнинг режа олди даври режанинг мумкин бўлган вариантларини анклашга ёрдам беради, лекин соликка тортишнинг ёки солик ставкаларининг вариантларини максадли танлаш муаммоларини хал килмайди.

Шунинг учун хам юкорида айтилганлар нафакат иктисодий жараёнларни прогнозлашда кўлланилади, балки солик тўловларини прогнозлашга тўгри келади.

Прогнознинг сифатли бахосисиз соликли ва соликсиз тўловларини режалаштириш самарали бўлмайди. Режалаштиришнинг таркибий кисми каби прогнозлаш Республиканинг давлат органлари назарига кўпрок тушади. Соликли ва соликсиз тушумларини прогнозлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у тўла ишончга эга эмас, чунки кўп нарса субъектив далилларга богликдир:

1.Соликли ва соликсиз туловларни тўловчиларнинг манфаатларига, уларнинг янги даражасига алохида кабул килинган карорлар характерига.

2.Солик тушумлари ва тўловларини прогнозлаш республика ривожланишнинг объектив конунларини келгусида кенг кўламли жараённинг бир кисми хисобланади.

3.Айнан прогнозлаш таъсирида реал иктисодий муносабатларни ўрнатиш мумкин. Соликли ва соликсиз тушумларига махаллий бюджетининг ахволи богликдир. Шунинг учун соликли ва соликсиз тўловларини прогнозлаш ўз-ўзидан жамият ривожланишининг мухим ижтимоий-иктисодий омили хисобланади.

## 1.2. Солик тушумларини прогнозлаш усуллари.

Соликли ва соликсиз тўловларининг шаклланган прогнози прогнозлашнинг маълум усулига таянади. Шунинг учун фантастик тасдиклар, гипотенузаларни олдиндан айтиш, оддий топширикларни прогноз деб хисоблаб бўлмайди. Айникса гап махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тўловлари хакида борганда, уларнинг катталиги ва тўлалиги нафакат солик тўловчиларнинг иктисодий ривожланишнинг стратегияси ва тактикасини, балки Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини хам белгилаб беради. Шу боис махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тўловларини прогнозлаш учун кўп жихатдан соликка тортиладиган базани тўгри аниклаш билан боглик, шундан келиб чикиб, чиким харажатлар низомига амал килган холда соликка тортиш базасини кўрсатиб ўтилишини мухим деб топдим.

***Солик базаси*** - умумий холда белгиланган соликка тортиш даври мобайнида маълум худуддаги солик тўловчилар ва соликка тортиш объектларининг йигиндисидир.

Юридик шахслар тулайдиган солиқлар ичида уларнинг даромади(фойдаси)га солик мухим уринни эгаллайди. Шунинг учун хам ушбу солик тури буйича соликка тортиш соликларнинг иктисодий категория сифатида тан олинган конунлари яъни соликка тортишнинг замонавий тамойилларига мос келиши лозим.Энг аввало,бу солик турида солик олинадиган объект масаласини соликка тортиш тамойилларига мос равишда,солик туловчилар хамда давлат манфаатларидан келиб чиккан холда адолатли хал килиш лозим булади.Узбекистон бу масалада ривожланган мамлакатлар тажрибасини урганган холда хамда киска вакт ичида орттирилган соликка тортиш тизими тажрибаларини куллаган холда узига хос йулни тутди.Республикамизда ушбу солик турини соликка тортиш механизмининг узига хослиги яъни бошка мамлакатлардан тубдан фарк киладиган томони солик базасини шакллантирилишининг узига хослигидир.

Юридик шахсларнинг даромади(фойдаси) га солинадиган солик - корхоналар,бирлашмалар ва ташкилотлар даромади(фойдаси) бир кисмининг бюджетга мажбурий туловидир. Бу даромад(фойда) "Махсулот (ишлар,хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида" ги Низом билан аникланади.Кайта ишланган бу Низом Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли карори билан тасдикланган.

Мазкур Низом асосида хужалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиги буйича солик солинадиган база куйидагича хисоблаб чикарилади:

Даромад (фойда) солиги тулангунгача булган даромад (фойда) еки зарар. (Низомнинг А.Г булимларига мувофик ) плюс 1-иловада келтирилган солик солинадиган базага киритиладиган харажатлар моддалари (чегирилмайдиган харажатлар еки доимий тафовутлар).

Плюс еки минус 2-иловада келтирилган ушбу даврнинг солик солинадиган базасидан чикарилмайдиган, бирок кейинги даврларнинг солик солинадиган базасидан чикариладиган харажатлар (вактлар буйича тафовутлар)минус.

Конунчиликка мувофик соликлар буйича имтиезлар тенг булади. Даромад (фойда) солиги буйича солик солинадиган база.

$$\textbf{СБ = СТФ + 1-ИЛ +- 2-ИЛ – СИМ} \qquad (1)$$

Бунда,

**СБ** – солик солинадиган база

**СТФ** – солик тулангунга кадар булган фойда

**1-ИЛ** – 1- иловада келтирилган солик солинадиган базага кушиладиган харажатлар моддалари

**2-ИЛ**– 2-иловада келтирилган ушбу даврнинг солик солинадиган базасидан чикарилмайдиган,бирок кейинги даврларнинг солик солинадиган базасидан чикариладиган харажатлар

**СИМ**- соликлар буйича имтиезлар

Солик солинадиган базани тугри аниклаш максадида Низомда хужалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойда курсаткичлари ва махсулот (ишлар ва хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар хамда давр харажатлари руйхати алохида тавсифланади.

Хужалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг куйидаги курсаткичлари билан тавсифланади:

1 - махсулот сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган махсулотнинг ишлаб чикариш таннархи уртасидаги фарк сифатида аникланади:

$$ЯФ = ССТ - ИТ \qquad (2)$$

бунда, **ЯФ** – ялпи фойда

**ССТ** – сотишдан олинган соф тушум.

**ИТ** – сотилган махсулотнинг ишлаб чикариш таннархи

Сотишдан олинадиган соф тушум бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунчиликка мувофик махсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, ундан кушилган киймат, акциз солиги ва экспорт бож пошлинаси чегирилган тушум сифатида аникланади.

Сотилган махсулотнинг ишлаб чикариш таннархига киритиладиган харажатлар таркибини куриб чикадиган булсак, улар Низомга кура бевосита махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чикариш билан боглик булган , ишлаб чикариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлардан иборат. Яъни улар бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита махнат харажатлари, бошка бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чикариш хусусиятига эга булган устама харажатлар.

Махсулот (ишлар,хизматлар)нинг ишлаб чикариш таннархини хосил килувчи харажатлар уларнинг иктисодий мазмунига кура куйидаги элементлар билан гурухларга ажратилади:

- ишлаб чикариш моддий харажатлар (кайтариладиган чикитлар киймати чикариб ташланган холда);
- ишлаб чикариш хусусиятига эга булган мехнатга хак тулаш харажатлари;
- ишлаб чикаришга тегишли булган ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чикариш ахамиятига эга булган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чикариш ахамиятига эга булган бошка харажатлар.

-асосий фаолиятдан курилган фойда, бу махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари уртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан курилган бошка даромадлар еки минус бошка зарарлар сифатида аникланади.

$$АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ \qquad (3)$$

Бунда,

**АФФ**- асосий фаолиятдан олинган фойда;

**ДХ-** давр харажатлари;

**БД-** асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар;

**БЗ-** асосий фаолиятдан курилган бошка зарарлар;

Солик солинадиган базани аниклашдаги узига хос хусусиятини давр харажатларига киритиладиган харажатларда куриш мумкин. Бу харажатлар ишлаб чикариш таннархига киритилмайди, бирок асосий фаолиятдан олинадиган фойдада хисобга олинади.

Давр харажатларига харажатлар элементлари буйича куйидагилар киради:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошка операция харажатлари;
- хисобот даврининг келгусида солик солинадиган базадан чикариладиган харажатлар.

Асосий ишлаб чикариш фаолиятидан олинадиган бошка даромадларга куйидагилар киради:

-ундирилган еки карздор томонидан эътироф этилган жарималар,пенялар,вактида туланмаган карзлар ва хужалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошка хил жазо жарималари, шунингдек, етказилган зарарларни ундириш буйича даромадлар;

-хисобот йилида аникланган утган йиллардаги фойда;

-ишлаб чикариш ва махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боглик булмаган операциялардан рента даромади,хужалик юритувчи субъектлар хузуридаги ошхоналардан тушумлар, ердамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошка даромадлар;

- хужалик юритувчи субъектнинг асосий фондлари ва бошка мол-мулкларини сотишдан олинган даромадлар;
- даъво билдириш муддати утган кредиторлик ва депонент карзларни хисобдан чикаришдан олинган даромадлар;
- товар моддий бойликларни пухта бахолаш;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ердам;
- бошка операцион даромадлар.

Хужалик фаолиятидан олинган фойда (еки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан курилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида хисоблаб чикарилади:

$$УФ=АФФ+МД-МХ \quad (4)$$

Бунда,

**УФ-** умумхужалик фаолиятидан олинган фойда;

**МД-**молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

**МХ-**молиявий фаолият харажатлари.

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга куйдагилар киради:

- олинган роялтилар ва сармоя трансфери;

-Узбекистон Республикаси худудида ва унинг ташкарисида бошка хужалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш кушган холда катнашишдан олинган даромад, акциялар буйича дивидентлар ва облигациялар хамда хужалик юритувчи субъектга тегишли кимматли когозлар буйича даромадлар;

-мол-мулкни узок муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар(лизинг туловини олиш).

- валюта счетлари, шунингдек, чет эл валюталаридаги операциялар буйича ижобий курс тафовутлари;

- сарфланган (кимматли когозларга, шуъба корхоналарга ва хокозоларга) маблагларни кайта бахолашдан олинган даромадлар;

- молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар.

Молиявий фаолият харажатларига куйдагилар киради:

- Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган хисоб ставкалари доирасида ва улардан юкори доирада киска муддатли хамда узок муддатли кредитлар буйича, шу жумладан, тулов муддати утган ва узайтирилган ссудалар буйича туловлар;

- мол-мулни узок муддатли ижарага олиш(лизинг) буйича фоизларни тулаш харажатлари;

- чет эл валютаси билан операциялар буйича салбий курс тафовутлари ва зарарлар;

- сарфланган(кимматли когозларга, шуъба корхоналарга ва хокозоларга) маблагларни кайта бахолашдан курилган зарарлар;

- уз кимматли когозларини чикариш ва таркатиш билан боглик харажатлар;

- молиявий фаолият буйича бошка харажатлар, шу жумладан,салбий дисконт.

Ва нихоят солик тулангунгача олинган фойда, у умумхужалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавкулодда (кузда тутилмаган) вазиятлардан курилган фойда ва минус зарар сифатида аникланади:

$$СТФ=УФ+ФП-ФЗ \qquad (5)$$

Бунда,

**СТФ**-солик тулангунгача олинган фойда;

**ФП**-фавкулодда вазиятлардан олинган фойда;

**ФЗ**-фавкулодда вазиятлардан курилган зарар.

Фавкулодда фойда моддалари -бу кузда тутилмаган, тасодифий тусга эга булган, ходиса еки хужалик юритувчи субъктнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чикадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо буладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир.

Фавкулодда зарарлар- бу хужалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чикувчи ходисалар еки операциялар натижасида вужудга келадиган ва руй бериши кутилмаган одатдан ташкари харажатлар моддаларидир.

Махсулот (ишлар,хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида Низомга мувофик солик солинадиган базага кайта кушиладиган (Солик солинадиган базага киритиладиган харажатлар моддалари (чегирилмайдиган харажатлар еки доимий **тафовутлар)** куйидагилардан иборат:

- ишлаб чикариш таннархи буйича.

- хужалик юритувчи субъектнинг ишлаб чикариш ишчилари ва бошка ходимлари мехнатига харажатлар буйича.

- ишлаб чикаришга тегишли булган ижтимоий сугурта ажратмалари буйича.

- асосий воситалар ва моддий активлар амаортизацияси буйича.

- ишлаб чикариш тусидаги бошка харажатлар буйича.

- давр жаражатлари буйича.

- молиявий фаолият буйича харажатлар.

-товар-моддий захираларни кайта бахолаш билан боглик харажатлар моддалари.

2.1. Ишлаб чикариш харажатлари буйича:

2.2. Давр харажатлари буйича:

Низомнинг 2- иловаси буйича ушбу даврнинг солик солинадиган базасидан чикарилмайдиган, бирок кейинги даврларнинг солик солинадиган базасидан чикариладиган харажатлар(вактлар буйича тафовутлар)га киради.

Жисмоний шахслар тўлайдиган соликларнинг хусусияти шундан иборатки солик жисмоний шахснинг тўгридан - тўгри ўз даромадидан олинади, соликлар ва йигимлар асосан накд пул тўлаш йўли билан бюджетга ўтказилади.

Шундай экан бу ерда солик тўловчи жисмоний шахс билан солик ундирувчи ўртасида тўгридан - тўгри пул муносабати мавжуд.

Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадга солинадиган соликни, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йигимни, давлат божи ва бир канча бошка соликлар ва йигимларни тўлайдилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадга солинадиган солик жисмоний шахслар даромадига солинадиган соликни таркибий кисми хисобланади.

Жами йиллик даромад билан Солик кодексига мувофик белгиланадиган чегирмалар уртасидаги фарк сифатида хисобланган солик солинадиган даромад солик солиш объектидир.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солик туловчи олиши лозим булган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошка маблаглар, шу жумладан:

- мехнатга хак тулаш шаклида олинадиган даромадлар;

- жисмоний шахсларнинг мулкий даромади;

-жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромад киради.

Мехнатга хак тулаш шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг мехнат шартномаси буйича килинган ишлардан ва фукаролик хукукий шартномалар буйича оладиган даромадлари киради. Мехнатга хак тулаш шаклида олинадиган даромадларга куйидагилар хам киради:

1) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) киймати билан бундай товарларни (ишлар, хизматлар) харид килиш нархи ёки уларнинг таннархи уртасидаги манфий фарк;

2) иш берувчи томонидан ходимларнинг чикимларини коплаш учун килинган, уларнинг фаолияти билан боглик, булмаган харажатлар;

3) ходим иш берувчига тулаши керак булган, аммо иш берувчининг карори билан хисобдан чикарилган карз суммалари;

4) иш берувчи уз ходимларининг хаёти ва соглигини ихтиёрий сугурталаш бадалларини тулаш учун килган харажатлар;

5) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб колиниши керак булган туловлар юзасидан тулаган суммаси;

6) иш берувчининг уз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошка харажатлари.

Ходимларга Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилаган меъёрлар доирасида бериладиган хизмат сафари туловларининг суммалари жами йиллик даромадга киритилмайди.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига фоизлар, дивидендлар буйича олинган даромад, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадга товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, даромад олиш максадида таваккал килиб, уз мулкий жавобгарлиги остида якка тартибда амалга оширадиган, конун хужжатларида такикланмаган бошка фаолиятдан келадиган барча тушумлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан солик солинадиган даромадларни аниклаш вактида мазкур ялпи даромадни олиш (топиш) учуч килинган харажатлар, мажбурий туловлар, чикимлар ва ажратмалар чегириб ташланади. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан чегириб ташланиши лозим булган харажатлар, мажбурий туловлар, чикимлар ва ажратмаларни аниклаш тартиби Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Жисмоний шахсларнинг шахсий истеъмол билан боглик булган харажатлари тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан чегириб ташланмайди.

Солик, кодексига мувофик, молиявий жазо чоралари ва хисоблангаи пенялар суммалари жами даромаддан чегириб ташланмайди.

ККС объекти бўлиб товарлар (ишлар,хизматлар) сотиш ва импорт товарлар обороти хисобланади, ККС дан озод бўлганлар ва махсулотлардан ўз ишлаб чикариш максадлари учун фойдаланишдан ташкари. Товарлар (ишлар,хизматлар) обороти деб махсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган

хизматларни юклаш (ортиш) тушунилади. Уч хил сотиш тури мавжуд: товарлар,ишлар ва хизматлар.

Махсулот (иш, хизматларни) хакикий таннарх бахосидан паст сотувчи корхоналарда соликка тортиш максадида махсулот сотилаётганда карор топган бахо кабул килинади, лекин шу товарлар (ишлар, хизматлар) нинг ишлаб чикариш (сотиб олиш) хакикий харажатидан кам бўлмаслиги шарт.

Товарларни натурал хак тарзида берилганда ёки касса оркали ўз ходимларига таннарх бахосидан паст килиб сотилганда соликка тортиладиган оборот товарларни (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чикаришнинг хакикий харажатидан кам бўлмаган микдорда белгиланади. ўзи ишлаб чиккан товарлар корхона ичида тадбиркорлик фаолияти билан боглик бўлмаган максадларга фойдаланилса соликка тортиладиган оборотни аниклаш учун уларнинг хакикий таннархи олинади.

Хомашё ва материаллар эгасининг товарини ишлаб берганда соликка тортиладиган оборот бўлиб уларнинг кайта ишлов киймати (харажатлар ва фойда кўшилиб, акциз ости товарлар бўлса акциз суммаси хам кўшилиб) хисобланади. Узок ишлаб чикариш циклига эга бўлган корхоналар учун (курилиш, курилиш-мантаж, таъмирлаш-курилиш,проект-кидирув ва илмий-текшириш) соликка тортиладиган оборот бўлиб хисоблашиш хужжатларида тўлаш учун кўрсатилган бажарилган ва бюртмачилар томонидан тасдикланган киймат хисобланади. Бу ерда ишларни бажариш жараёнида бахоларнинг транспорт ва бошка хизматларнинг таърифини ошиши ёки камайишини хисобга олиб тузилган шартнома бахосидан келиб чикилади.

Соликка тортилмайдиган оборот хам мавжуд. Бундай оборотга куйидагилар киради:

1.Корхонанинг бир шохобчаларидан иккинчи шохобчаларига саноат ишлаб чикариш максадлари учун ярим фабрикат ,бажарилган ишлар ва хизматлар обороти сотилганда (завод ичи обороти).

Бу шахобчалар хисоб счётига эга бўлмайди ва бош корхонанинг балансида туради.

2.Кооператив, хўжалик жамиятлари ва ўртокликлари, корхонанинг бошка таъсисчилари ўртасида корхонани тугатилиши муносабати билан улар ўртасида мулклар таксимлангандаги оборотлар . Бу холат тугатилаётган корхонанинг мулки бошка шахсларга сотилганда таълукли бўлмайди.

Хисоблашиш хужжатлари тўлангандан сўнг товарлар кайтарилса ККС суммасига ўзгартиришлар киритилади шу шарт биланки бир йил ичида сўров талаби муддатига риоя килинган бўлса.

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида юридик шахсларнинг даромад солиги корпорация солиги еки корпоратив солик деб аталади.Ушбу солик тури нисбатан олганда бошка соликларга нисбатан кейинрок яъни бу мамлакатларда турли шаклдаги тадбиркорлик(бизнес)ни ривожланиши билан юзага келди.

Корпорация солиги- компанияларнинг соф фойдасидан олинади.

АКШда корпорациянинг бюджетга тулайдиган барча соликлари штат соликлари ва федерал соликларга булинади. Нью-Йорк штатида франшиза махаллий солик булиб хисобланади.У штатда бизнес ишлари билан

шугулланувчи барча корпорациялар томонидан хар йили тулаб келинади. Хисоб-китоблар корпорациянинг хар бир солик йили учун булган жами соф фойдаси суммасидан келиб чиккан холда амалга оширилади. Корпорация ушбу максадни амалга ошириши учун узи олган фойдаси тугрисидаги йиллик хисоботни такдим этиши шарт. Корпорациялар фойдасини олувчилар учун франшиза солигининг микдори Нью-Йоркда ишлаб топилган фойданинг 9 фоизини ташкил килади. Бирок фойдадан каъий назар, корпорация хар йили 250 доллар микдорида франшиза солигини тулаши шарт. Агар корпоратив фойдалар акциядорлар уртасида дивидендлар сифатида таксимланса еки ойлик иш хаки сифатида туланадиган булса, улар даромад солигига тортилади.

Фойдадан федерал солик табакаланган холда туланади. Дастлабки 50 минг доллардан иборат фойда 15 фоизлик соликка тортилади; кейинги 25 минг доллар - 25 фоизлик; 75 минг доллардан олинган фойда соликка ставка асосида тортилади.Бундан ташкари, 100 минг доллардан 335 минг долларгача булган фойда кушимча равишда 5 фоизлик солик ундирилади. Айрим касбий корпорациялар (тиббиет, юридик хизматлар, консалтинг, мухандислик иши, архитектура, бухгалтерия хисоби ва бошка сохаларда ишловчи) табакаланмаган 34 фоизлик соликка тортиладилар.

Японияда корпорациялар даромадидан олинадиган соликда солик базасини шакллантиришнинг узига хос хусусиятлари мавжуд. Солик базасини аниклашда жами тушум таркибига товар материалларини сотишдан, асосий воситаларини ижарага беришдан, молиявий бозордан тушган суммалар йигиндиси киритилади. Ушбу йигиндидан махсулот ишлаб чикариш учун кетган куйидаги харажатлар чегириб ташланади; ишлаб чикриштаннархи (сотиб олиш харажати), иш хаклари, транспорт харажатлари, ижтимоий таъминот туловлари, амортизация ажратмалари (махсус амортизация ва тезлаштирилган амортизация), резерв ажратмалари (резерв капитали) ва бошкалар. Шундан сунг иктисодий самара даромад яъни солик олинадиган база хосил килинади ва белгиланган ставкалар асосида соликка тортилади.

Даромад солигининг ставкалари табакалаштирилган хола булиб, умумий типдаги юридик шахслар учун 100 млн йеналик устав фондига эга булган юридик шахслар,8 млн йенагача 28 фоиз ва 8 млн йенадан юкориси 37.5 фоизлик ставкада солик ундирилади.

Кооперативлар учун 27 фоизлик ставка кулланилади. Умумжамият ахамиятига молик хизматлар билан банд булган юридик шахслар хам 27 фоизлик ставкада солик тулайдилар.

Солик тўловларининг прогнозлаш ахамиятини хисобга олиб, биз ўз изланишларимизда назарий ва услубий режада прогнозлаш усулларини кўрсатишга асос килиб унинг солик тўловларини реал кўрсата оладиган йўналишларини олишга харакат килдик. Шундай килиб, солик тўловларини прогнозлаш усули бизнинг нуктаи назаримизда иккита катта гурухга бўлиниши мумкин:

- келажакда солик тўловларининг моделлаштириш ва экстрополяциясида асосланган усуллар;

- солик тўловларининг келгуси холатини экспертли бахолашда асосланган усуллар.

Бу гурухларнинг хар бирида объект характери ва прогнозлаш масаласи мазмунига мувофик ташкил этилган битта прогнозловчи тизим доирасида хамкорликда кўлланиладиган кўпгина усул ва услубларни ажратиш мумкин.

Хар кандай прогнолаштиришни ишлаб чикиш дастлаб, холатни тахлил килишдан бошланиши керак, яъни соликка тортиладиган база ва унинг ривожланиш омиллари тизимини кўрсатиб ўтиш лозим. Солик тўловларининг истиболли холатини хар бир омилларнинг хулкини прогнозлаш асосида бахолаш керак. Прогнозни ишлаб чикишнинг мухим элементи объектнинг исталган холатига эришиш йўлини асослаш ва танлаш хисобланади.

Соликларнинг прогнозлашувчи тушумининг дастлабки холатини таснифловчи хисобот маълумоти учта асосий йўналишда кўриб чикилиши керак:

- мухим солик тўловларини, уларнинг объектларини хисобга олиб харакатланиш йўналишини ва микдорли тавсифларини ўрнатиш максадида динамик каторларни тузиш ва тахлил килиш;

- алохида кўрсатгичларнинг алохида гурухлари ўртасида ўзаро алокани ўрнатиш ва бюджетга тўловлар бўйича ўрганиладиган иктисодий тўплам тузилишини аниклаш, бу боскичнинг мазмуни алохидаги кўрсатгичлар ўртасида сабабли-текширув алокаларни ўрнатиш хисобланади, натижа эса солик тушумларини прогнозлаш аппарати хисобланилиши иктисодий-статистик, математик, имитацион ва бошка моделлар тизимини тузиш хисобланади;

- энг мухим балансли тизимни ва вактга караб уларнинг ривожланиш характерини кўрсатиш: бунда ишлаб чикариш жараёнларининг динамика механизми, микдорли кўрсатгичларнинг балансли ўзаро алокаси очиб берилади, бу эса соликка тортиладиган базаларни, уларнинг ставкасини, имтиёзларини ва солик тушумлари турлари бўйича тушумларни аниклаш учун зарурдир.

Бир карашда, соликларнинг прогнозли тушумларини бошлангич холатини таснифловчи хисобот маълумотлари мураккаб кўринади. Лекин бу мураккаб эмас, тахлилга тегишлидир, энг мухими эса соликка тортиш сохасида уларсиз бирор-бир таклифларни киритиш мумкин эмас. Барча соликли ўзгаришларнинг асосида маълумот туриши керак.

Статистик тадкикотларни амалга оширишда хозирги кунда фойдаланилаётган усулларни бир неча гурухларга ажратишимиз мумкин:

1. Кўп ўлчамли усуллар, биринчи навбатда омилли ва кластерли тахлил асосида кўп сонли бир-бирига боглик ўзгарувчилар ётувчи карорларни асослаш учун бу усуллар кўлланилади. Масалан, ялпи махсулот хажмини ишлаб чикаришнинг техник даражасига боглик холда аниклаш.

2. Регрессив ва корреляцион усуллар солик хизмати фаолиятини тавсифловчи ўзгарувчи гурухларининг ўзаро алокасини ўрнатиш учун кўлланилади.

3. Иммитацион усуллар маркетинг вазиятига таъсир этувчи

ўзгарувчилар оддий тахлилий ечимлар мантикига мос келмаганда кўлланилади.

4. Статистика назариясида яратилган карорлар кабул килиш усуллари. Буларга ўйинлар назарияси, ялпи хизмат кўрсатиш, стохастик дастурлаш усуллари киради. Стохастик тавсифлаш учун солик тўловчиларнинг солик сиёсатидаги ўзгаришларга бўлган реакциясидан фойдаланилади. Нархлар таркиби, товарлар таклифи ва солик интизоми холати тўгрисидаги фаразларни статистик синаш учун ушбу усулларнинг иккита асосий йўналишини ажратиш мумкин. Масалан, бу солик тўловчиларнинг солик конунларига риоя килиш даражаси, ишлаб чикаришнинг ўсиши ва пасайиишини ва солик тушумлари хажми ўзгаришининг таъсирини тадкик килиш. Антогонистик ўйинлар усуллари солик тўловчилар билан солик маъмурияти ўртасидаги муносабатлардаги ожиз жойларни аниклаш имконини беради.

5. Операцияларни тадгкик килишнинг детерминлаш-тирилган усуллари, биринчи навбатда чизикли ва чизиксиз дастурлаштириш. Бу усул кўп бир-бирига боглик ўзгарувчилар мавжуд бўлиб, уларда оптималини танлаб олиш зарур бўлганда кўлланилади. Бу усуллар статистик тахлилнинг таркибий кисми ёки тахлилнинг мустакил воситаси сифатида кўлланилади. Бу усулларнинг иловаларидан бири бўлиб солик инспектрларининг оптимол иш билан таъминлаш даражасини танлаш, солик ишчиларининг мутахассислик миграциясини минималлаштириш ва бошкалр хисобланади.

Юкорида таъкидланган (усуллар) тадкикотлар ва режалаштириш усуллари фандаги маълум усулларни тамомламайди, улар 65 дан кўп. Бу усулларнинг хаммаси у ёки бу тарзда махсус дастурлаш воситаларини кўллайди. Солик тадкикотларини компьютерлаштириш соликка тортиш базасини танлашда мўлжаллашга, барча даражадаги бюджетлар бажарилиши жараёнида вужудга келадиган солик вазиятларининг мумкин бўлган максимал сонини хисоблаш.

Назарий жихатдан режалаштириш усулини танлаш солик ёки солик гурухининг турига, солик тўловчининг турига богллик эмас. Бунда солик режаларини ишлаб чикишдан аввал кўйилган максад мухим хисобланади. Амалий жихатдан у ёки бу соликларни режалаштириш усулини танлаш солик мажбуриятининг техник жихозланганлиги ва ишчиларнинг малакаси даражасига боглик. Давлат солик хизматини иншаклтизациялаш тизими 1997 йилда шаклланди ва баркарор фаолиятда юритилмокда. Ижобий натижаларга солик хизмати таркибий кисмларини автоматлаштиришнинг иншаклцион-мантикий моделларини кўллаш билан эришилди.

Хозирда Давлат солик хизматида кўлланилаётган “Солик” автоматлаштирилган иншаклцион тизимлари куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Солик хизмати фаолиятининг тезлигини таъминлайди.
2. Солик тўловчилар хисоблари бўйича маълумотларнинг ишончлилиги ва назорат фаолиятларининг натижаларининг ишончлилигини оширади.
3. Солик ва бухгалтерия хисоботларини яхшилайди.
4. Солик тушумлари динамикасининг чукурлаштирилган тахлилини

ўтказиш имконини беради ва солик тўловчилар таркиби ўзгаришини ва иктисодий ўсиш суръатларини хисобга олиб прогнозлаш ишларини ташкил килиш учун маълумотлар банкини шакллантириш имконини беради.

5. Солик маъмуриятининг барча бўгинларини барча доирадаги слик конунчилигидаги ўзгаришлар хакидаги маълумотлар билан таъминланиши учун шароит яратади.
6. Когозли хужжатлар айланишини кискартиради ва тахлилий ишларни ўтказишга вакт бўшатади.
7. Келажак учун солик тизимини ишлаб чикиш максадида бошкарув карорлари сифатининг юксалишига ва тезликнинг такомиллашишига имкон яратади.

Автоматлаштирилган иншаклцион тизимларни (АИТ) кўллаб алохида солик бўйича ва ўхшаш соликлар гурухи бўйича солик тушумлари хажмини режалаштирииш мумкин. АИС га ўхшаб ташкил этилган махсус компьютер дастурлари солик ва солик гурухлари таркиби бўйича кодлаштирилган. Бу жорий ва келажак учун соликларни режалаштириш имконини беради.

Ўзаро бир-бирига боглик бўлган барча молия режалари йигиндиси молия режалари тизими деб юритилади. Бу молия режалари тизими територияларда, худудларда пул маблагларини таксимлашни, пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишни, такрор ишлаб чикариш жараёнида молиянинг алохида звенолари ролининг ифодаланишини ўз ичига олади.

Молиявий режалаштириш жараёнида бир неча хил режалар тузилади.

Умумдавлат фаолиятини ифодаловчи молия режаларига давлат бюджети, давлат социал сугурта бюджети, давлат мулкий ва шахсий сугуртаси молия режаси хамда территориал ва давлатнинг молия маблагларини кўрсатувчи йигма молиявий маблаглари киради. Бу молиявий режаларда давлат бюджети алохида ўрин тутади. Давлат бюджетида давлат билан турли мулк шаклсига эга бўлган корхона, хўжалик ташкилотларининг молиявий муносабатлари акс этади. Унинг даромад кисмида даромадларни келиб тушиш манбалари кўрсатилади; харажат кисмида эса маблагларнинг социал-маданий тадбирларга, халк хўжалигига, ахолини ижтимоий химоялашга, бошкарувга, мудофаага ва бошкаларга сарфланиши акс эттирилади. Давлат бюджетининг яна бир мухим ахамияти шундаки, у бошка молия режалардан фарк килиб конун тарикасида тасдикланади. Молия режалари тизимида сохалар молия режалари асосий ўринни эгаллайди ва бу ерда даромадлар ва харажатлар баланси мухим рол ўйнайди. Хозирги пайтда корхоналар молиявий режалари бизнес режалар деб юритилмокда.

Хар кайси режа мўлжалланган давр учун даромадлар ва харажатлар, молия ва кредит тизимларининг звенолари ўртасидаги алокалар (ижтимоий сугуртага ажратма бадаллари, бюджетга тўловлар, банк кредити учун тўлов ва бошкалар) аникланади.

Моддий ишлаб чикариш сохасида кискартирилган шаклда-молиявий режадан фойдаланилади. Молиявий режа даромад ва харажат кисмларида

(майда ва ўрта корхоналарда хамда бошка шаклларда) бу даромадлар ва харажатлар балансидир.

Бозор иктисодиёти шароитида мамлакатнинг ривожланишида молиявий режалаштиришга талаб камайгани йўк. У аввалгидай ишлаб чикариш фондларининг кенгайтирилган доиравий айланишини молиявий ресурслар билан таъминлашга, молия-хўжалик фаолиятида самарадорликнинг юкори кўрсаткичларига эришишга, корхонанинг молиявий чидамкорлигини ва тўловга кобилиятини мустахкамлашга шароит яратиб беришга каратилгандир. Хозирги пайтда аввалги директив режалаштириш тизими даврига караганда молиявий режалаштириш сифатини ошириш максадга мувофикдир, чунки бозор муносабатларида ўз фаолиятининг самарасизлиги, шу билан биргаликда молиявий режалаштиришда нотўгри хисоб-китобларни юритишда жавобгарликни корхонанинг ўзи тортади.

Янги хўжалик юритиш шароитида ўзининг катта ролини саклаб колган молиявий режалаштириш ўз навбатида кайта курилган бўлиши лозим. Унинг мазмуни ва амалдаги шакллари хўжаликнинг янги иктисодий шароитлари бўлган ўзгаришлари билан боглик холда амалга оширилади.

Тадкикотнинг (режалаштиришнинг) юкоридаги йўналишлари бўйича олинган натижалари солик таркибини, унинг элементларининг рационаллиги (яъни, тўловчи, солик объекти, ставкаси, имтиёзлар ва бошкаларнинг рационаллиги) ва жорий даврда ахоли даромад солиги бўйича кўлланилаётган концепцияни мос равишда бахолаш имконини беради. Зарурият тугилганда Ушбу соликнинг элементларининг тўгирланиши мумкин: соликка тортиш прогрессияси, ставкалар ва даромадлар нисбати, соликка тортилмайдиган минимум, имтиёзли тўловлар ва шу кабилар.

Тегишли омилли тахлил режалаштирилаётган даврда кўлланилаётган хар бир солик бўйича амалга оширилади. Соликни режалаштиришнинг бошка усуликаларини кўллаш кўйилган вазифанинг кийинлигига у ёки бу даражада боглик бўлади. 1996 йилга кадар барча солик маъмуриятлари томонидан солик тушумларини аниклашда энг оддий ёндашиш - эришилган натижага караб режалаштириш кўлланилган. 1996 йил Солик АИТга ўтиш бошланди. Бу худудий солик идораларининг техник жихозланиши, маълумотларни йигиш ва кайта ишлаш жахон технологияси билимларининг таркатилиши, прогрессив текширув комплексларидан фойдалана олиш ва малакаларни хосил килиш ва бошка кўп нарсалар килинишини такозо этади.

Автоматлаштирилган соликни ривожлантиришга ўтиш-кимматли ва кўп мехнат талаб киладиган лекин жахон иктисодий тизимига киришга интилаётган мамлакат учун объектив зарурий жараёндир.

Молиявий кўрсаткичларнинг хам истикболли хам режали хисоб-китоблари турли хил усуллардан фойдаланишни такозо этади: шулардан энг мухимларига куйидагилар киради: экстраполяция усули, норматив (меъёрий), математик моделлаштириш, таккослаш усуллари киради.

*Экстраполяция усули* молиявий кўрсаткичларнинг динамикасини намоён килишда, уларни аниклаш, хисоб-китобларда кўрсаткичларнинг жорий давридагилардан фойдаланади.

*Норматив (меъёрий) усул* ўрнатилган иктисодий норма ва нормативлардан фойдаланишни талаб этади.

*Математик моделлаштириш усули* реал иктисодий ва ижтимоий жараёнларни бошкаришда турли молиявий моделларни тузищдан иборатдир.

*Таккослаш усули* илмий-техник, иктисодий, маданий ва бошка омилларнинг жахон масштабидаги ривожланиш тизими билан ўзаро таккослащдан иборатдир.

Тактик ва стратегик режалаштириш максадларининг ечими шунингдек куйидагиларга имкон беради: солик жараёнини назорат фаолияти билан бутунлай камраб олиш, солик тўловчилар ўртасида кенг усулик ишларни ташкил этиш.

Соликларни режалаштиришда риск даражаси хисобга олинади. Олдиндан кутилмаган ёки бахоланаётган бошка омил таъсири натижасида хакикий келиб тушадиган солик тушумлари режадагидан 2-3 пунктга фарк килиши олдиндан режада кўзда тутилади. Бу бюджет харажатлари бўйича режа вазифаларини имкон кадар юкори бажаришни таъминлайди.

Режадаги солик мажбуриятларини бажарилишида кабул килинган солик концепцияси мухим ахамият касб этади. Уни тайёрлашда нафакат миллий солик конунчилигини, балки халкаро тажрибани хам хисобга олиш мухимдир.

Бюджетга солик тушумларини режалаштиришда факатгина махсус органларгина катнашмайди. Соликка тортишнинг келажакда ривожланиши йўналишларини ишлаб чикищда олимлар жамоалари, Давлат солик хизматининг мутахассислари ва реал солик прогнозлари билан кизикувчи шахслар катнашади. Солик жараёнини демократиялаштиришнинг янги ва ижобий омили унда жамоат ташкилотларининг иштирок этиши бўлди. Соликка тортиш бозорнинг ва давлатчиликнинг демократик асослари ташкил топган шароитларда барча даражадаги бюджетларнинг шаклланиши тўгрисида янгича масала кўяди. Ўз ўрнида умумдавлат соликни режалаштириш жараёнига, унинг корпоратив менежмент билан ташкилий алокасининг ўрнатилишига бўлган карашлар, ёндашишлар хам янгича бўлиши лозим. Уларнинг иктисодий кизикишларининг карама-карши бўлишига карамай стратегияси битта мамлакат доирасида бир бутун баркарор иктисодий асос яратиш.

Бюджет-солик сиёсатида алохида регион ва худудлар ривожланишини прогноз килиши ва бахолаш биринчи даражали бўлиб боради. Давлат ва корпоратив кизикишлар бу ерда кесишади. Банкларнинг филиаллари тармогини, молиявий саноат гурухларини, чет эл шўъба корхоналарини мустахкамлаш учун регионлардаги молиявий ресурслар етарлилиги асос бўлади. Давлат учун эса худудлар молиявий базасининг мустахкам бўлиши кайта таксимлаш жараёнларининг яхшиланиши, пул воситаларининг трансферт кўринишидаги окимларини камайиши, ижтимоий-иктисодий карама-каршиликларни бартараф этишга имконият яратади.

## 1.3.Бозор иктисодиёти шароитида солик тўловчиларнинг хулкий стратегиясини шакллантириш.

Иктисодиётнинг ривожланишининг бозор турига ўтиш солик тўловчилар олдига янги масалалар кўяди, бу масалаларнинг муваффакиятли ечими ишлаб чикариш фаолияти жараёнида уларнинг молиявий ютугига имкон беради. Чунки бозор маълум даражада стихияли тизимни намойиш этади, унинг учун ўтиш жараёнлари ўзига хос хисобланиб, солик тўловчилар хулкининг стратегиясини ишлаб чикищдаги мухим роль бозор компонентлари динамикасини прогнозлашга каратилади.

Бозорда солик тўловчилар хулкининг варианти хакидаги карорни кабул килиш жараёни бир бозорнинг бошкасига ўтишини камайтиришга имкон берувчи яхши ахборотли базада асосланган бўлиши керак.

Бозорда ишлаб чикаришнинг тартибсизлиги ва ўзбошимчалигига карамасдан тадбиркор ўз ишлаб чикаришини бозор динамикасини хисобга олиб тартибга солиш имконига эга. Ишлаб чикариш жараёнини тартибга солишда иштирок этувчи омиллардан бири бозорни тахлил килиб, хеч бир кийинчиликсиз олинувчи маълумот хисобланади. Шундай салмокли харидорлар сони бизга бозор хажмини, товарни танлашга харидорлар хулкининг тахлилини кўрсатади, бозор улушини таксимлашни, нархнинг ва даромаднинг ўсиш индексини кўрсатади.

Янги товар билан бозорга чикувчи тадбиркор таклиф килинадиган схема бўйича хам ўзини, хам ахолини коникттириш керак:

- салмокли харидорлар сонидан келиб чикиб бозор хажмини аниклаш;
- аналогик ёки ўрнини алмаштирувчи махсулотни ишлаб чикувчи ракобатчилар сонини аниклаш;
- ракобатчи-товарларнинг нархини ва истеъмол хусусиятларини билищ;
- бозордаги харидорлар хулкининг матрицасини ишлаб чикиш ва унинг асосида ракобатчи-товарлар ўртасида бозорни таксимлашнинг прогнозли бахосини олиш;
- вакт бирлигида барча ишлаб чикарувчиларнинг суммали савдоси асосида бозорни таъминлаш вактининг ўртача катталигини аниклаш;
- шахсий ишлаб чикариш имкониятларини тахлил килиш асосида вактни аниклаш керак;
- ишлаб чикариш харажатларининг суммали хажмини ва янгиликни ишлаб чикиш ва ўрганиш билан боглик харажатларни аниклаш;
- 1-7 асосида янгиликни ишлаб чикаришнинг рентабеллик даражасини аниклаш ва уни эталон билан солиштириш;
- бозор улушини ўз фойдасига кайта таксимлашга каратилган рентабеллик даражаси эталонли белгидан хам паст бўлади.

Бозор улушини кайта таксимлаш дефицитининг келиб чикиши туфайли мумкин эмас. Шу муносабат билан ишлаб чикариш имкониятини кенгайтиришга капитал харажатларини ва матрицани тузиш керак:

- корхонанинг кўшимча сотиш хажми вакт оралигида бозорни таъминлаш вакти ўртасида фаркни намойиш этади.

- товарни ишлаб чикариш рентабеллигини унинг эталонли белгиси оркали солиштириш йўли билан ишлаб чикариш имкониятларини кенгайтиришга кўшимча капитал жамгармаларнинг максадга мувофиклигини аниклаш. Соликка тортиладиган базаларнинг реал хажмини аниклаш асосида мана шулар ётиши керак.

Барча харакатлар таклиф этиладиган схеманинг барча параметрларини аниклашга йўналтирилиши керак. Шу муносабат билан аниклаш кераккки, корхона фаолиятининг тузилиши тубдан ўзгаради, чунки ўз товарларининг сотилиш кафолати йўколади. Бу дегани, корхоналар ўз ишлаб чикариш фаолиятини улар учун янги омилларни хисобга олиб режалаштиришлари тавсия этилади. Уларни сотиш хажми бевосита уларнинг таснифининг бозор талабларига жавоб беришга тўгри келади. Сотиш хажмининг функцияси, харажатлар ва даромадлар кўриниши куйидагича бўлади (чизма 1-2 ларга каралсин):

1-чизма.




2-чизма.




Шунинг учун махсулотни ишлаб чикариш ва сотиш боскичида бозордаги махсулотларни таркатиш прогнозини ишлаб чикиш ва унинг асосида ишлаб чикариш дастурларини ишлаб чикиш керак. Бу жуда мухимдир. "Нима учун биз бунча чукур боряпмиз?" -деган савол пайдо

бўлади. Чунки, бир томондан харажатларга, бозорда товарларни таркатиш ва даромадни олиш имкониятларига тўкнашамиз.

Биз текшираётган иш доирасида бир хил жавобни бериб бўлмайди. Лекин бунга карамасдан таъкидлаш керакки, харажат ва даромад солик тўловчининг нафакат хулк стратегиясининг асосини, балки солик тушумларининг хулк тавсифини ташкил этади. Хар бир чизма (1, 2-чизма) солик катталиги билан асосланган. Бунинг хаммаси солик тизими олдига тузилмани сифатли ўзгартириш масаласини кўяди. Бу маблагларнинг давлат бюджетига келиб тушишнинг кўшимча окимини излаш имконини беради. Солик тўловчининг хулкига таяниб биз унинг стратегиясини кўрсатишга харакат килдик.

Мисол: Тахлил килинадики, бозор нархларининг I эластиклиги билан характерланади, у ерда ўсиш товарнинг реал кийматини Р нинг узлуксиз пасайиши билан чакирилади, шундай килиб, талаб катталиги нархнинг пасайишига пропорционал ўсади. Иктисодий назарияга мувофик мазкур ишлаб чикарувчи нархларнинг ўз сиёсатини сайлайди, шу тарзда келажакда хисобга олинган ўз даромадларини кўпайтириш учун, яъни

$$\int_{t}^{\tau} \pi i(\tau)_{e}^{-rt}\, dt \to \qquad (6)$$

кўринишдаги муаммони хал килиш учун.

Бундан, $\pi i(t) = [pi(t) - Ci(t)]Q(t)$ (7)

Бу ерда: C(t) – товар ишлаб чикариш таннархи,

r – дисконтли коэффициент,

τ - прогнозли давр,

Ракобатли бозорда бозор улуши бошкалар томонидан белгиланадиган нархга богликдир. Бирок илгор янги товар учун тахмин килиш маънолидир. I Нарх соликнинг давлат бюджетига тушишининг тўлалигини аникловчи бош омилдир. Айнан нарх оркали солик амалга оширилади. Бошкача килиб айтганда, бозор нархи берилган суратда k бозорнинг мунтазам катталашишини чикариш учун пасайтирилади, яъни:

$$Q(t) = Q_0 e^{kt} \qquad (8)$$

Бу ерда: - бозор талабидир, t=0 бўлганда.

Бозорда талаб нархининг ε доимий эгилувчанлиги билан (ижобий сон билан аникланган), бозорнинг ўсиш суръати бозор нархининг пасайишини талаб килади.

$$P = Poe^{-kt}\varepsilon \qquad (9)$$

Бу ерда: $\varepsilon = -\frac{dQ}{\alpha P}\cdot\frac{P}{Q}$ (10)

Товарни ишлаб чикариш киймати вакти келиб ишлаб чикарувчининг тажриба орттиришга караб пасаяди. Кийматни пасайтириш учун маълум формулани таклиф килиш кулайдир, яъни:

$$C = C_0 N^{-b} \quad (11)$$

Бу ерда: b-коэффициент;

N – баъзи вакт давомида кўп ишлаб чикариш

$$N = \int_0^t Q(\tau)d\tau \quad (12)$$

$$\frac{dN}{dt} = Q \quad (13)$$

8,10,12 тенгламалардан фойдаланиб ва i – ишлаб чикарувчи билан бирга π ялпи махсулот учун ифодани келтириб, куйидагини оламиз:

$$\pi = Q_0 (P_0 e^{-kt/\varepsilon} Coe^{-bkt}) e^{kt} \quad (14)$$

Янги товарни етказувчи корхонанинг ялпи даромади bε > 1 (15)дан бўлганда ўсади.

Агар бозорнинг бу шароити бажарилмаган бўлса, янги товар эскизини ўрнини боса олмайди. Даромадлиликнинг узок ўсиши учун керакли нархнинг эластиклиги амалиётда анча юкоридир. Бу дегани, салмокли харидорлар ўртасида кўп сонли тўлашни истовчилар бўлиши керак. Бошкача килиб айтганда, бир нечта фойдаланувчилар янгиликларга юкори нархларни тўлашни хохлашлари керак. Технологик тўлдириш ўз-ўзини кўллаб-кувватловчи хисобланади, бозорнинг ўсиши суратига юкори чегара борки, товарга бўлган нарх жуда тез тушса, баъзи фойдаланувчилар нархнинг пасайишини кутиб харид хакидаги карорни четга суради. Тенглама (4)дан кўриниб турибдики, нархлар бозорнинг ўсиши билан богликдир, тартибга солишнинг автоматик курилган механизми мавжуддир, у бозорнинг ўсиш суратини чеклайди. Бу ўз навбатида солик тўловчининг барча харажатларини иктисодий чегараларини аниклаган. Шундай килиб, бозор ўз-ўзидан нархни кучайтирувчи хисобланади.

Шундай килиб, солик тўловчиларнинг хулк стратегияси нарх, харажатлар ва таркатиш масштабларининг ўзгариши билан ўзаро боглик бўлади.

# II БОБ. БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ВА СОЛИК ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШНИНГ АМАЛ КИЛУВЧИ ТИЗИМИ

## 2.1. Бюджет даромадаларини соликли ва соликсиз тушумларини прогнозлашда йигма жадвалларнинг тутган ўрни ва улардан фойдаланиш зарурияти.

Соликли ва соликсиз тушумларни амалга ошириш юридик шахслардан пулсиз, жисмоний шахслар томонидан эса, накд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилди.

Солик тўловчи соликлари ва соликсиз туловларни ортикча тўлаган такдирда солик тўловчининг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида кайтариб берилади ёки келгуси тўловлар хисобига ўтказилади.

Соликли ва соликсиз туловлар бюджетга куйидаги тартибда ўтказидлади:

- асосий сумма;
- хисоблаб чикилган пеня;
- жарималар.

Солик ишини юритиш масалаларига тўлик амал килган холда ва уни бажариш шарти билан прогноз бўлими ташкил килишади ва унга бўлим бошлиги рахбарлик килади.

Хар бир солик инспексиясида солик тўловчиларни хисоботи олиб борилади ва хисобланган ва бюджетга ўтказилган солик ва тўловларни, молиявий жарималарни ва кўрилган тадбирларни хисобини олиб боради.

Соликли ва соликсиз тушумларии башорат кўрсаткичларини назорат килиш, бокиманда суммаларини камайтиришда, муддатида тўланмаган солик ва бошка мажбурий тўловларни , Давлат божи суммаларини корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки хисобидан ундириш, кўрилган ишларни кечиктирмасдан хўжалик судларига узатилишини таъминлашда улар бошкармага келаётган статистик хисоботларни тахлил килиш билан чекланмасдан, жойларга чикиб текшириш ўтказадилар. Зарур бўлса амалий ёрдам кўрсатадилар.

Солик тўловчиларнинг тўлаган суммалари, келиб тушган, кайд килинган ва кайтариб юборилган тўловлар хисоби, аникланган конунбузарликлар сони, кўрилган жазо чоралари ва ундирилган жарималар микдори хакидаги маълумотномалар илова килинади.

Давлат бюджети даромадлар хисобида куйидаги ишлар амалга оширилади. Туман (шахар) давлат солик инспекцияларида ва юкори солик органларида давлат бюджети даромадлар кисмига Молия вазирлиги томонидан тасдикланган бюджет даромадлар кисмига асосан хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган солик ва бюджет тўловлари хисобини юритиш, бундан ташкари хужжатли текширишлар натижасида кўшимча хисобланган соликлар ва бюджет тўловлари, уларга хисобланган молиявий жарималар хисобини юритиш, солик конунчилигини бузган фукароларга кўлланилган маъмурий жарималарни хисобга олиш, бошка йигимлар ва тушумларнинг хисобини юритишдан иборат.

Давлат бюджетига соликли ва солиқсиз тўловларни хисобга олишда куйидаги хужжатларга асосланади ва хисобот тайёрланади:

- молия бўлимларидан ва банклардан олинган солик ва бюджет тўловлари кўчирмаларига асосан;

- банк томонидан тасдикланган тўлов топширикномалари нусхаларига асосан;

- катъий хисобдаги тўлов хужжатларига асосан:

Юкоридаги тўлов хужжатларига асосан молия ва солик органларидаги шакл №25 жамлама реестрга солик хамда бюджет тўловлари туширилади.

Шакл №25 реестр бўйича хисобга олинадиган соликлар ва йигимлар туман давлат солик инспекциясидан рўйхатдан ўтган солик тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг солик хамда бюджет тўловлари бўйича очилган шахсий варакалари хар бир солик тури бўйича алохида юритилади.

Солик тўловчиларнинг шахсий хисоб-варакалари куйидаги хужжатлар асосида тўлдирилади:

- Солик тўловчилар томонидан тўлдирилган йиллик ва чоракли бўнак тўловлари тўгрисидаги маълумотномага асосан;

- Солик тўловчиларнинг солик хисоботларига, солик тўловлари хисоб-китобларига, даромадлар тўгрисидаги декларацияга, тўлов топширикномаси ва бошка солик солиш бўйича хужжатларга асосланган.

- Текшириш далолатномаларига, солик инспекцияси ва назорат органларининг баённома ва карорларига асосан.

Агарда текшириш натижалари бўйича, яъни солик инспекцияси ва назорат килувчи органлар ходимлари томонидан кўшимча хисобланган соликларга, молиявий ва маъмурий жарималарга солик тўловчининг хар бир солик тури учун алохида шахсий варакалари юритилади.

Шакл № 25 жамлама реестрга асосланиб, Шакл № 1-Н (киска) кунлик ва Шакл № 2 (тўлик) хисоботлар, туман давлат солик инспекцияларида ва юкори солик органларида давлат бюджетининг даромадлари кисмига тушадиган тўловлар бўйича кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик хакикий тушум учун хисобот тузилади.

Молия вазирлиги томонидан тасдикланган бюджет даромадлар кисми классификациясига асосан хамда солик кодексига биноан куйидаги хисоб варакларда соликлар ва йигимлар хисоби юритилади:

- Кўшилган киймат солиги ва акциз солиги карточка №3 ва №6 шаклларда;

- юридик шахсларнинг даромад (фойда) ва мол-мулк солиги карточка шаклда;

- шунингдек карточка №4 шаклда янги даромад солиги бўйича, кўшма корхоналар бўйича, ягона солик тўловчилар бўйича, хусусий корхоналар соликлари бўйича хисоблар олиб борилади.

- карточка №9 шаклда кўшма корхоналарнинг акция, облигация ва кимматли когозлар бўйича олган дивидендлари хисоби, чет эл юридик шахсларининг Республикамизда олган даромадлари бўйича тўловлар хисоби юритилади;

- Давлат томонидан мусодара килинган товар ва моддий кийматликлар,

эгасиз моллар бўйича тушумлар хисоби карточка №8 шаклда;

- маъмурий ва молиявий жарималар хисоби шакл №11 китобида ёки №25 реестрда;

- жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиги, мол-мулк солиги ва ер солиги хисоби №1 ва №26 шахсий хисоб дафтарларида олиб борилади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, бозор иктисодиётига ўтиш шароитида соликлар бўйича хисобларни ва хисоботларни такомиллаштириш мухим муаммоларидан биридир.

Маъмурий бошкарув тизими шароитида пул даромадларининг ва йигимларининг таксимланиши ва туркумланиши, уларнинг марказлашган ва марказлашмаган фондларда пул маблагларининг гурухланиши директив режалаштириш оркали аникланар эди. Бозор иктисодиёти шароитида режалаштириш бошкарув функцияси сифатида, ижтимоий ва иктисодий фаолиятнинг барча томонларининг умумий шаклини кабул кила олмайди. Бундан келиб чиккан холда, бозор иктисодиётида ишлаб чикариш жараёнида хамда товарлар ва хизматлар реализациясида хукмрон ва аникловчи усул бўлиб - пул, бахо, киймат конуни, талаб ва таклиф конунини ўз ичига олган бозор механизми билан ташкил килади.

Бозор механизмининг бундай мухити режалаштириш элементлари иштирокида ишлаб чикариш ва алмашув натижаларини аникловчи прогноз услубиёти амал килишини аниклаб беради.

Бозор иктисодиёти шароитида мамлакатнинг ривожланишида молиявий режалаштиришга талаб камайгани йўк . У аввалгидай ишлаб чикариш фондларининг кенгайтирилган доиравий айланишини молиявий ресурслар билан таъминлашга, молия-хўжалик фаолиятида самарадорликнинг юкори кўрсаткичларига эришишга, корхонанинг молиявий чидамкорлигини ва тўловга кобилиятини мустахкамлашга шароит яратиб беришга каратилгандир. Хозирги пайтда аввалги директив режалаштириш тизими даврига караганда молиявий режалаштириш сифатини ошириш максадга мувофикдир, чунки бозор муносабатларида ўз фаолиятининг самарасизлиги, шу билан биргаликда молиявий режалаштиришда нотўгри хисоб-китобларни юритишда жавобгарликни корхонанинг ўзи тортади.

Янги хўжалик юритиш шароитида ўзининг катта ролини саклаб колган молиявий режалаштириш ўз навбатида кайта курилган бўлиши лозим. Унинг мазмуни ва амалдаги шакллари хўжаликнинг янги иктисодий шароитлари бўлган ўзгаришлари билан боглик холда амалга оширилади.

Хозирги пайтда молиявий режалаштириш бозорнинг конъюктурасини хисобга олган холда бирор бир вокеликнинг бўлиш эхтимоли борлигини ва шу
билан биргаликда моддий, мехнат ва молиявий ресурсларнинг холатининг ўзгаришини хисобга олган холда корхонанинг фаолияти асосларини таъминламоги лозим.

Молиявий ва хўжалик мустакиллигини мавжуд шароитида корхонанинг ўзи мустакил тарзда ўзининг режаларини ишлаб чикади ва бунда унинг ягона максади-хўжаликни юкори самарадорликка етказишдир.

Шунинг учун хам молиявий режалаштирищда катта эътиборни корхона ўзининг ички резервларини тўлик намоён килишга, ишлаб чикариш воситаларидан самарали фойдаланишга, моддий мехнат ва пул ресурслардан унумли фойдаланишга, ишлаб чикаришни тўгри ва яхши ташкил килишга ва бошкаларга каратилгандир.

Бозор иктисодиётига ўтиш билан боглик ўзгаришлар молиявий режалаштириш усулларида ўз аксини топади. Агар якин вакт ичида бозорнинг коньюктураси ва у билан боглик корхонанинг амал килиши тўгри ва аник хисоб-китоб килинган бўлса, унда корхонанинг тараккиёти узок муддатли жараёнлар оркали факатгина прогнозлаштирилади.

Шунинг учун хам молиявий режалаштириш, бир томондан якин вакт ичида молиявий кўрсаткичларни аник хисоб-китобига ва уларнинг белгиланган молиявий хужжатдаги баланс богланишига каратилса, иккинчи томонда эхтимоллик ва кўп вариантлик характерга эга бўлган прогноз хисоб-китобларига каратилгандир.

Молиявий режалашнинг янги мазмуни бош воситасини хам талаб килади, яъни аввал молиявий кўрсаткичларни хисоб-китобида фойдаланилган усуллар каторида, иктисодий математик усуллардан ва моделлаштиришдан кенг фойдаланиш зарурдир.

Бир йил давомида камраб олинган молиявий жараёнлар ўз аксини корхонанинг молиявий режасида топади.

Молиявий режа аввалгидек даромадлар ва харажатлар баланси шаклида даромадларнинг ва йигимларнинг келиб тушиши, маблагларнинг сарфланишини акс эттирувчи корхона молия хўжалик фаолиятининг хамма томонларини акс эттиради. Албатта, бунда баланснинг тузилиши корхона фаолиятининг барча сохалари бўйича ишлаб чикилган, яъни ишлаб чикариш, маиший, инвестицион, ижтимоий ва бошка фаолиятлари бўйича режа хисоб-китобларидан фойдаланишни талаб этади.

Даромадлар ва харажатлар баланси бозор иктисодиёти шароитида риоя килиш шарт бўлган бир неча умумий тамойиллари бўйича бошкарилиши керак. Шунинг учун хам молиявий ресурслардан фойдаланишнинг аник йўналишини аниклаётган пайтда тушаётган тушум даражасининг фаркини хисобга олиш ва харажатларни танлаш ва бу оркали юкори рентабелликни таъминлаш назарда тутилмоги лозим.

Узок муддатли сарф харажатларни танлашда энг иктисодли молиялаштириш усулларни кўзда тутмок лозим.

Даромадлар ва харажатлар балансини тузаётган пайтда албатта корхона фаолиятига кучли таъсир килувчи инфляция жараёнини хисобга олиш керак.

Ишлаб - чикариш хўжалик фаолиятидан келувчи фойда, яъни амортизация ажратмаларнинг келиб тушиши, ишлаб чикариш сферасига ва ижтимоий инфратузилмасига келувчи капитал кўйилмаларига келган харажатлар, корхона учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга тўловлар, резерв фондига бадаллар инфляция таъсирида бўладилар. Шунинг учун хам даромадлар ва харажатлар балансида инфляциянинг ўсиш индексини хисобга олган холда уларнинг корректировкасини назоратда

тутмок лозим. Корхонанинг молиявий режасида кўрсаткичларнинг умумий доираси бўйича режа хисоб-китобларининг якуний натижалари кўрсатилади. Бу кўрсаткичлар турли хил молиявий ресурсларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланишнинг йўналишларини хусусиятлайди.

Корхонанинг даромадлар ва харажатлар балансининг мазмуни молиявий жараёнларни акс эттириб, таркибий тузилиши 4 та бўлимдан иборат.

1 - бўлим. "Даромадлар ва маблагларнинг келиб тушиши". Бунга барча банкдан ва давлатдан (бюджет ва бюджетдан ташкари фондлар) келиб тушадиган маблаглардан ташкари, корхонанинг барча молиявий ресурслари киради. Бу бўлимнинг кўрсаткичлари таркибига куйидагилар киради: асосий фаолиятдан келган фойда, кимматли когозлар бўйича фоизлар ва дивидендлар, илмий тадкикот характеридаги шартнома бўйича ишлардан келадиган даромадлар, амортизация ажратмалари, хисобдан чикарилган мулкнинг сотилишидан тушган маблаглар ва бошкалар.

2 - бўлим: "Харажатлар ва маблагларни ажратиш". У ўзида ишлаб чикаришни кенгайтиришга молиявий ресурслардан фойдаланишни, фаолиятнинг энг яхши натижаларини иктисодий рагбатлантиришни, оператив ва бошка харажатларни акс эттиради. Бу бўлим ўз ичига кўйидагиларни олади: капитал кўйилмалар, иктисодий кўйилмалар, ривожланиш фондига ажратмалар, кимматли когозларни харид килишга кетган харажатлар, турли хил ажратмалар ва бошкалар киради.

3 - бўлим: "Корхонанинг банк муассасалари билан ўзаро кредит муносабатлари". Бунда корхонанинг олган ссуда бўйича карзлари назарда тутилади, уларнинг кайтарилиши ва кредитдан фойдаланиши учун фоиз тўловлари акс эттирилади: Бу бўлим 2 кисмдан иборатдир: даромад кисмида корхонанинг олган ссудалари акс эттирилади, харажат кисмида - уларнинг вакти билан кайтарилиши ва улардан фойдаланганлик учун фоиз тўловлари акс эттирилади.

4-бўлим: "Корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташкари фондлар билан ўзаро муносабатлари". Бу бўлимга бир томондан бюджет ва бюджетдан ташкари фондлардан маблагларнинг келиб тушиш тартиби акс эттирилади.

Нотижорат фаолияти билан шугулланувчи ташкилот ва муассасалар ўзларининг молиявий режаларини мустакил равишда ишлаб чикадилар. Бунда бюджет маблаглари хисобига молиялаштирилган муассасалар харажатлар сметаларини ташкил киладилар, ўзининг талабларига нафакат бюджет маблаглари хисобига, балки молиявий ресурсларнинг бошка хил турлари билан жавоб берган ташкилот, муассасалар харажатлар ва даромадлар сметаларини ишлаб чикарадилар. Тижорат фаолияти билан шугулланувчи корхоналарнинг

молиявий режаларидан сметанинг асосий фарки шундан иборатки, сметада харажатлар тўлик кўрсатилади, даромадлар эса турли хил манбаларнинг кисмларидангина намоён бўлади.

Шу муносабат билан солик тўловларини бюджет ёки бюджетдан ташкари фондларга кай тарзда тўланиш усулларини кўриб чикиш лозим.

Солик конунчилигига асосан улар 3 усулдан иборат:

- Пулли, яъни накд пулли ёки накд пулсиз;

- Мол-мулк хисобига тўлаш (натура холда), шу жумладан валюта маблагларини ва кимматбахо когозларини;

- Мол-мулкни мусодара килиш ва дебиторлик карзлар хисобига Кўрсатиб ўтилган солик тўлаш усулларини тўланишига кўра хам гурухлаш мумкин, яъни ўз иш хаки билан мустакил тўлаш ёки унинг мажбурий ундирилиши, солик тўловчи тўловни солик органлари кистови билан амалга оширади, масалан: солик органларининг солик бокимандаларини солик тўловчиларнинг мол-мулки ёки дебиторлик карзлари хисобига коплайдилар, (агар улар пул маблагларига эга бўлмаса). Лекин аксарият тўловлар сўмданакдсиз хисоб-китоб йўли билан амалга оширилади, яъни солик тўловчининг банкдаги хисоб-китоб ракамидан берилган тўлов топширикномасига асосан шу банкдаги бюджет ракамига ўтказилади.

Солик тўловларининг асосий манбаи юридик шахсларнинг даромади хисобланиб, улар куйидаги тартибда амалга оширилади:

- Аввало конунчилик асосида билвосита соликлар хисобланади;

- Кейин эгри соликлардан ташкари барча умумдавлат соликлари хам ер ва мол-мулк солиги хисобланади;

- Сўнгра солик конунчилигига мувофик фойда (даромад) солиги хисобланади;

- Нихоят бошка махаллий соликлар ва йигимлар хисобланади.

Солилкли ва соликсиз тушумларни бюджетга ўтказиш учун хисобланган солик тушум суммаларини юкорида кўрсатилгандек кўлланган холда амалга оширилиши керак.

Демак соликли ва соликсизтушумларни бюджетга ўтказиш ва хисобини олиб бориш тўгри ташкил этилгандагина бюджетга тушадиган маблаглар баркарорлашади.

Корхоналар фаолияти турлари, мулк шакллари ва бошка белгиларига кўра йигма жадваллар тузиш услубиёти ва уни янада мукаммалаштириш йўллари солик бюджет тизимининг ислох килиниши учун куйидагиларга амал килишини эътироф эттиради, яъни:

1. Соликка тортиш тизимини бир хиллаштириш борасидаги ишлар;
2. Ресурс соликлари ва тўловлари борасида;
3. Соликка тортиладиган базани кенгайтириш барасида;
4. Фойда солиги борасида;
5. Кўшилган киймат солиги борасида;
6. Бюджетнинг даромадларини мустахкамлаш борасида мухим ўзгартиришлар ва шу масалалар бўйича бюджет тасдигида кенг микёсида тахлил килишни режалаштириш ва келажакда амалга киритиш керак.

Давлат харажатлари сиёсатининг якин истикболдаги асосий йўналиши давлат сарфлайдиган маблаглардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш ва уларнинг аник максад ва манзилга йўналтириш тамойилидан иборат бўлади. Бюджет сиёсатининг макроиктисодий нисбатларини тартибга солишнинг самарали воситаси эканлигини хисобга олиб давлат бюджетининг шаклланишида инфляция даражасини пасайтириш асосида ишлаб чикаришнинг баркарорлигини мустахкамлаш ва иктисодий кудратни янада

ошириш учун шарт-шароитларни яратиш, молиявий ресурсларни иктисодиётни ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан тўплаш вазифалари ўртага кўйилади.

Ижтимоий баркарорликнинг таъминланиши, ахолининг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароитларнинг яратилиши бюджет сиёсатининг мухим вазифасидир.

## 2.2. Махаллий бюджет даромадларини прогноз килишда солик тушумларини гурухлашнинг амалдаги холати.

Ўзбекистон Республикаси соликлар тизимида солик тўловчилар икки гурухга бўлинади: юридик шахслар ва жисмоний шахслар.

**Солик тўловчилар** - конун хужжатларига кўра солик тўлаш мажбурияти юкланган жисмоний ва юридик шахслар хамда тўловчиларнинг бошка тоифалари.

Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексида (13-модда) хилма-хил мулк шаклидаги бирлашмалар, кохоналар ва ташкилотлар кискача юридик шахслар деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг аста секин ижтимоий химояланган эркин бозор иктисодиётига ўта бориши республикада ўрта ва кичик бизнес фаолиятига кулай шароитлар яратилаётганлиги хилма-хил мулк шаклидаги: хусусий, кооператив, ширкат, акционер ва кўшма корхоналар оркали тадбиркорликни ривожлантиришга кенг шароит яратилмокда. Бунинг хаммаси соликка тортиш максадида юридик шахслар сонини кўпайишига олиб келмокда. 2008 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички махсулотдаги хиссаси ўсиб 48,2 фоизни ташкил этди. Жами 435,9 мингдан ортик юридик шахслар мавжуд, шу жумладан 200 мингдан ортиги кичик корхоналар ва фирмалар мавжуд (жадвал 1 га каралсин).

1- жадвал

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2000-2008 йил холати ***

| Курсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 |
| Сони | 149300 | 177700 | 215700 | 229600 | 237500 | 308700 | 399216 | 435984 | 435888 |
| Ишлаб чикарилган махсулотлар | 3364 | 3619,7 | 4046,8 | 4386,8 | 4974,6 | 5641,2 | 11978,5 | 1510,7 | 18801,1 |
| ЯИМ га булган нисбати | 31,5 | 33,8 | 34,6 | 35,5 | 35,6 | 38,2 | 42,1 | 45,7 | 48,2 |

*Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитасининг 2000-2008 йилл маълумотлари асосида хисобланган.*

**Юридик шахс** деб ўзининг ихтиёрида, карамогида, фойдаланишида мулкка эга бўлган, ўзининг мажбуриятларини шу мулк билан кайтара оладиган, бухгалтерия баланси хамда банкда хисоб счётига эга бўлган

шахсларга айтилади. Юридик шахсларнинг статистика органларида ўз фаолият кодлари кўрсатилган бўлади.

Соликли ва соликсиз туловларни тўловчи юридик шахсларни иктисодиётни тармок ва сохаларига караб саноат, транспорт, курилиш, кишлок хўжалиги, коммунал хўжалиги, алока ва бошкалар бўлиши мумкин. Фаолият турларига караб ишлаб чикариш, тайёрлов, воситачилик, биржа, банка хизматлари ва бошкалар, турларга бўлиш мумкин.

Демак, хулоса килиб айтадиган бўлсак юридик шахслар фойдасига соликли ва соликсиз тўловчилари бўлиши учун куйидаги шартларга эга бўлиши зарур:

1.Бирор фаолиятдан даромад (фойда)га эга бўлиши;

2.ўзининг мулкига эга бўлиши;

3.Мустакил бухгалтерия балансига эга бўлиши;

4.Банкда хисоб счётига эга бўлиши зарур.

Шу кўрсатгичларнинг бироргаси йўк бўлса хам бундай юридик шахс солик тўловчи бўла олмайди.

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солигининг тўловчилар мулкчилик шаклига караб куйидагича гурухланади:

1. Давлат мулки шаклидаги корхоналар.

2.Жамоа мулки шаклидаги корхоналар.

3.Хусусий корхоналар

Юридик шахслардан олинадиган кўшилган киймат солигини тўловчилари мулкчилик шаклидан катъий назар, иктисодиётнинг тармок ва сохалари бўйича куйидаги гурухларга бўлинади:

1. саноат корхоналари
2. курилиш ташкилотлари
3. саноат корхоналари
4. курилиш ташкилотлари
5. кишлок хўжалик корхоналари
6. таъминот сотиш, воситачилик ташкилотлари
7. транспорт
8. банклар
9. сугурта ташкилотлари
10.савдо корхоналари
11.умумий овкатланиш корхоналари 10.маиший ва коммунал хизмат корхоналари
11 маданий-маърифий, томоша-кўнгилочар муассасалар
12.медицина муассасалари
13.биржалар
14. акционерлик жамиятлари ва шерикчиликлари
15.масъулияти чекланган жамиятлар
16.жамоат ташкилотлари
17.хорижий фирмалар, юридик шахс ва жисмоний шахслар

иштирокидаги кўшма корхоналар.

18.кичик корхоналар

19.кооперативлар

20.хўжалик юритишнинг бошка шаклидаги корхоналар.

21.Узбекистон Республикасида давлат бюджетига туланадиган солик ва йигимларнинг хал килувчи кисмини юридик шахслар тулайди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «...макроиктисодий нисбатлар, инфляцияни пасайтириш, пул хажмини ва давлат бюджета такчиллигини чеклаш - буларнинг барчаси бозор механизмига амал килишнинг, иктисодий, молиявий баркарорликнинг ва собиткадамлик билан ўсишнинг мукаррар, энг мухим шартидир».

Юридик шахслар тулайдиган соликлар ва йигимлар таркиби куйидагилардан иборатдир:

1.Умумдавлат (Республика) бюджетига тулайдиган соликлар ва йигимлар хисобидан юридик шахслар тулайдиган соликлар:

- Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда)га солик;
- Кушилган киймат солиги;
- Акциз солиги;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик;
- Экология солиги;
- Божхона божи;
- Давлат божи;
- Кимматли когозларни руйхатдан утказиш йигими;
- ДАН йигими;
- Жарималар;
- Бошка туловлар.

2.Махаллий бюджетга тулайдиган соликлар ва йигимларнинг хисобидан:

- Мол-мулк солиги;
- Ер солиги;
- Кичик бизнес учун ягона солик;
- Инфратузилмани ривожлантириш солиги;
- Савдо хукукини олиш йигими;
- Тадбиркорлик билан шугулланувчи юридик шахсларни руйхатдан утказиш йигими.

Юридик шахсларни соликка асосий заруриятларидан бири бу давлат бюджетини маблаг билан таъминлашдир.

Юридик шахслар ўзларига юклатилган соликларни хисоблаш ва бюджетга ўз вактида, тўлик тўлаш жавобгарлигини олганлар.

Уларнинг тўлайдиган соликлари асосан накд пулсиз, яъни корхона, ташкилот, бирлашманинг банкдаги хисоб счётларидан маблагни ўчириб, республика ёки махаллий бюджет счётларига ўтказиш йўли билан амалга оширади. Коида бўйича хар кандай юридик шахс ўз солик ва бошка мажбурий тўловларни белгиланган вактда бюджетга тўлик ўтказишга

мажбурдирлар. Бунинг учун улар солик ва бошка тўловларнинг муддати келган кунгача пулларни ўтказиш хужжатлари бўлмиш тўлов топшириги, чекларни ёзиб банкларга топширган бўлишлари керак.

Агар тўлов топшириклари ўз муддатида ёзилиб банкларга топширилмаган бўлса солик идоралари ўзларининг инкассо-тўлов талабномалари оркали ундириб оладилар.

Хар бир ўз вактида бюджетга ўтказилмаган кун учун ўтказилиши керак бўлган солик суммаси хисобидан 0,07 фоиз пеня хисобланиб соликка кўшимча равишда бюджетга мажбурий ундирилади. Албатта пеня суммасининг кўпайиши корхонананинг молиявий холатига салибий таъсир кўрсатади. Пения корхона учун кўшимча соликдир.

Юридик шахсларнинг хамма соликлари накд пулсиз тўланади. Бирок, айрим йигимлар (давлат ва божхона божлари) накд пулли бўлиши мумкин.

Юридик шахслар соликларини накд пулсиз тўланиши жуда катта иктисодий ахамиятга эга. Пул ўтказишлар тезлашади, ижтимоий харажатлар тежалади.

Жисмоний шахслар юридик шахс макомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фукоролари, фукоролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фукоролари киради.

Ўзбекистон Республикаси солик конунчилигига биноан соликка тортиш максадида солик тўловчилар юридик шахслар ва жисмоний шахсларга бўлинган. Давлат бюджети даромадларининг 75 фоизидан ортигини юридик шахслар тўлайдиган соликлар ташкил этади. Жисмоний шахслар тўлайдиган солик ва йигимлар эса карайиб бюджет даромадининг 25 фоизини ташкил этади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган соликларнинг хусусияти шундан иборатки, солик жисмоний шахснинг тўгридан-тўгри ўз даромадидан олинади. Соликлар ва йигимлар асосан бюджетга накд пул тўлаш йўли билан ўтказилади, айникса тадбиркорлик фаолиятидан катъий ставкали солик олдиндан тўлаб кўйилади.

Шундай экан бу ерда солик тўловчи жисмоний шахс билан солик ундирувчи ўртасида тўгридан-тўгри пул муносабатлари мавжуд.

Шунинг учун жисмоний шахслар соликларини ундирувчи инспекторлар ўта маданиятли, ширин сўз бўлиши билан бирга жисмоний шахслар соликларини хисоблаш ундириш тартиб-коидаларини, солик конунчилигини чукур билиши керак. Шу шартлар бажарилган такдирда бюджетга жисмоний шахслардан меъёридаги солик ва йигимлар тўлик тушишлиги таъминланади.

Жисмоний шахслар соликларини хисоблаб чикариш асосан икки йўл билан олиб борилади.

1. Жисмоний шахсларга даромадлар тўловчи юридик шахслар ўзларида мавжуд бўлган хужжатлар асосида уларнинг соликларини хисоблайдилар.

2. Юридик ва жисмоний шахслар такдим килинган маълумотнома ва хабарномалар асосида солик хизмати идоралари томонидан хисобланади.

Жисмоний шахсларга хўжалик мехнат шартномаси, фукоролик-хукукий шартномалари бўйича иш хаки мукофот ва бошка катор даромадлар тўловчи корхона, ташкилот, муассаса соликларини тўлик тўгри хисоблаш ва ўз вактида бюджетга ўтказиб бериш жавобгарлигини ўз зиммаларига оладилар. Фукороларнинг олган даромадлари тўгрисида солик идораларига хамда фукорога билдириш ва маълумотнома ёзиб бериш вазифасини хам юридик шахсларга юклатилган.

Юкоридаги хужжатлар ва ўзларидаги йигилган маълумотлар, текширув далолатномалари асосида солик идоралари жисмоний шахслар учун солик хисобини тузиб, уларга солик суммаси ва тўлов муддатлари кўрсатилган хабарномаларни юборадилар. Булардан ташкари, юридик шахс макомини олмасдан тадбиркорликнинг айрим турлари билан шугулланувчилар катъий ставкасида даромад солигини тўлайдилар.

Ер солиги, мол-мулк соликларини хам солик идоралари кайта хар йили хисоблаб чикиб, жисмоний шахсларга хабарнома оркали етказадилар. Хабарнома олган жисмоний шахслар кўрсатилган муддатда барча солик ва йигимлар суммасини ўз вактида тўлашга мажбурдирлар. Шу ерда фукаролардан олиниши лозим бўлган бирор бир солик тўланмай колса солик идоралари жавоб беради.

Шундай холатда ер солиги, мол-мулк солиги уч йил тўланмаган бўлса уни пения хисобланмасдан ундирилади.

Соликлар ва йигимлар ўз вактида тўланмаганда «бокиманда» деб аталади. Унинг мазмуни муддатида тўланмаган тўловлардир. Ана шу бокиманда суммасига хар бир тўланмаган кун учун 0,07 фоиз пеня солик суммасига кўшимча хисобланиб ундириб олинади. Аввало солик суммаси сўнг пеня, сўнг жарималар ундирилади. Бокиманда узок муддатга тўланмаса фукоронинг мулки рўйхат килиниб халк судига берилади. Чет элда эса соликлар тўлаб боришини огзаки ва ёзма огохлантиришлари, карзларни комиссияда кўриб чикиш тажрибалари мавжуд.

### 2.3. Махаллий бюджет даромадларини прогноз килишда солик тушумларини гурухлашнинг амалдаги холати.

Бевосита соликлар салмогини камайтириш хисобига билвосита соликлар улушини ошириш, солик юкини ишлаб чикарувчилар зиммасидан истеъмолчилар зиммасига ўтказиш бевосита соликлар корхоналар хамда фукароларнинг молия-хўжалик фаолиятига, яъни уларнинг даромадлари хажмига бевосита таъмир кўрсатиши билан боглик. Бевосита соликларнинг камайиши билан ишлаб чикаришнинг ривожланиши рагбатлантирилади, тегишлича соликка тортиш базаси кенгайиб, бюджетга тушумлар ортади. Бевосита соликлар ставкаларини камайтириш ва билвосита соликларга тортиш базасини кенгайтириш оркали бунга эришиш мумкин. Бундан ташкари, солик ставкаларини янада кўпрок пасайтириш йўли билан айрим йўналишлар экспорт, хорижий инвестициялар ва бошкалар рагбатлантирилади.

Юридик шахсларнинг бюджетга тулайдиган соликлари тугри ва эгри соликларга ва мулк-ресурс соликларига булинади. Ягона давлат бюджети даромадлари таркибида уларнинг салмоги куйидаги маълумотлар билан ифодаланади.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг жами даромадларининг фоиздан ортигини соликлар ташкил этиши кўзда тутилмокда. ( 1- жадвалга ва 1-4 диаграммаларга каралсин)

**1-жадвал***

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги**

## АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Курсаткичлар | | млн.сум |
|---|---|---|
| **I. Даромадлар, давлат максадли жамгармаларисиз-жами** | | **6 776 076,1** |
| **1. Бевосита соликлар** | | **2 024 071,3** |
| 1.1 | Юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиги | 432 928,0 |
| 1.2 | Савдо ва умумий овкатланиш корхоналари ялпи даромадларига солик | 175 244,2 |
| 1.3 | Ягона солик ва микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик туловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 224 530,4 |
| 1.4 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги | 1 104 147,3 |
| 1.5 | Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадларига катъий белгиланадиган солик | 87 221,4 |
| **2. Билвосита соликлар** | | **2 670 092,5** |
| 2.1 | Кушилган киймат солиги | 1 468 686,1 |
| 2.2 | Акциз солиги | 921 007,1 |
| 2.3 | Божхона божи | 103 367,3 |
| 2.4 | Жисмоний шахслардан ягона бюджет тулови | |
| 2.5 | Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол килинадиган бензин, дизел-мотор ёкилгиси ва газ учун солик | 177 032,0 |
| **3. 3. Ресурс туловлари ва мол-мулк солиги** | | **1 325 948,7** |
| 3.1 | **Мол-мулк солиги** | 224 149,2 |
| 3.2. | Ер солиги | 185 973,2 |
| 3.3 | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик | 880 615,3 |
| 3.4 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | 35 211,0 |
| **4.** | **Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги** | 287 046,7 |
| **5.** | **Бошка даромадлар** | **464 580,6** |
| | **II.Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкари Мактаб таълими жамгармасининг даромадлари** | **367 039,2** |
| **III. Давлат максадли жамгармаларининг даромадлари** | | |
| | **(Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкари Пенсия жамгармаси, Молия вазирлиги хузуридаги Республика йул жамгармаси, Иш билан таъминлашга кумаклашувчидавлат жамгармаси, Давлат мулк кумитасининг махсус хисобвараги )** | **2 967 835,7** |
| | **Жами даромадлар** | **10 110 951,0** |


1 - диаграмма
(млн. сумда)
Давлат максадли жамгармаларининг даромадлари 1806522,3;17,8%
Даромадлар, давлат максадли жамгармаларисиз-жами 6776076,1; 67%
Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкари Мактаб таълими жамгармасининг даромадлари 367039,2; 3,6%


Билвосита соликлар; 2024071,3; 29,8%
Бевосита соликлар; 2670092,5; 39,4%
Ресурс туловлари ва мол-мулк солиги; 1325948,7; 19,6%
2- диаграмма
(млн. сумда)
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги;287046,7; 4,2%
Бошка даромадлар; 464580,6; 6,8%


3 - диаграмма
(млн. сумда)
603416,7
432928,0
72961,1
95542,7
Юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиги
Савдо ва умумий овкатланишкорхоналари ялпи даромадларига солик
Ягона солик ва микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик туловидан Давлат бюджетига ажратмалар
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги


4 - диаграмма
(млн. сумда)
35211,00
224149,20
185973,20
880615,30
Мол-мулк солиги
Ер солиги
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик

Ишлаб чикариш сектори зиммасидаги солик юкини камайтириш асосан корхоналар даромадини соликка тортиш даражасини пасайтириш воситасида амалга оширилмокда. Иктисодий ислохотларнинг биринчи боскичида корхоналар учун белгиланган соликларнинг юкори ставкалари ижобий натижалар бермади, ишлаб чикаришни ривожлантириш ва уни техник жихатдан кайта куроллантириш учун етарли маблагларни йўналтириш имконини бермади. Республика хукумати буни хисобга олган холда фойда солиги ставкасини боскичма - боскич пасайтириш максадли сиёсатини юритиб келмокда.

# III БОБ. ЖОРИЙ ВА ИСТИКБОЛЛИ ПРОГНОЗЛАШДА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИКЛИ ВА СОЛИКСИЗ ТУШУМЛАРИНИ АНИКЛАШ ТАРТИБИ.

## 3.1. Жорий ва истикболли прогнозлар бозор муносабатлари шароитида режали-иктисодий фаолиятнинг таркиби сифатида.

Прогнозлар кўзланаётган режаларнинг асосли эканини ва ўзига хос текширишни англатади, шунингдек, дастлабки шарт-шароитлардан келиб чикиб энг самарали, оптимал вариантларни танлаш имкониятини беради.

Прогнозларни ишлаб чикариш жараёнларининг таркибий кисмлари:

- махсулот, товар, хизматларнинг у ёки бу турига бўлган бозор эхтиёжларини аниклаш ва нарх;
- давлат бюджетига тўловлар бўйича эхтиёжларни кониктириш учун keракли ресурсларни (моддий, мехнат, молиявий) аниклаш;
- ўзаро эхтиёжларни баланслаш.

Бинобарин, прогнозли хисоб-китобларнинг вариантини ёки бахосини дастлабки танлаш хар бир ташкилотда режани мустакил ишлаб чикишнинг таркибий кисмидир. Прогнозни тузишга эса маълумотларни олиш, тизимлаш ва кайта ишлаш кўшилади. Режанинг хар бир бўлими ёки умумлаштирувчи режали кўрсатгич учун ахборотли маълумотларнинг ўз доираси ёки бахоси керак.

Адабиётларда тавсия килинадиган хажмли кўрсатгичларнинг режаларини асослаш услуби хам прогнозли бахоларни тузишда, хам хисоб-китобларни тузишда кўлланилади.

Режалаштириш, ахборот ва режали-иктисодий хизматни хисоблаш техникаси билан таъминлаш услубиятини амалга ошириш ва шу асосда ахборотли базани кенгайтириш бўйича прогнозларни чукуррок асослаш имкони вужудга келади.

Прогнозларни тузиш учун турли танлов материаллари, ахоли сўровлари кўлланилиши мумкин.

Товар бозорини прогнозлаш учун ахоли сонидаги тахминий ўзгаришлар хакидаги режали, статистик, банк муассасаларининг фикри кўлланилади.

Туман солик хизмати кучи билан солик тўловларининг хажми кўрсатгичлари муносабатида йигилган истикболлар хакида маълумот шаклланади. Бундай турдаги ориентирлар солик тўловчиларнинг ўзидан ва статистик прогнозлардан олиниши мумкин.

Бундай маълумотнинг манбаи етказувчиларнинг шундай жавоблари бўлиши мумкинки, уларга харидорлар келгуси йилдаги хажми, тузилиши ва нархлар хакидаги ўз таклиф-буюртмаларини йўналтиради.

Маълумотларнинг кўрсатилган ахборотларини, солик тўловларнинг жорий юритишни тахлил килиб соликли таъминот прогнози ва давлат бюджетига тушумларнинг тўлалиги тузилади.

Прогноз асоси жорий даромадлар хисобидан ахолининг харидорлик фондини тўла камраб олишдан келиб чикувчи катта кўрсатгичлар кабул килиниши мумкин.

Бошка томонидан, молия ва товар ресурсларини дастлабки бахолаш асосида кўрсатгичлар хажми аникланади.

Кўрсаткичларнинг прогнозланувчи умумий хажмининг жабхаларидан бири – даромадлар хажми, мехнатга хак тўлаш ва ишчиларнинг ўртача иш хаки хисобланади.

Товарлар бозорининг оптимал вариантига ва сотишнинг ресурс вариантига даромадларни олиш хисоб-китоби кўйилади.

Прогноз вариантини танлаш мураккаблигида ва зиддиятларида у режага айланади. Алохида товарлар, махсулотлар ёки ўзаро боглик товарларга бўлган талабни аниклаш учун маълумот ва унда асосланган прогноз бошка характерга эгадир. Сўз талабни ўрганиш, алохида омиллар бозорини, бу учун керакли маълумотларнинг йигилиши хакида боради. Бу сотиш динамикаси, алохида товарлар запаси, коникарсиз талабларни бахолашга, товарнинг бирлигига бўлган нархга, товарларнинг гурух ичидаги ассортиментнинг силжишига богликдир. Истикболли келажакка товарга бўлган эхтиёжни аниклаш учун узок муддатли прогноз ишлатилади. Турли даражадаги даромадли бюджет холатини ўрганишда ва кўллашда мавжуд гояларга таянувчи прогнозлар билан бир каторда прогнозлашнинг турли усуллари кўлланилиши мумкин.

Катта кўрсаткичлар харакатини прогнозлашнинг конкрет усуллари солик хисоб ва тўловларига нисбатан кўлланилганлиги йўк. Бу борада кузатиш ишларини олиб бориш хозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб колмокда. Юзага келган холат аввалмбор жахон молиявий-иктисодий инкирози омилларини Узбекистон шароитида бартараф этиш шароитида бизни олдимизга хам боскичма-боскич прогнозлаш масалаларини солик муносабатларига нисбатан кўллаш оркали конуний тавсиялар ишлаб чикишни вазифа килиб кўйди. Ишимизнинг кейинги бобларида улар хакида конкрет фикрлар юритилади.

## 3.2 Бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини аниклаш бўйича аналитик ишни амалга ошириш тартиби.

Субъектларнинг давлат бюджети билан ўзаро алокасини таъминловчи солик тўловчиларнинг, соликка солишнинг, тушум тўлалигини, келиб тушиш муддати ва бошкаларнинг фаолият холатини тахлил килишимизда шундай хулосага келиндики, бу йўналишларда аввалам бор жахон молиявий-иктисодий инкирози таъсир этиши гови мавжуд булган бир вактда солик инспекциясидан тортиб солик бошкармасигача бирор бир чора-тадбир ишлаб чикилмаган.

Аналитик ишларни таъмиловчи техник воситалар арзийдиган, лекин хамма мутахассислар хам улардан кандай фойдаланишни билишмайди.

Техник воситалар факат ходисаларни рўйхатга олиш учундир, яъни хужжатларнинг келиб тушиши ва харакатланиши билан боглик.

Мавжуд вазиятни ва материалларни йигиш кийинчиликларини хисобга олиб прогнозлашнинг усул ва услублари билан асослаш мумкин бўлган вариантларини беришга харакат килдик, соликнинг эмас, балки кўрсатгичларнинг, уларнинг холати соликка тортиш, базага ва соликларнинг келиб тушиши тўлалигига богликдир, яъни рентабеллик, унинг хажми солик тўловларнинг хажми, сифатли кўрсатгичларига ва товар бозорларининг хулкига богликдир.Шундай килиб, хар бир субъектга янги товарни чикаришни белгилаш хакидаги карорни кабул килишдан олдин бу корхонанинг рентабеллиги хакидаги масалани кўриб чикиш зарурдир. Бундай хисоб-китобларни бажаришдан олдин, янги махсулотни сотилишини тўгри прогнозлаш максадга мувофик. Махсулотни сотиш бозорини прогнозлашнинг баъзи усул ва услубларини кўриб чикамиз.

Бизнинг прогнозимиз истеъмолчилик хусусиятларини ва товар нархларини солиштиришда асосланган. Бозор иктисодиёти шароитида сотиш хажми даромади улар томонидан чикариладиган товарларни бозорда таркатиш микёсига боглик. Шу муносабат билан корхонанинг келажакда прогнозлаш кийинчилиги харидорлар учун товарларнинг жалб килиниши омилларини аниклашни англатади.Маълумки, товарни сотиш хажми унинг истеъмолчилик хукуклари ва нархларига богликдир. Эхтимол, бир томондан товар нархи (P) канча паст бўлса, унга бўлган талаб шунча юкори бўлади (3-чизма), бошка томондан, унинг истеъмолчилик хусусиятлари (сифати) $\pi$ канча катта бўлса, унга бўлган талаб шунча юкори бўлади (4-чизма).




3-чизма




4-чизма

Бирок реал вазиятда келтирилган функцияларнинг бундай хулки шубхасиздир. Талабларнинг хакикий шакли харидорлар турига богликдир, уларнинг тўлов кобилиятига эса бўлган талабига, шунингдек бозорда таклиф килинадиган товардан фойдаланиб улар хал киладиган масалалар таркибига боглик хисобланади. У ёки бу турдаги махсулотни сотиш воситалари бўйича солик тушумларини прогнозлаш масаласини аник хал килиш мумкин эмас. Мазкур сохада муваффкиятга эришиш учун бозорда турли хил янгиликларни таркатиш тезлигини аникловчи битта ёки бир нечта характерли аломатларни кўрсатиш зарурдир. Бундай аломатлар нарх сифатидаги соликлар бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, ракобатчи-товарлар ичида товарли танлаш

жараёнида харидорларнинг бозордаги хулкини аникловчи энг мухим омилларидан бири товар (У) параметрининг солиштирма киймати хисобланади. Бинобарин, харидор товар бош параметрининг солиштирма киймати паст товарга карайди, яъни кўрсатилган нисбат канчалик кам бўлса, бундай товарнинг бозордаги дифузия тезлиги шунча юкори бўлади(5-чизма).




5-чизма.




6-чизма.

Бинобарин, товарнинг бозорга кириб келишига тўскинлик килувчи махсулот бош параметрининг солиштирма кийматининг баъзи сўнгги катталиклари мавжуддир. Мазкур белги бозор талабаининг пастки боскичини аниклайди. Товар бош параметрларининг солиштирма киймати охирги белгидан паст бўлса товар бозорда тан олинади (6-чизма).

6-чизмада кўриниб турганидек, 2 ва 5 товарлар сотилади. Нарх даражаси ва ракобатнинг жадаллигидан келиб чикиб, бозор характеристикасини кўриб чикканимизда, бозорда тан олинган товарни сотиш хажми товар салохиятининг «кучи», унинг бозорга «юмшок» кириш кобилияти билан аникланади (7-чизма).




7-чизма.

7-чизмадан кўриниб турибдики, товарни сотиш хажми штрихланган соха майдонига боглик бўлади. Товар салмоги фан ва техниканинг охирги ютукларини ўзида мужассамлаштириши керак.

Чунки, у корхона бозорини ва тортиш улушини аниклайди. Бозорда ракобатчилар хам мавжуддир. Бозор талаби чекланган катталик хисобланади, шунинг учун куйидаги шартларни бажариши керак. Чунки у корхона бозорини ва тортиш улушни аниклайди. Бозорга ракобатчилар хам мавжуддир. Бозор талаби чекланган катталик хисобланади, шунинг учун куйидаги шартларни бажариш керак.

$$\sum_{i=1}^{n} q_i \leq Q \qquad (16)$$

Бу ерда: $q_i$ – сотишни прогнозловчи хажми,

Q – бозор талаби,

Бозордаги ракобатчиларнинг сонини билиб, истеъмолчилик хусусиятларини ва нархларни, і-ракобатчининг сотиш хажмини куйидагича кўрсатамиз:

$$q_i = Q\left[1 - \exp(d_i \frac{1}{\sum_{i=1}^{n} \alpha_i})\right] \qquad (17)$$

Бу ерда: $\alpha_i$ – і – ракобатчи-товарнинг бош параметрларининг солиштирма кийматини характерловчи коэффициент.

Шундай килиб, ракобатли ёки оммали талаб товарларни хажмининг ўсиши нафакат харажатлар катталиги билан, балки истеъмолчилар томонидан харид килинадиганлар киймат нархи элементлари билан ўлчанади. Бунлай элементлар каторига акциз ва кўшимча киймат солигини киритиш мумкин.

Жахон молиявий-иктисодий инкироз омилларини мамлакатимизда бартараф этиш бевосита ракобатли товарнинг киймат катталигини соликка солиш механизмаларининг мураккаблиги аналитик иш амалиётда бўлишни талаб килади. Бу кераклидир.

### 3.3 Бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумлари прогнозларини тузиш тизимини тартибгна келтириш йуллари.

Прогнозлаш, молиявий сиёсатни амалга оширишда пайдо бўлаётган шароитларни яхшилаб ўрганиб ва кўриб чикишга имкон яратади, ички ва ташки шароитларни инобатга олган холда тахлил килиб, корхонани молиявий ва бозор шароитида фаолиятини мустахкамлашга келажакдаги молиявий стратегияни аниклайди.

Жахон молиявий-иктисодий инкироз омилларини бартараф этишда корхона тараккиётининг бошлангич боскичи бўлиб -**прогнозлаштириш** (ёки истикболни белгилаш) майдонга чикади. У ўз ичига куйидагиларни олади:

*Биринчидан,* акция курсини, курилишга берилган лицензияларни буюртмаларини хажмини, асбоб ускуналарни етказиб бериш каби бозор кўрсаткичларни синчиклаб кузатиш. Тегишли статистик каторлар кўпинча умумиктисодий ўзгаришлар тўгрисида огохлантиради.

*Иккинчидан,* прогнозлаштириш моделларининг хар бири иктисод сохасининг у ёки бу томонини илмий тавсифини берган холда фойдаланишни мўлжаллайди. Модел ичига динамик (ўзгаришларга бой) кўрсаткичлар хам киритилади, шу каторда фискал амалиётида юз бериши мумкин (эхтимоли) бўлган ўзгаришлар хам эътиборга олинади.

Натижа бўлиб, келгуси йилга иктисодий ўсиш, мехнат ва капитал бозорларнинг ахволини прогнози бўлиши керак.

Конъюнктуравий прогноз бахолари сиёсатчиларга керак бўлгани каби, жахон молиявий-иктисодий инкироз омилларини юмшатишда тадбиркорлар учун инвестициялар, махсулотни ишлаб чикариш хажми ва бошка кўрсаткичлар тўгрисида мўлжал бўлади.

Соликларни прогноз килиш - вазифалар ишлаб чикиш ва кабул килиш тизимининг асосий элементидир. Соликни прогноз килишнинг асосий вазифаси - бюджет вазифаларининг сифатли ва сонли параметрларини ва мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг келажак учун дастурини конуний тартибда ишлаб чикилган ва кабул килинган солик концепцияларидан келиб чикиб иктисодий асосланган холда таъминлашдан иборат. Бу вазифа бир молия йили учун хам (жорий соликни прогноз), узокрок келажак учун хам (соликни прогноз килиш) хисоб-китоб килинади. Шунга боглик холда соликни режалаштириш ва тактикаси ва унинг стратегияси фаркланади.

Солик бўйича жорий бюджет вазифаларини ишлаб чикишда, чораклик солик тушумларини аниклашда тактик вазифалар ечилади. Уларнинг ечими соликка тортиш бўйича стратегик максадларни ўрнатиш ва тадкик килиш учун хукукий макон яратади. Бу холда соликни прогноз килиш жорий солик мажбуриятларини бажариш бўйича олинган хисобот ватахлилий маълумотлари устида олиб борилган илмий тадкикотлар натижаларига асосланади. Бу маълумоттларни йигиш ва кайта ишлаш жорий йилдаги соликка тортишнинг позитив ва негатив кўринишларини, унинг инвестициялаш даражасига, тармоклардаги таркибий ўзгаришларга, худудлар, корпорациялар ва фукаролар даромадларига таъсирини бахолашга йўл очиб беради.

Солик тактикаси бюджет классификацияси бўйича даромадлари моддалари таркибини ишлаб чикиш, солик бошкаруви ва назоратини амалга ошириш борасида хокимят ва бошкарув органларининг комплекс амалий

фаолиятларини акс эттиради. Тактик кадамларнинг сифатли таркиби барча даражадаги бюджетларнинг тўлик ва ўз вактида бажарилишини таъминлайди.

Бюджет солик муносабатларига соликлар оркали оператив аралашиш усулини кўллаб солик маъмурияти солик конунбузарликларининг олдини олади ва бюджетларни солик текширувлари жараёнида аникланган тўланмаган соликлар оркали тўлдиради. Якуний натижада бутун солик тизимининг, унинг солик гурухларининг ва алохида соликларнинг мувофиклиги аникланади. Буларнинг хаммаси кабул килинган солик концепциясининг оптималлиги ёки слик кодексига ўзгартиришлар киритиш лозимлигини кўрсатиб беради. Жорий йилдаги солик мажбуриятларининг бажарилиш борасидаги солик муносабатлари таркибини тахлил килиб ўрганиш соликларни стратегик режалаштириш (прогноз килиш)нинг самарали чикиши учун мухим шарт бўлиб хизмат килади.

Жахон молиявий-иктисодий инкироз омилларини бартараф этишда соликларни стратегик прогноз килиш бошкарув назарияси ва амалиётида мухим ўринга эга булиши мумкин. У барча етакчи мамлакатларда иктисодий олдиндан кўра билиш усули сифатида кўлланилади.

Ўрта муддатли келажак учун солик прогнозларни ишлаб чикиш куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Худудлар мулки даромадлилигини бахолаш (худудлар молиявий таъминланганлиги коэффицентлари ва бюджет самарадорлиги кўлланилади), худудларнинг ихтисослашган тармогларини техник тиклашга, янгилашга талабини бахолаш, мехнат хаки холати, худуд ресурс базсини, худуднинг иктисодий импорт операцияларида иштироки, ишлаб чикариш ва ижтимоий инфраструктура сифати траспорт магистраллари билан таъминланганлиги ва хакозоларни бахолаш. Бу маълумотлар худуднинг ялпи даромадини, унинг иктисодий, молиявий ва солик потенциалларини усулик хисоблашда маълумот базасини ташкил килади.

2. Худуднинг иктисодий ўсишини хисобга олган холда солик тушумлари хажмини прогноз килиш. Бу маълумотлар барча даражадаги бюджетларнинг шаклланишида мухим ахамиятга эга, зеро буларда худудларнинг субсидия, субвенция, дотация ва трансферт молиялаштириш кдерал ресурсларга бўлган талаблари анча аник акс этиши мумкин. Худуд потенциалини билиш соликка тортишнинг имтиёзли режимини анча аник шакллантирш имконини беради. Бу солик конунчилигини такомиллаштириш масалаларини килишда мухим.

3. Худуд иктисодиётининг ресурслар таркиби ва мол-мулки турларини умумкамровли инвентаризация килиш. Худудий мулкдан фойдаланишдан олинадиган ва ички эхтиёжни кондиришга каратиладиган воситалар улушини аниклаш.

4. бюджет дефецити микдорини, инфляция даражасини, бахо индексини, бозор индикаторларини хисоблаб чикариш.

Соликларни прогноз килишни молиявий менежментнинг базавий элементларидан бири сифатида кўриб чикиш тўлик ўринли. Бу холда молиявий менежмент кенг маънода мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишини бошкариш нуктаи назаридан кўриб чикилади. Умумдавлат молиявий менежменти таркибида асосий ўринлардан бирини бюджет-солик менежменти эгаллайди. Бошкарув фаолиятининг бу тизими Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, унинг (бюджет-солик, солик ислохотлари ва бошка) департаментлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси ва бошка бошкарув органлари томонидан амалга оширилади. Умумдавлат соликлари бўйича соликни прогнозлаштиришнинг максади умумдавлат фонди бўлган бюджетда марказлаштириш учун молиявий ресурслар хажмини солик тўловчилар бўйича аниклаш. Ушбу ресурсларни режалаштиришда хокимят органлари энг аввал мумкин бўлган изъятиянинг максимал юкори даражасига мўлжал килишади. Ушбу жараён жамият ривожланиши даражасида умумдавлат эхтиёжларининг ўсиб бориши хисоб-китобига асосланади. Молиявий эхтиёжларнинг ўсиб боришнинг объектив эканлиги А.Валнер тмонидан асосланган, бу эса шундай номли конунни шакллантирди. Бу конун давлат харажатларининг кўп сабабларга кўра доимий ўсиш тенденциясини аниклади. Бу сабаблар куйидагилар: ахоли сонининг ўсиши, ноишлаб чикариш сохасида, хизмат кўрсатиш сохасида талабларнинг ўсиши, ахолининг билим даражасининг ўсишии ва шу кабилар. Бу хизмат одатда корпорациялар томнидан кўрсатилмайди, кўрсатилганда хам уларнинг нархлари шунчалик хкори бўладики, бу хизматлардан фукароларнинг чегараланган кисмигина фойдалана олиши мумкин.

Жахон молиявий-иктисодий инкироз омилларини юмшатишда маълум режа даврга соликлар бўйича аник вазифаларни ишлаб чикиш бир катор бир-бирига боглик фаолиятларни ўз ичига олинишини талаб этади:

- утган даврда иктисодиётда юз берган тенденцияларни хисобга олиб солик режими вариантларини излаш;

- оптимал соликка тортишнинг вариантларини, уларнинг солик гурухлари, молия-хўжалик фаолиятлари типлари, солик тўловчилар гурухлари, алохида худудлар ва бошкалар бўйича ранжированиясини бахолаш;

- бўлгуси солик режимлари вариантининг афзалликларининг асосланиши;

- утган йилги бюджетнинг бажарилишида ўтказилган тажрибаларнинг маълумотларини хисобга олиб соликдан тушумлар лойихасини хисоблаш;

- бюджет классификациясининг мос моддалари бўйича хукумат ва парламент томонидан кабул килинган мажбуриятларини мухокама килиш, бюджет даромадларини якуний овоз бериш оркали мос конунларни аниклаштириш ва кабул килиш.

Бу фаолиятлар ичида энг мухим ролни бошкарув карорларини ишлаб чикиш учун маълумотлар йигиш ва кайта ишлашнинг тахлилий боскичи ўйнайди. Тўпланган ва кайта ишланган материалнинг ишончли ва тўликлиги

бюджет солик меъёр ва коидаларининг кейинги такомиллаштирилиши учун дастлабки базасини ташкил килади.

Бюджетга солик тўловларининг келиб тушишини таъминловчи жорий прогнозлар солик инспекторларининг аналитик ишининг таркибий кисми хисобланади. Жорий прогнозлашнинг ва улардан келиб чикувчи масалаларнинг асосий шартларига куйидагилар киради:

- молиявий ресурсларни ва уларни бюджетга ажратиш хажмини аниклаш бўйича систематик тахлил ва жорий прогноз;
- воситаларни бюджетга ажратиш услуби ва янада самарали шаклларини кўрсатиш;
- тўловчи-корхоналарда хўжалик хисоб-китоблари мустахкамлашга хамкорлик;
- ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кучайтириш, махсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб-чикариш рентабеллигини ошириш.

Бирок бюджетнинг солик ва тўловларини прогнозлаш учун куйидагилар база бўлаолади:

- корхона ва ташкилотларнинг прогнозли хисоб-китоблари;
- баланс ва хисоботлар;
- молиявий натижалар;
- солик тўловчилар сони;
- дебеторлик ва кредиторлик карзлари;
- маълумот ва бюджет билан ўзаро хисоб-китоб.

Солик ва тўловлар бўйича прогнозларни тузиш – бизнингча бюджетли режалаштиришнинг умумий жараёнининг катта бўлмаган кисми хисобланади.

Прогнозлаш бўйича ишни молия ва солик органлари яьни, Молия вазирлиги, Солик кўмитаси, шахар (туман) молия ва солик инспекциялари амалга оширадилар.

Солик органлари прогнозлаш ва назорат учун керакли хисобот материалларини ишлаб чикаради ва умумийлаштиради. Прогнозлаш жараёнининг ўзи, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини тахлил килиш ва халк хўжалиги тармокларида ва алохида корхоналарнинг иктисодиётида ўтган йилда содир бўлган ўзгаришларни ўрганиш билан богликдир.

Иктисодий ва ижтимоий ривожланишни, молиявий натижаларни, хисоб-китобларни, текширув материалларини, солик органларининг хисобот маълумотларини, ревизия материалларини прогнозлаш кўрсатгичлари асосида молия ва солик органлари бюджетга бўлган тўлов хажмини аниклайди. Ўтган йил учун бюджетга тўловлар 1-жадвалда кўрсатилган. барча тўловлар хажми бюджетнинг ижросини тасдиклашгача яхшилаб тахлил килинган ва режалаштирилган. Самарканд шахар инспекцияси бўйича бюджетга маблагларнинг келиб тушишни барча каналларига реал ёндашув бюджетга солик тўловларининг ўсишига олиб келди. 2 –жадвалга қаралсин.

2-жадвал.

## 2008 йилга Самарганд шахар давлат солик инспекцияси бюджетига солик тушумлари ва тўловларининг тахлили.

(минг сўм)

| Соликлар ва бошка туловларнинг номи | Солик ва бошка туловларнинг 2007 йилда тушган хакикий тушуми | Солик ва бошка туловларнинг 2008 йилда тушган хакикий тушуми | Фарки | Фоиз |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| Жами тушум | 76 278 017,5 | 103 930 745,2 | 27 652 727,7 | 136,3 |
| - Юридик шахслардан даромад (фойда) солиги жами | 5 721 642,6 | 9 786 303,6 | 4 064 661,0 | 171,0 |
| савдо ва умумий овкатланиш корхоналари буйича ялпи даромад солиги | 3 743 606,0 | 5 090 539,7 | 1 346 933,7 | 136,0 |
| кичик корхоналар буйича ялпи даромад солиги | 4 677 759,8 | 6 666 675,3 | 1 988 915,5 | 142,5 |
| - Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги | 17 631 433,0 | 24 865 857,3 | 7 234 424,3 | 141,0 |
| юридик шахс хисобида фаолият курсатувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги | 2 442 081,4 | 3 375 664,6 | 933 583,2 | 138,2 |
| - Инфратузилмани ривожлантириш солиги | 4 448 640,7 | 6 921 930,1 | 2 473 289,4 | 155,6 |
| - Кушилган киймат солиги жами | 18 718 831,1 | 21 300 609,5 | 2 581 778,4 | 113,8 |
| - Акциз солиги жами | 4 807 831,0 | 7 236 780,1 | 2 428 949,1 | 150,5 |
| алькоголли махсулотлар жами | 3 122 772,2 | 4 631 560,6 | 1 508 788,4 | 148,3 |
| арок | 1 847 497,0 | 3 724 717,0 | 1 877 220,0 | 201,6 |
| коньяк | 122 092,6 | 109 977,8 | -12 114,8 | 90,1 |
| вино | 0,0 | 0,0 | 0,0 | #ДЕЛ/0! |
| бошка турдаги вино махсулотлари | 235 388,7 | 257 999,3 | 22 610,6 | 109,6 |
| бошка турдаги алькоголли махсулотлар (этил спирти 30гр. дан юкори булган) | 142 673,5 | 14 000,0 | -128 673,5 | 9,8 |
| бошка турдаги алькоголли махсулотлар (Этил спирти 10 гр.дан 30 гр.гача) | 775 120,4 | 522 990,1 | -252 130,3 | 67,5 |
| пиво | 1 516 668,7 | 1 751 915,9 | 235 247,2 | 115,5 |
| усимлик ёги | 158 246,2 | 853 303,7 | 695 057,5 | 539,2 |
| бензин, дизель ва суюлтирилган газдан олинадиган солик | 3 454 157,5 | 4 568 509,2 | 1 114 351,7 | 132,3 |
| - Мол мулк солиги | 4 133 918,6 | 5 608 569,5 | 1 474 650,9 | 135,7 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| юридик шахслардан олинадиган мол мулк солиги | 3 989 148,6 | 5 369 717,5 | 1 380 568,9 | 134,6 |
| жисмоний шахслардан олинадиган мол мулк солиги | 144 770,0 | 238 852,0 | 94 082,0 | 165,0 |
| - Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги | 1 579 657,2 | 1 877 534,9 | 297 877,7 | 118,9 |
| юридик шахслардан кишлок хуж.га карашли булмаган ерларидан олинадиган солик | 1 189 767,6 | 1 314 533,9 | 124 766,3 | 110,5 |
| кишлок хужалигига карашли булган юридик шахслардан олинадиган ягона ер солиги | 414,2 | 570,7 | 156,5 | 137,8 |
| жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги | 389 475,5 | 562 430,3 | 172 954,8 | 144,4 |
| - Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиги | 22 847,4 | 34 186,8 | 11 339,4 | 149,6 |
| - Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | 106 038,2 | 122 340,5 | 16 302,3 | 115,4 |
| - Давлат божи | 946 765,7 | 1 898 938,2 | 952 172,5 | 200,6 |
| - Жами жарималар | 969 843,5 | 973 902,9 | 4 059,4 | 100,4 |
| - ЙХХ дан тушган йигимлар | 491 751,7 | 340 102,4 | -151 649,3 | 69,2 |
| - Жами махаллий йигимлар | 117 745,4 | 221 465,2 | 103 719,8 | 188,1 |
| - Бозор ва шахобчалардан йигим | 172 319,3 | 253 235,0 | 80 915,7 | 147,0 |
| Бошка турдаги тушумлар | 1 934 846,3 | 2 428 008,5 | 493 162,2 | 125,5 |

Ундан ташкари 2-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, бу ўсишга куйидаги омиллар таъсир этди:

- солик ставкаларини ошириш;
- солик тўловчиларнинг сонини ошириш;
- солик тўловчиларнинг мехнат унумдорлигини ошири ва бошкалар.

Самарқанд шахар давлат солик инспкциясида 2007 йилда 5152 та юридик шахс солик тўловчилар рўйхатга олинди, 2008 йилда эса 5284 та. Индивидуал мехнат фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар 2007 йилда 2680 та, 2008 йилда эса 3187 таси рўйхатга олинди.

Мазкур жадвал натижалари бўйича 2009 йилга бюджетга солик ва солик тушумларининг келиб тушиш 126 237 863 минг сўм прогнозланди.

Прогнозлар асосланган бўлиши учун биз томондан хўжалик ташкилотлар ва молия, солик органлари томондан кўрсатилган хисоб-китоблар ва материалларни текшириш ишлари олиб борилди.

Хозирги вактда республиканинг солик инспекцияларида солик тушумларини назорат килиш ва прогнозлаш бўлими амал килади. Бу бўлим бевосита солик тўловларини прогнозлаш билан шугулланади, солик тўловчиларни хисобга олади, бюджетга солик тўловларининг ўз вактида тушишини назорат килади. Яна тузилган корхоналарни рўйхатга олади, белгиланган шаклда 1Н, 2Н, 3Н хисоботини олиб боради ва бошкалар. Карточкали юза счетлардаги ёзувлар амалга оширилади:

- белгилаган шаклда корхоналар томонидан берилган хисоб-китоблар асосида тўловларни хисоблаш бўйича;

- банк муассасаларидан олинган тўлов хужжатлари асосида келиб тушган тўловлар бўйича. Хисобланмаган ва бюджетга келиб тушган воситалар хисобисолик органлари томонидан 3,4,6,9 шакл бўйича ўнг счетлар карточкаларида амалга оширилади, солик тўловларининг хажми ва турлари бўйича.

Ўнг счетда бюджетга тегишли суммани хар бир узайтирилган кун учун 0,2 хажмда ўз вактида киритилмагани учун.

1Н хисоботи солик инспекцияларида хар куни олиб борилади (дам олиш кунларидан ташкари). Унда бюджетга соликларнинг ва тўловларнинг банк хужжатлари асосида солик турлари бўйича келиб тушиши акс эттирилади ва ўша кун солик бошкармасига топширилади.

2Н хисоботи хар ойда, хар чоракда ярим йилда, йилликда (тўла) олиб борилади. 2Н хисоботини солик органи ходимларига хисоблаш тўгри келади. Унда хисобот даврида барча килинган ишлар акс эттирилади. 3Н хисоботи валютали тушум бўйича олиб борилади. Барча бу материаллар нафакат бюджетга воситаларнинг келиб тушишни режалаштириш, балки бу тушумларни прогнозлаш учун мухим компонент хисобланади.

# IV БОБ. МАХАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИКЛИ ВА СОЛИКСИЗ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУЛЛАРИ.

## 4.1. Бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини прогнозлаш тизимига жахон молиявий-иктисодий инкироз ва уларни юмшатиш йуллари.

Умумдавлат фаолиятини ифодаловчи молия режаларига давлат бюджети, давлат ижтимоий сугурта бюджети, давлат мулкий ва шахсий сугуртаси молия режаси хамда территориал ва давлатнинг молия маблагларини кўрсатувчи йигма молиявий маблаглари киради. Бу молиявий режаларда давлат бюджети алохида ўрин тутади. Давлат бюджетида давлат билан турли мулк шаклсига эга бўлган корхона, хўжалик ташкилотларининг молиявий муносабатлари акс этади. Унинг даромад кисмида даромадларни келиб тушиш манбалари кўрсатилади, харажат кисмида эса маблагларнинг социал-маданий тадбирларга, халк хўжалигига, ахолини ижтимоий химоялашга, бошкарувга, мудофаага ва бошкаларга сарфланиши акс эттирилади. Давлат бюджетининг яна бир мухим ахамияти шундаки, у бошка молия режалардан фарк килиб конун тарикасида тасдикланади. Молия режалари тизимида сохалар молия режалари асосий ўринни эгаллайди ва бу ерда даромадлар ва харажатлар баланси мухим рол ўйнайди. Хозирги пайтда корхоналар молиявий режалари бизнес режалар деб юритилмокда.

Хар кайси режа мўлжалланган давр учун даромадлар ва харажатлар, молия ва кредит тизимларининг бугинлари ўртасидаги алокалар (ижтимоий сугуртага ажратма бадаллари, бюджетга тўловлар, банк кредити учун тўлов ва бошкалар) аникланади.

Жахон молиявий-иктисодий инкироз омиллари истикболлаштириш миллий хўжалик режалаштиришининг илмий-аналитик боскичи булиб хизмат килиши мухимдир.

Инкироз омилларини бартараф этишда унинг хўжалик режалаштириш ишлаб чикаришдаги бош масаласи - бу ижтимоий, иктисодий ва илмий-техник жараёнларидаги илмий тахлил, рўёбга чиккан холатга ва хўжаликни ривожлантиришда вужудга келган жараенларга бахо бериш ва ривожлантириш йўналишларини белгилашдан иборатдир.

Истикболлаштириш усуллари куйидагича туркумланиши мумкин:

1. Истикбол максадига кўра - конфирматив ва режаификацион (оператив, тактик ва стратегик);
2. Прогнознинг белгиланишига кўра - умумий ва махсус белгиланган истикболларга, бошкарув истикболларига;
3. Тасдиклаш даражасига кўра - интуитив ва мантикий;
4. Натижаларни ифодалаш шаклига кўра - сифат ва микдорий истикболларга;
5. Муддатга кўра-узок муддатли, ўрта муддатли ва киска муддатли истикболларга.

Маъмурий бошкарув тизими шароитида пул даромадларининг ва йигимларининг таксимланиши ва туркумланиши, уларнинг марказлашган ва марказлашмаган фондларда пул маблагларининг гурухланиши директив режалаштириш оркали аникланар эди. Бозор иктисодиёти шароитида режалаштириш бошкарув функцияси сифатида, ижтимоий ва иктисодий фаолиятнинг барча томонларининг умумий шаклини кабул кила олмайди. Бундан келиб чиккан холда, бозор иктисодиётида ишлаб чикариш жараёнида хамда товарлар ва хизматлар реализациясида хукмрон ва аникловчи усул бўлиб - пул, бахо, киймат конуни, талаб ва таклиф конунини ўз ичига олган бозор механизми билан ташкил килади.

Бозор механизмининг бундай мухити режалаштириш элементлари иштирокида ишлаб чикариш ва алмашув натижаларини аникловчи прогноз услубиёти амал килишини аниклаб беради.

Бозор иктисодиёти ўзининг бош омиллари билан амал килади, яъни товарлар, ишчи кучи, ссуда капиталлари бахоси бевосита товарлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф нисбатига богликдир. Бозорни ўрганиш, уни ташкил килиш ва режалаштиришнинг элементларини бошкариш маркетинг мазмунини ташкил килади.

Бозор иктисодиётига ўтиш шароитида иктисодий ислохотнинг амал килиши бошкарувнинг мухим ва бош функцияси сифатида режалаштириш ўрин эгаллайди. Молиявий режалаштириш бозор иктисодиёти талабаларини хисобга олган холда янги ўзига хос белги ва томонларига эга бўлади.

Бозор иктисодиёти шароитида мамлакатнинг ривожланишида молиявий режалаштиришга талаб камайгани йўк . У аввалгидай ишлаб чикариш фондларининг кенгайтирилган доиравий айланишини молиявий ресурслар билан таъминлашга, молия-хўжалик фаолиятида самарадорликнинг юкори кўрсаткичларига эришишга, корхонанинг молиявий чидамкорлигини ва тўловга кобилиятини мустахкамлашга шароит яратиб беришга каратилгандир. Хозирги пайтда аввалги директив режалаштириш тизими даврига караганда молиявий режалаштириш сифатини ошириш максадга мувофикдир, чунки бозор муносабатларида ўз фаолиятининг самарасизлиги, шу билан биргаликда молиявий режалаштиришда нотўгри хисоб-китобларни юритишда жавобгарликни корхонанинг ўзи тортади.

Янги хўжалик юритиш шароитида ўзининг катта ролини саклаб колган молиявий режалаштириш ўз навбатида кайта курилган бўлиши лозим. Унинг мазмуни ва амалдаги шакллари хўжаликнинг янги иктисодий шароитлари бўлган ўзгаришлари билан боглик холда амалга оширилади.

Хозирги пайтда молиявий режалаштириш бозорнинг конъюктурасини хисобга олган холда бирор бир вокеликнинг бўлиш эхтимоли борлигини ва шу билан биргаликда моддий, мехнат ва молиявий ресурсларнинг холатининг ўзгаришини хисобга олган холда корхонанинг фаолияти асосларини таъминламоги лозим.

Молиявий ва хўжалик мустакиллигини мавжуд шароитида корхонанинг ўзи мустакил тарзда ўзининг режаларини ишлаб чикади ва бунда унинг ягона максади-хўжаликни юкори самарадорликка етказишдир. Шунинг учун хам молиявий режалаштиришда катта эътиборни корхона

ўзининг ички резервларини тўлик намоён килишга, ишлаб чикариш воситаларидан самарали фойдаланишга, моддий мехнат ва пул ресурслардан унумли фойдаланишга, ишлаб чикаришни тўгри ва яхши ташкил килишга ва бошкаларга каратилгандир.

Турли даражадаги бюджетларга солик тушумларининг аник микдорини хисоблашда учта принципиал мухим кўрсатма катта ахамият касб этади.

1. Солик тўловчиларнинг бюджет билан ўзаро муносабатларининг позитив ва негатив кўринишларини синчиклаб ўрганиш, бу муносабатларни ривожлантириш конунчилигини ўрнатиш.
2. Бутун солик тизимининг, унинг алохида элементларининг ва алохида соликларнинг молиявий-хўжалик фаолиятга ва аксинча таъсирларнинг намоён бўлиши максадида бюджет-солик тизимида омилли тахлил ўтказиш.
3. Олдиндан кутилмаган иктисодий, молиявий, бюджет ва солик вазиятларининг, солик тўловчилар максадлари ва бюджет максадлари ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши содир бўлиш эхтимолларига тахлилий бахо бериш. Бу холларни яхшилаш ёки бутунлай бартараф этиш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чикиш.

**Прогноз хисоблари учун асос бўлувчи манбалар.**

Солик идораларида солик тушумларини прогноз килиш ишларини ташкил этишни ўрганишдан олдин солик ишларини юритиш масалаларини чукур ўрганиш талаб килинади.

Солик тушумларини прогноз килиш хисоб-китобларнинг куйидаги 3 тури ажратиб кўрсатилади. Булар:

1) Корхона маълумотлари бўйича солик тушумларини прогноз килиш.

2) Хакикий эришилган даражадан келиб чикиб солик тушумларини прогнозлаш.

3) Макраиктисодий кўрстакичлар бўйича солик тушумларини прогнозлаш.

- Корхона маълумотлари бўйича - солик тушумларини ва бошкалар бюджетга тўланадиган тўловларни прогноз килишда хисоб-китоблар хар бир корхоналар бўйича алохида-алохида амалдаги соликка тортиш бўйича конун хужжатлари йўрикномалар ва бошка меъёрий хужжатларга асосан соликларни тўлаш муддатларига караб ойлик, чораклик, ярим йиллик муддатларга асосан ишлаб чикилади.

Хар бир корхона молиявий натижалар тўгрисидаги хисобот, бюджетга тўланган соликлар тўгрисидаги (хисобот) маълумот, пул окимлари тўгрисидаги хисобот, валюта маблаглари харакати тўгрисидаги (хисобот) маълумот, хусусий капитал тўгрисидаги хисобот, молиявий иктисодий холат бўйича хисобот ва бошка хисоботларни солик органларига топшириш талаб этилади. Ушбу хужжатлар солик идораларида тахлил этилади ва прогнозлаш учун асосий хужжат бўлиб хисобланади.

Корхоналар маълумотлари бўйича солик тушумларини прогноз хисоб-китоблари солик идоралари ва корхона ташкилотлар мутахассислари билан биргаликда амалга оширилади.

- Хакикий эришилган даражадан келиб чикиб солик тушумларини прогноз килиш статистика, молия идоралари маълумотлари, шунингдек бюджетга хакикатда келиб тушган соликлар ва бошка мажбурий тўловлар бўйича амалга оширилади.

Хакикий эришилган даражадан келиб чикиб солик тушумларини прогноз килишда бюджетга тушадиган соликлар ва бошка мажбурий тўловлар хажмига таъсир килувчи куйидаги омиллар хисобга олинади:

а) Пул маблаглари инфляцияси;

б) Махсулот ишлаб чикариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш хажмини ўсиш ёки камайиш суръати;

в) Ходимлар иш хакини ўсиш ёки камайиш суръати;

г) Асосий фондлар ва мол-мулк киймати;

д) Бюджетга тўланадиган соликлар ва бошка мажбурий тўловларни ўсиши хамда камайиши;

е) Махаллий хокимият органлари ва молия органлари томонидан прогноз килинаётган давр учун бюджетнинг асосий кўрстакичлари.

Асосий манбалар бўйича прогноз кўрсаткичлари соликлар ва бошка мажбурий тўловлар тушумининг ўзгариши, шунингдек соликка тортиш бўйича янги манбаларнинг мавжудлигини хисобга-олиб амалга оширилади.

- Макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича солик тушумларини прогноз килиш соликларни 5 та асосий манбаси бўйича амалга оширилади ва улар куйидаги соликлардан иборат:

1. Кўшилган киймат солиги;

2. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги;

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги.

4. Акциз солиги

5. Мол-мулк солиги ва ресурслар солиги олинган маълумотлар асосида соликлар ва тушумларни бюджетга тушиши прогноз хисоб-китоблари учун асосий кўрсаткичлар номли шакл тўлдирилади ва хисоб-китоблар амалга оширилади.

Хисоб-китоблар асосий кўрсаткичлар бўйича жумладан, ахолининг турмуш даражаси, пул маблаглари кадрсизланиши, махсулот ишлаб чикариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш хажмини ўсиши ёки камайиши суръати, бахо индекси ва иктисодиётнинг ривожланишдаги бошка иктисодий кўрсаткичлар асосида амалга оширилади. Хакикатда олинган иш хаки бўйича маълумотлар банк муассасаларидан олинади.

Соликлар ва бошка мажбурий тўловларнинг бюджетга тушиши прогноз хисоб-китоблари куйидагилар асосида ишлаб чикилади:

Соликка тортиш бўйича амалдаги конун хужжатлар ва йўрикномалар;

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдикланган даромад классификациялари;

Ўзбекистон Республикаси хукумати вилоятлар карор ва буйруклари;

Солик тўловчилар бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг инвентаризация маълумотлари;

Иш хаки, дебитор ва кредиторлик карзлари бўйича маълумотлар;

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг шахар ва туман бўлимларини иктисодий статистик маълумотлари;

Ахоли турмуш даражаси пул маблаглари инфляцияси, ишлаб чикариш хажмини ўсиши ва камайиши ва бахо индексини хисобга олгандаги асосий кўрсаткичлар.

Солик тушумларини прогноз хисоб-китобларини усулологик асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси давлат Солик Кўмитаси коллегияси томонидан тасдликланган усулик кўрсатмалар;

Амалдаги соликка тортиш бўйича йўрикномалар ва молия органларининг кўрсатмалари хисобланади.

2009 йил учун солик тушумларининг прогноз хисоб-китоблари чоракларга бўлинган холда куйидагиларни хисобга олиб амалга оширилади:

1. Корхоналар, ташкилотлар, вазирликлар ва идораларнинг хисоб-китоблари; шунингдек корхоналарни бюджет билан хисоб-китоблари бўйича ва шахсий хисоб варакларидаги маълумотлар шулар билан бирга камерали текшириш ва баланс хисоботи кўрсаткичлари.

2. Акциз солиги бўйича (корхоналар маълумотлари асосидаги) хисоб-китоблар;

3. Даромад (фойда) солиги

4. Мехнатга хак тўлаш шаклида олинадиган соликлар.

5. Туман, шахар молия бўлимлари статистика ва банклар маълумотлари;

6. Кўшилган киймат солиги бўйича хисоб-китоблар макраиктисодий кўрсаткичлар бўйича акциз солиги, ресурс тўловлари ва бошка солик тўловлари тўгрисидаги маълумотлар.

Хисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ўзгарган такдирда куйида тегишли тузатишлар киритилади.

а) Корхона бўйича

б) Худуд (туман, шахар) бўйича

в) Манбалар бўйича алохида хисоб китоблар килинади.

Худуд (туман,шахар) бўйича прогноз хисоб китоблари вариантда ишлаб чикилади. Булар:

1. Корхона маълумотлари бўйича прогнозлаш хисоб китоблари

2.Хакикий эришилган даража бўйича прогнозлаш хисоб-китоблари корхоналарда хужжатли комплекс ва танлама текширишлар бўлиши мумкин. Бу текширишлар корхоналарни кейинги даврларда тўлаши керак бўлган солик суммасини хакикий эришилган даражада прогнозлаш учун асос бўлади.

Корхонанинг доимий мустахкам рентабеллигини таъминлаш деярли мураккабдир. Бу солик инспекторларининг ишида кўринади. Чунки корхона томонидан даромадни таъминлаш, ишлаб чикариш дастурларининг сифати ва даражаси ва хизматларни бериш бўйича дастурлар даромадни олиш билан хар доим мувозанатли холатда бўлади (махсулотни чикариш, товар айланиши, ўсиш, даромад).

Соликка тортиладиган базанинг мувозанатли холати солик тушумларининг ўсишининг мухим омили бўлиб хизмат килиш керак. Бирок амалиёт материаллари шуни далолат берадики, бу муносабатлар хўжалик

юритишнинг барча тоифаларида бузилиши юз беради. Авваламбор мувозантининг кўрсаткичларини ўлчашда, Ўзбекистон Республикасининг барча туманларида унинг бузилиши илмий ёндашувнинг йўклиги билан чакирилган. Бу шунга олиб келадики, бир томоннинг камчилиги бошкаларининг ютуклари билан тўлдирилади. Лекин огирлик харидорларга тушади. Чунки улар нафакат харидордир, балки барча соликларнинг истеъмолчиларидир. Бундай ходисаларнинг мавжудлиги давлат бюджетига солик тушумларини прогнозлаш усулларини ишлаб чикиши талаб килади, улар юкорида айтилган мувозанатларнинг акси бўлиши хам мумкин эди. Бир томонинг бошкасининг ютуклари билан тўлдирилишига йўл кўймаслик учун илмий асосланган йўл билан тўгри карорга келиш мумкин.

Манфаатлар ва унинг ўхшашлиги солик тўловчи корхонанинг энг кимматли бойлигидир. Ўз манфаатини оширишни таъминлаш учун солик тўловчи солик тўловларини яшириши ёки тутиб туриши керак эмас. У бутун ахолига таъсир этиши мумкин. Эришилган ютукларни хакикий тан олиш (бахолаш) соликлар тушумининг тўлалигини кучайтиришга ёрдам бериши керак. Солик тўловларини тўлашда солик тўловчиларга мумкин кадар кўпрок эркинлик берилиши керак. Масалан, харакатларнинг батафсил тасаввури давлатнинг мавжуд солик салохиятини йўкга чикариши мумкин. Шуни эсдан чикармаслик керакки, тўловчининг истаги акс этган ва амалга ошириладиган нарса билан алмаштириб бўлмайди. Шунинг учун солик тўловларига муносабат томонларнинг салмокли ютугининг омили бўлиши керак. Факат шундагина янги ютукларнинг эришилиши имкон берувчи ижобий кайфият юзага келиши мумкин. Янги ютукларни муваффакиятларга эришиш усулларига ўхшатиш мумкин. Солик тушумларини прогнозлашнинг кулай усуллари куйидагилар хисобланади:

- бозор атрибутларини тестдан ўтказиш асосида товар прогнозини тузиш;
- улуш кўрсаткичларидан фойдаланиб прогнозни тузиш;
- бу принципларга мувофик солик тушумларининг тўлалигини таъминлашга мухим кадам ташлаш мумкин. Бу ўз-ўзидан ютукдир.

Буни хисобга олиб мазкур иш доирасида солик тушумларини прогнозлашнинг юкорида кўрсатилган усулларини кўрсатишга харакат килдик. Шуни таъкидлаш керакки, тушумнинг тўлалигини асослаш учун биз харакати охирги молиявий натижаларнинг ўсишига эришишга кўп жихатдан ёрдам берувчи кўрсатгичларга мурожат киламиз. Иктисодий адабиётларда прогнозлашнинг у ёки бу усулларининг кераклилиги кўрсатилмаган.

Ўтказилган амалий текширувлар тажрибасида биз тушумларнинг тўлалигини тўхтатувчи барча омилларни киймат – истеъмол кийматига таяниб четлатиш мумкин экани хакида хулоса чикаришга харакат килдик. Истеъмол киймати эса таркатиладиган товарлар нархида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишлари бу Республикамизда бозор иктисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорларга кенг йўл очиб берилганлигидан далолат беради. Чунки бозор иктисодиётини тадбиркорларсиз тасаввур килиб бўлмайди.

Тадбиркорлик бозор иктисодиётига хос бўлган махсус иктисодий фаолият бўлиб, кенг маънода бирорта иш билан шугулланиб пул топишдан иборат бўлган фаолиятдир. Тадбиркорликка алокаси йўк ишлар хам бор, масалан, ўз мулкини ижарага бериш, пулини банкка кўйиш ёки яширин йўл билан судхўрлик килиш. Бу ишлар пул топиш йўли, лекин тадбиркорлик эмас. «Тадбиркорлик деганда моддий ва пул маблагларини фойда топиш йўлида сарфлаб, бозорга керакли товарлар ва хизматларни етказиб бериб, кишиларга наф келтирувчи, уларнинг хожатини чикарувчи иктисодий фаолият тушунилади».

Бозор иктисодиётининг турли мулк шаклларига асосланишини тадбиркорликда яккол кўриш мумкин. Инсонга наф келтирувчи хар кандай неъматлар кимнингдир мулки. Факат хеч кимга керак бўлмаган нарсанинг эгаси йўк. Бозор иктисодиёти керакли нарсани яратиб, уни бозор оркали истеъмол этишга асосланар экан, у албатта мулкчиликни талаб килади. Мулк моддий ва маънавий бойликларни конуний равишда ва белгиланган тартибда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тамонидан кабул килинган "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлари тўгрисида"ги конунниг 3-моддасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланвчи жисмоний шахсга таъриф берилган:

-Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) конун хужжатларига мувофик даромад (фойда)олишга каратилган,юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсулот ишлаб чикариш (ишлари бажариш, хизматлар кўрсатиш йўли билан таваккал килиб амалга ошириладиган ташаббускор фаолият.

-Тадбиркор юридик шахс ташкил этган холда хам, ташкил этмасдан хам тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосда шугулланувчи жисмоний шахс(якка тартибдаги тадбиркор). Конун хужжатларига мувофик юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар,шу жумладан чет эл фукаролари ёки юридик шахслари,шунингдек фукаролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектларидир.

Жисмоний шахслар деганда Узбекистон Республикасининг фукаролари, бошка давлатларнинг фукаролари, шунингдек фукаролиги булмаган шахслар тушунилади (Узбекистон Республикаси ФК 16-моддаси).

Узбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ун икки ойгача булган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан купрок муддатда Узбекистонда турган жисмоний шахс Узбекистан Республикасининг резиденти деб каралади.

Узбекистон Республикаси резиденти булган жисмоний шахсларга уларнинг Узбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташкаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари буйича солик солинади.

Узбекистон Республикаси резиденти булмаган жисмоний шахсларга Узбекистон Республикаси худудилаги фаолиятдан олинган даромадлар буйича солик солинади.

Узбекистон Республикасидан ташкарида туланган жисмоний шахсларнинг даромад солиги суммалари Узбекистон Республикасида соликни тулашда Узбекистон Республикасининг халкаро шартномаларига мувофик хисобга олинади. Хисобга олинадиган суммалар микдори жисмоний

шахсларнинг Узбекистон Республикасида амал килаётган ставкалар буйича хисоблаб чикарилган даромад солиги суммасидан ошмаслиги лозим.

Якка тартибдаги тадбиркорлик тадбиркорнинг ўз мулки асосида хам, жалб килинган мол-мулк асосида хам амалга оширилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятига кредитлар бериш ва уларни сугурта килиш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик шахсий тадбиркорлик( бир шахснинг тадбиркорлиги) ва биргаликдаги тадбиркорлик (шахслар гурухининг тадбиркорлиги) турларига бўлинади .

Шахсий тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи томоннидан мулк хукукида, шунингдек мулкка эгалик килиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл кўядиган ўзга ашёвий хукук туфайли ўзига тегишли мол-мулк негизида мустакил равищда амалга оширилади.

Шахсий тадбиркорликнинг амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий фойдаланищдаги мол-мулкидан фойдаланган холларда, агар конунларда ёки никох шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошкача коида назарда тутилмаган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб килинади.

Юридик шахс ташкил килмаган холдаги биргаликдаги тадбиркорлик шаклларига куйидагилар киради:

-Эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оилавия тадбиркорлик, шу жумладан дехкон хўжалигининг умумий биргаликдаги мулки негизида амалга ошириладиган дехкон хўжалиги;

-Оддий ширкат. Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк хукуки негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомаласида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан эр-хотиндан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш пайтида иасдикланиши лозим.

2008 йил давлат бюджети даромадаларининг 79,2 фоизидан кўпрогини юридик шахслар тўлайди. Жисмоний шахслар солик ва йигимлари эса карийб бюджет даромадининг 26,2 фоизига якинини ташкил этади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган соликларнинг хусусияти шундан иборатки солик жисмоний шахснинг тўгридан - тўгри ўз даромадидан олинади, соликлар ва йигимлар асосан накд пул тўлаш йўли билан бюджетга ўтказилади.

Шундай экан бу ерда солик тўловчи жисмоний шахс билан солик ундирувчи ўртасида тўгридан - тўгри пул муносабати мавжуд.

Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадга солинадиган соликни, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йигимни, давлат божи ва бир канча бошка соликлар ва йигимларни тўлайдилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадга солинадиган

солик жисмоний шахслар даромадига солинадиган соликни таркибий кисми хисобланади.

Жами йиллик даромад билан Солик кодексига мувофик белгиланадиган чегирмалар уртасидаги фарк сифатида хисобланган солик солинадиган даромад солик солиш объектидир.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солик туловчи олиши лозим булган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошка маблаглар, шу жумладан:

- мехнатга хак тулаш шаклида олинадиган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкий даромади;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромад киради.

Мехнатга хак тулаш шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг мехнат шартномаси буйича килинган ишлардан ва фукаролик хукукий шартномалар буйича оладиган даромадлари киради. Мехнатга хак тулаш шаклида олинадиган даромадларга куйидагилар хам киради:

1) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) киймати билан бундай товарларни (ишлар, хизматлар) харид килиш нархи ёки уларнинг таннархи уртасидаги манфий фарк;

2) иш берувчи томонидан ходимларнинг чикимларини коплаш учун килинган, уларнинг фаолияти билан боглик, булмаган харажатлар;

3) ходим иш берувчига тулаши керак булган, аммо иш берувчининг карори билан хисобдан чикарилган карз суммалари;

4) иш берувчи уз ходимларининг хаёти ва соглигини ихтиёрий сугурталаш бадалларини тулаш учун килган харажатлар;

5) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб колиниши керак булган туловлар юзасидан тулаган суммаси;

6) иш берувчининг уз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошка харажатлари.

Ходимларга Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилаган меъёрлар доирасида бериладиган хизмат сафари туловларининг суммалари жами йиллик даромадга киритилмайди.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига фоизлар, дивидендлар буйича олинган даромад, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадга товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан, даромад олиш максадида таваккал килиб, уз мулкий жавобгарлиги остида якка тартибда амалга оширадиган, конун хужжатларида такикланмаган бошка фаолиятдан келадиган барча тушумлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан солик солинадиган даромадларни аниклаш вактида мазкур ялпи даромадни олиш (топиш) учуч килинган харажатлар, мажбурий туловлар, чикимлар ва ажратмалар чегириб ташланади. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан чегириб ташланиши лозим булган харажатлар, мажбурий туловлар, чикимлар ва ажратмаларни

аниклаш тартиби Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Жисмоний шахсларнинг шахсий истеъмол билан боглик булган харажатлари тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан чегириб ташланмайди.

Солик, кодексига мувофик, молиявий жазо чоралари ва хисоблангаи пенялар суммалари жами даромаддан чегириб ташланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўгрисида»ги 1024-сонли Карорига асосан 2009 йилдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадларидан солик катъий ставкалар бўйича ундирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган соликни катъий ставка бўйича тўловчи тадбиркорлардан йил охирида декларация талаб килинмайди. Кайд гувохномаси асосида фаолият юритувчи жисмоний шахслар умумий ставкада соликка тортиладилар ва белгиланган тартибда декларация топширадилар.

Кайд гувохномаси асосида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар йил охирида яшаш жойидаги солик идораларига, йил давомида олган олган даромадлари тўгрисда декларция топширадилар.

Декларация солик туловчининг яшаш жойидаги солик идорасига йиллик ялпи даромад, шунингдек ушбу даромаддан туланган соликлар суммасини курсатган холда берилади.

Кайд гувохномаси асосида тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахсларни соликка тортишда солик куйидаги ставкалар бўйича ундирилади.

Хозирги кунга келиб Ўзбекистонда 550 мингга якин якка тартибда мехнат фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар мавжуд. Якка тартибда мехнат фаолияти билан Ўзбекистон Республикасининг мехнатга лаёкатли барча фукаролари, шу жумладан, уй бекалари, нафакахўрлар ва талабалар, корхона ва ташкилотларда ишловчи ищдан бўш вактларида Ўзбекистонда иш фаолиятини доимий равищда олиб борувчи бошка давлат фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар хам шугулланишлари мумкин. Конунда белгиланган тартибда такикланмаган барча фаолият турлари билан шугулланишлари мумкин. Бу фаолиятни юритиш учун зарур бўладиган ишлаб чикариш воситалари ва махсулот учун кетадиган хом-ашёлар: шахсий, буюртмачиники (буюртмачи - корхона ва ташкилотлар, жисмоний шахслар); бозорлардан ёки дўконлардан сотиб олинадиган бўлиши мумкин.

Якка тартибда мехнат фаолияти билан шугулланишни хохлаган фукаролар ўзи истикомат килиб турган туман (шахар) хокимиятидан рўйхатдан ўтадилар. Улар туман хокимига келгусида амалга ошириши кўзда тутилган тадбиркорлик фаолияти турини кўрсатган холада шу фаолият билан шугулланишга рухсатнома сўраб ариза ёзади. Тадбиркорлик фаолияти ту/рисидаги конунларга асосан, туман хокимлиги фукаронинг аризасини уч

кун муддат ичида кўриб чикади ва тегишли тартибдаги рухсатнома беради, ёки рад жавоби берилади. Бунда фукаро аризасига фаолият турини канча йил давомида шугулланишини хам кўрсатиш керак. Шу кўрсатилган муддат бўйича туман хокимлиги томонидан тадбиркорга рухсат берилиши керак. Айрим фаолият турлари билан шугулланиш учун тадбиркор махсус рухсатнома (лицензия) олиши зарур. Бундай фаолият турларига: дори-дармонлар тайёрлаш ва сотиш, тиббий хизматлар кўрсатиш билан шугулланувчи жисмоний шахслар согликни саклаш вазирлиги томонидан, ахолига шахсий ва ижарага олинган автотраспорт воситасида хизмат кўрсатувчи жисмоний шахсларга Республика "Ўзавтолицензия" бўлимининг жойлардаги бўлимларидан махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши шарт. Озик -овкат махсулотларини тайёрлаб сотувчилар, кассобчилик фаолияти билан шугулланувчилар туман хокимиятида рўйхатдан ўтиш даврида жойлардаги Санитария эпидемиология булимлари томонидан соглиги тўғрисида, хамда шу фаолият билан щугулланиш учун шугилланиш жойларида шароит мавжудлиги тўғрисида маълумотномалар такдим этишлари шарт. Туман (шахар) хокимликларидан якка тартибда мехнат фаолияти билан шугулланувчи фукароларга рухсат берилган такдирда улар рўйхатдан ўтиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги ПҚ-1112-сонли карорига асосан Республикада белгиланган энг кам иш хакининнинг икки баробаригача бўлган микдорида рўйхатдан ўтганлиги учун йигим тўлайдилар. Бу сумманинг микдори жойлардаги махаллий хокимиятлар томонидан белгиланиб, энг кам иш хакининг икки баробаридан ошиб кемаслиги керак.

Якка тартибда мехнат фаолияти билан щугулланувчи фукаро туман хокимлигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг унга "Юридик шахсни ташкил этмасдан туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун давлат рўйхатидан ўтганлик тў гриси"даги гувохнома берилади. Ушбу гувохномани олган фукаро туман (шахар) Давлат солик инспекциясида рўйхатга олинади. Солик инспекциясидан тадбиркорни тегишли тартибда рўйхатга олингандан сўнг унга якка тартибда мехнат фаолияти билан шугулланиш учун "кайд гувохнома"си ёзиб берилади.Юкоридаги жадвалга кўра соликка тортиш бўйлама йўналишда адолатни таъминлайди, кам даромадга эга шахслар даромад солигини анча паст ставкаларда тўлайди, кўп даромад килувчи шахслар эса юкори ставкалар бўйича со лик тўлайди.

Амалиёт маълумотларига асосан 2008 йилда Самарканд шахрида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи **3 187** та тадбиркор бўлиб, улар фаолиятини назорат килиш максадида солик идоралари **175** марта рейд ўтказганлар ва текширишлар давомида **1 801** та тадбиркорнинг фаолиятини текширганлар. Текширилганлардан **1 756** тасида конунбузарлик холатлари аникланган, шу жумладан **1 621** та фукаро ЯТФ билан патент ёки лизенциясиз шугулланаётганида кўлга тушган. Текширишлар натижасида бюджетга **15 428,3** минг сўм молиявий жарима хисобланиб ундириб олинган.. **1 183** та тадбиркор суд қарори билан маъмурий жаримага тортилган ва улардан **23 998,0** минг сўм жарима ундириб олинган.

Жисмоний шахсларга нисбатан кўлланиладиган маъмурий жарималар тартиби хам айрим камчиликлардан холи эмас. Биринчидан, ундириб олинадиган жарима микдори, бюджетга етказилиши мумкин бўлган зарар микдори билан богланмаган. Иккинчидан, хозирги кунда жисмоний шахслар даромади турли сохада турлича. Масалан, тижорат ва воситачилик билан шугулланувчи хусусий сохадаги жисмоний шахслар даромадига нисбатан амалдаги жарима микдори хеч нарса эмас. Кўриниб турибдики, маъмурий жарималар микдори, жисмоний шахслар даромади хамда бюджетга етказилиши мумкин бўлган зарар микдори билан етарли даражада богланмаган. Шунинг учун бизнинг фикримизча, соликка тортилиши лозим бўлган фойда (даромад)ни камайтириш максадида хисоб-китоб маълумотларини касддан (тушунган холда) бузишда (умуман фойда (даромад)ни яширишда) айбдор деб топилган жисмоний шахсларга нисбатан кўлланиладиган жарима, уларнинг ноконуний харакатлари туфайли бюджетга келиб тушмаслиги мумкин бўлган суммага нисбатан фоиз микдорида ундириб олиниши лозим. Бизнинг фикримизча жисмоний шахсларни соликка тортишдан солик идораларини назорат килишида кўзда тутилган самарадорликни ошириш учун, текшириш натижасида аникланган конунбузарликларга нисбатан кўлланиладиган молиявий жазолар ва маъмурий жарималар хажмини ошириш зарур.

Шундай килиб, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларни соликка мавзусига бўйича фикр мулохазаларимизни якунлар эканмиз, шуни айтишимиз мумкинки, солик идораларининг назорат килиш усулларини бозор иктисодиёти талабларидан келиб чикиб, доимо такомиллаштириб бориш лозим.

## 4.2 Махаллий бюджет даромадларини прогнозлаш оркали йигма жадвал тузиш тартибини ривожлантириш йуллари.

Бюджетга тўланадиган соликлар ва бошка мажбурий тўловларни, шунингдек кўшимча хисобланган суммаларни, молиявий жазолар маъмурий жарималарни оператив хисоби шахар, туман ва шахардлардаги туман инспекциялари томонидан олиб борилади. Бюджетга тўловларни оператив бухгалтерия хисоби ДСИ томонидан ишлаб чикилган йўрикномани иловаларида белгиланган махсус шаклдаги варакалар очиб борилади. Ушбу варакалардаги реквизитларни тузатиш ва кўшимчалар киритишга йўл кўйилмайди. Бюджетга тўланадиган соликлар ва бошка мажбурий тўловлар хисобини юритиш учун фаолия кўрсатаётган корхоналар учун йил бошида, янгидан ташкил килинганлари учун эса улар солик идораларида рўйхатдан ўтаётган пайтидан этиборан шахсий хисоб вараклари очилади. солик тўловчиларни шахсий хисоб вараклари солик идораси ходими томонидан тегишли хужжатларни олгандан с н г эртасидан кечиктирмай очилиши лозим. Шахсий хисоб вараклари куйидаги варакларда олиб бориллади:

- ККС ва акциз солиги бўйича (3 ва 6 шаклларда);
- даромад (фойда) солиги, мол-мулк солиги (4 шаклда);
- фукаролар даромадига солик уларни тўлаш хусусиятини хисобга олган

холда (4 шаклда);

- савдо, хусусий корхоналар ва матлубот кооперацияларини даромадига солинадиган солик (4 шакл) ва хак.

Шахсий хисоб варакларида солик ва тўловлар бўйича ёзувлар хисоблар сўм ва тийинда олиб борилади. Пеняларни хисоблашда слик конунчилигига риоя килинади. Хисобланган пеня ва жарималар бўйича пеня хисобланмайди.

Молиявий жазолар, маъмурий жарималар ва кўшимча хисобланган суммаларни, шунингдек уларни солик идораларини ривожлантириш фондига тушадиган кисмларини хисоблаш ва хисобини юритиш, 9 сонли хисоб ракамида олиб борилади. Уларни бюджетга ўтказиладиган кисмининг хисоби эса 25-сон рейстрда юритилади. Шунингдек, уларни хисоби кайси солик тури бўйича кўшимча хисобланган бўлса молиявий жазо ва маъмурий жарималар ундирилган бўлса унга солик турлари бўйича шахсий хисоб варакларида хам акс эттирилади.

Республикамизда тараккий этаётган солик тизимида прогноз ишларини такомиллаштириш мухим вазифалардан бири бўлиб хисобланади.

Солик тушумларини тахлил килиш ва прогноз ишлари асосан давлат солик идорасининг куйидаги звеноси, яъни солик инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Уларнинг зиммасига солик тўловчиларнинг тўлик фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетларга соликли ва соликсиз тўловларининг хакикий хажми, соликка тортиладиган солик объектларининг манбасини батафсил хисобга олиб бориш вазифаси юклатилган.

1998 йилнинг январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг солик кодекси амал килиб келмокда. Унинг жорий этилиши солик тўловчилар, бухгалтерларда тушунмовчиликлар келтириб чикараётган кўплаб масалаларга маълум бир аниклик киритди. Кодексда аввалги таърифларга оид камчиликлар бартараф этилган.

Давлат солик органлари туман, шахарлар худудида фаолият кўрсатиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларни соликка тортиш борасида прогноз ишларини тўлик таъминлаш учун каттагина куч сарфлаяптилар.

Солик тизимининг ривожи мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар биргаликда бориши конуний жараёндир. Бошкача килиб айтганда, солик сиёсатини мунтазам тарзда ўзича аниклаш боскичи кечмокда. Бу эса солик режимларининг ўзгаруви ва республика солик органлари тизилмаларининг такомиллашувида ўз аксини топади.

Республикамизда солик тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солик юкини изчил камайтиришга алохида эътибор каратилмокда. Бунда, биринчи навбатда, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита соликларнинг салмогини камайтириш диккат марказда турибди. Бунинг натижасида корхона ихтиёрида коладиган маблаглар улуши-нинг кўпайиши эвазига унинг айланма маблаглари микдорини кўтгайтириб бориш ва оптимал даражасини саклаш, ишлаб чикаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш максадида кўпрок инвестиция киритиш, ходимлар мехнатини янада рагбатлантириш имкони пайдо бўлади.

Тушумларнинг хажми бўйича иккинчи ўринда турадиган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган соликни кискартириш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ахоли даромадларининг реал даражасини ошириш ва тегишли равишда иктисодий ривожланишнинг мухим омили бўлган тўловга лаёкатлилигини кучайтиришга йўналтирилган.

Жисмоний шахслар даромадларини соликка тортишнинг самарали тизимини яратишга оид вазифаларнинг ахамияти мазкур тизимнинг ижтимоий масалаларга дахлдорлиги ахоли турмуш даражасига курсатадиган таъсири билан богликдир. Шундан келиб чиккан холда даромад солигининг кўлланиладиган шкаласи мунтазам равишда такомиллаштирилмокда. Хусусан, мамлакатимизда 1998-1999 йилларда ушбу соликнинг максимал ставкаси 45 фоиз бўлган 5 даражали шкала кўлланилган бўлса, 2000 йилда - максимал ставкаси 40 фоиз бўлган 4 даражали шкала жорий этилди, 2001 йилда эса даромад солигини хисоблашнинг уч шкалали тизимига утилди. Бунда 2008 йилда даромадларни соликка тортиш шкаласининг кенгайтирилиши ва шу аснода оралик ставканинг (2001 йилдаги 25 фоиздан 2009 йилда 21 фоизгача), максимал ставканинг кискариши (36 фоиздан 21 фоизгача) ЯИМга нисбатан ушбу солик бўйича тушумларнинг камайишини келтириб чикармади (2000-2008 йилларда ушбу соликнинг ЯИМга нисобатан салмоги ўрта хисобда 3,2 фоизни ташкил этмокда).

Хозирги пайтда Президентимиз Ислом Каримов томонидан кўйилган жисмоний шахслар даромадларининг соликка тортилишини такомиллаштириш бўйича устувор йўналиш сифатида белгиланган солик ставкаларини камайтириш ва ахоли даромадларини соликка тортишнинг уч боскичли тизимидан икки боскичли тизимига аста-секин ўтиш концепциясини давом этгириш вазифаси турибди.

Умуман, бевосита соликлар бўйича солик юкини изчил камайтириш сиёсатининг самарадорлигини ЯИМга нисбатан улар тушумининг баркарор камайиши тенденцияси хам исботлайди. Агар 2007 йилда бевосита соликлар бўйича бюджет даромадлари ЯИМга нисбатан 8,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда уларнинг 6,8 фоизгача камайиши кутилмокда.

Солик тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда устувор ахамият билвосита соликка тортишга каратилган. Бунинг сабаби шундаки, билвосита соликлар товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан кўшимча тусга эга бўлгани холда, пировард натижада ишлаб чикарувчининг молиявий холатига тўгридан тўгри таъсир кўрсатмайди хамда ишлаб чикаришни ривожлантиришга тўскинлик килмайди.

Бундан ташкари, бевосита соликлар бўйича солик юклари камайган бир шароитда бюджетнинг даромад кисми баркарорлигини таъминлашда билвосита соликка тортишнинг ахамияти янада ортади. Ракамларда ифодаланганда бу шуни англатадики, якин йиллар давомида давлат бюджета таркибида билвосита соликлар улушининг ортиши тенденцияси давом этади. Хусусан, 2007 йилда бу ракам 40,4 фоизга тенг бўлган холда 2008 йилда ушбу нисбат 39,4 фоизни ташкил этди (2009 йилда 59,2 фоизга етиши кутилмокда). ЯИМга нисбатан барча соликлар камайган бир пайтда билвосита соликлар улуши 13-14 фоизни ташкил этмокда.

Билвосита соликлар таркибида акциз соликлари мухим ахамиятга эга бўлиб, бюджет дармадларининг деярли учдан бир кисмини ташкил этади. Шуни кайд этиш лозимки, асосан кундалик эхтиёж моллари тоифасига кирмайдиган махсулотларгина акциз солигига тортилади.

Энг аввало, бу алкагол, тамаки ва нефть махсулотлари, заргарлик ва бошка моллардир. Акцизлар тизими бюджетни тўлдиришга оид фискал вазифалар билан бир каторда саломатлик учун зарарли бўлган махсулотлар ва товарлар истьемолини камайтиришга хизмат кўрсатади.

Тўланган солик ва мажбурий тўловларни хисоби шахсий хисоб варакларида тўлов хужжатларини олинган кунининг иккинчи кунини эртасидан кечиктирмасдан акс эттирилиши лозим. Тўлов хужжатларини бюджетга тушган суммаларини шахсий хисоб вараклари ва китоблари хисоби ёзилади ва барча тўлов хужжатларида ўтказилган текшириш ва ёзув кайд килинган сана, шунингдек, ушбу ёзувларни акс эттирган шахснинг имзоси кўйилади. Юкори солик идоралари томонидан назорат килинадиган корхоналар бўйича соликларни хисобга олиш хакидаги хужжатлар туман солик инспекциялари томонидан улар олинган кун эртасидан кечиктирмасдан шахсий хисоб вараклари акс эттирилади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг йрикномасига асосан юкори солик идорасига белгиланган тартибда жўнатилади. Бюджетга кўшимча хисобланадиган, кайтариб юбориладиган тўловларнинг хисобини юритиш тартиби амалдаги ўз вактида тўланадиган соликлар ва соликсиз тўловларни ундириш тўгрисидаги низомга асосан олиб борилади.

Бюджетга хисобга олинадиган ва кайтариб юбориладиган суммалари шахсий хисоб варакларида молия органини ортикча тўланган суммаларини кайтариш тгрисидаги карори нусхаси ва банк муассасарида шахсий хисоб ракамларидан кўчирмаларга асосан амалга оширилади. Жисмоний шахслардан келиб тушган ортикча тўловлар суммалари уларни ёзма аризасига асосан келгуси тўловлар хисобига ёки кайтариб берилади.

Солик ва йигимларни тўлаш юридик шахслардан пулсиз, жисмоний шахслар томонидан эса, накд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Солик тўловчи соликлар ва йигимларни ортикча тўлаган такдирда солик тўловчининг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида кайтариб берилади ёки келгуси тўловлар хисобига ўтказилади.

Соликлар ва йигим бюджетга куйидаги тартибда ўтказидлади: асосий сумма; хисоблаб чикилган пеня, жарималар.

Солик ишини юритиш масалаларига тўлик амал килган холда ва уни бажариш шарти билан прогноз бўлими ташкил килишади ва унга бўлим бошлиги рахбарлик килади.

Хар бир солик инспексиясида солик тўловчиларни хисоботи олиб борилади ва хисобланган ва бюджетга ўтказилган солик ва тўловларни, молиявий жарималарни ва кўрилган тадбирларни хисобини олиб боради. Шунингдек оператив- бухгалтерия хисоботини, прогноз хисобларни 1-Н шаклси, 2-Н хисоботларини, хар ойнинг биринчи числосида банк оркали тушумларни текшириб тахлил килади ва хамма солик бўйича махсус китобларда ёки комьпютерларда солик тўловчиларни хисоботини юритади ва

хисоблаб боради. Солик ва йигимларни белгиланган муддатларда тўлай олмаганларнинг мол-мулкини суд карори билан ундирилади.

Агар соликлар ва йигимларнинг бирон тури бўйича ортикча тўланган суммалар бошка тур бўйича бокиманданинг ўрнини коплаш, солик тўловчи соликлар ва йигимларни тўламаганлик ёхуд тўлик тўламаганлик учун жавобгарликлардан озод килинади.

Солик тўловчи солик органлари хужжатлари (хисоб варакалари) асосида текширув ўтказгунча мустакил равишда ўз хатоларини тан олса, у жавобгарликлардан озод килинади лекин пеня тўлаши лозим бўлади.

Юкоридаги солик турлари бўйича солик тушумлари хисобот давридаги прогнози, йил бошидан бошлаб хакикатдан тушган тушум, хисобот даврида ундирилиши лозим бўлган солик тушумлари ва хисобот даврида прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши тахлил килинади. Шунингдек жорий чорак учун прогноз даври, жорий ой учун прогноз кўрсаткичлари алохида-алохида тахлил килинади.

Тахлил ва прогнозлаш ишларини туман, шахар,вилоят ва солик кўмитаси томонидан амалга оширилади.

Юкорида баён этилганлардан ташкари даромад (фойда) солигини прогнозлашда янги ташкил этилаётган корхоналар, кўшма корхоналар, чет эл инвесторлари учун бериладиган имтиёзлар хам инобатга олинади.

Даромад(фойда) солигини прогноз килишда хар бир корхона ва худудлар бўйича молиявий ва хўжалик хисобот кўрсаткичларини тахлил килиш ва хулосалар чикариш, прогноз хисоботларига таъсир этувчи хамма иктисодий, молиявий ва ижтимоий факторларни аниклаб Давлат солик инспекциялари туманда жойлашган хамма корхоналар бўйича фойда солигини прогнозлайди.

Туман солик инспекцияси ўз маълумотларини жамлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик кўмитасига жамланган маълумотларни тахлил ва прогноз килиш учун тукдим этади. Давлат Солик кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини даромад кисмини прогнозлашда фойдаланилади.

## 4.3. Солик хисоби ва назоратини юритиш хамда улар бўйича махаллий бюджетни соликли ва соликсиз тушумларини прогнозлашни амалга оширишда солик органларининг вазифалари ва маъсулиятларини ошириш йуллари.

Солик туловчилар уртасидаги ижро интизоми соликларни баркарор тарзда йигиб олиш ва давлатимиз молия тизимининг баркарорлигини таъминлашда энг мухим омилдир. Ушбу йуналишда муваффакиятга эришиш солик конунчилиги хукукий меъёрлари устидан назоратнинг ягона тизими, соликларнинг тугри хисобланиши, республика бюджет тизимига тулик ва уз вактида келиб ту шиши билан белгиланади. Солик конунчилигига риоя этилишини назорат килиш Давлат солик кумитаси томонидан «Давлат солик хизмати тугрисида», «Муддатида туланмаган соликлар ва бошка мажбурий

туловларни ундириш тугрисида»ги конунларга, Солик кодекси ва бошка меъёрий ва конун хужжатларига мувофик амалга оширилади. Юзага келадиган низоларни хал этишда Давлат солик кумитаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва конунларга риоя этилиши учун масъул прокуратура органлари билан хамкорлик килади. Бундай низоларни хал этиш бюджетнинг, шунингдек кенг доирадаги солик туловчиларнинг манфаатларига дахл этадиган масалаларга тааллуклидир.

Давлат солик хизматининг назорат функцияларини куриб чика туриб, назоратнинг мохиятини аниклаб олишимиз лозим, зеро мазкур атама уз мохиятига кура «текшириш» ва шунингдек «текшириш максадидаги кузатиш» маъноларини англатади.

Назорат воситасида бажарилаётган топширикнинг туликлиги, уз вактидалиги ва самарадорлиги тугрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги, топширикни бажариш пайтида мансабдор шахслар килган хатти-харакатлар ва утказилган операцияларнинг конунийлиги белгиланади, фаолиятни яхшилаш ва ишда йул куйилган хукукбузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш учун ички резервлар аникланади, шу жумладан конунларни бузганлиги, даромадни ёки бошка соликка тортиладиган объектларнинг яширганлиги, камайтириб кўрсатганлиги, соликларни тўлашдан бош тортганлиги , ишда пала-партишликка йул куйгани учун тегишли юридик ва жисмоний шахслар жавобгарликка тортилади.

Жисмоний шахсларнинг, шу жумладан юридик шахс макомига эга бўлмай яккатартибда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний шахсларни соликка тортишда солик идоралари назорат килишнинг куйидаги усулларини кўллайдилар.

Бажариш муддатларига кура назорат тезкор (оператив) ва даврий турларга булинади.

Тезкор (оператив) назорат хисобот ойи ичида (масалан, хар ун кун, хар кун ва хоказолар учун) назорат килинадиган жараён, операция ва хатти-харакат тугаганидан сунг унинг сифат ва микдор тавсифига мувофик бажариладиган текширишдан иборатдир. Режадаги, тезкор-техник, статистика ва бухгалтерия ахбороти тезкор назорат учун маълумот манбаи булиб хизмат килади.

Даврий назорат - муайян хисобот даври учун режалар, сметалар, меъёрлар ва нормативлар, бирламчи хужжатлар, ишлаб чикариш, моддий ва бошка хисоботлар маълумотлари, хисоб регистрлари, хисоботлар ва бошка манбалардаги ёзувлар буйича текширишдир. Конунчилик, шу жумладан солик. конунлари талабларига риоя этилаётганини, хужалик операциялари ва жараёнлари тугри, УЗ вактида ва максадга мувофик олиб борилаётганини аникдаш, текширилаётган объект (юридик, жисмоний, мансабдор шахс) ишидаги конунбузарликлар ва камчиликларни очиб ташлаш ва уларни бартараф этиш чораларини куриш мазкур текширишнинг вазифасидир.

Маълумотлар манбаларига кура назорат хакли равишда хужжатли ва фактли турларга булинади.

Хужжатли назорат шундай текширишки, бунда текширилаётган объект мазмуни хамда унинг аникдаш регламентланган кийматига мувофикдиги

хужжатларда (бирламчи ва йигма) курсатилган маълумотлар асосида текширилади.

Фактли назорат шундай текширишки, бунда текширилаётган объектнинг микдор ва сифат холати ишлаб чикаришдаги хом ашё ва материалларни текшириш, куздан кечириш, улчаш, кайта санаш, тарозида тортиш, лабораторияда текшириш, экспертизадан утказиш, назорат тарикасида харид килиш ва шу каби бошка усуллар ёрдамида текширилади.

Демак, назорат воситасида амалга оширилаётган фаолиятнинг конунийлиги ва максадга мувофикдиги, турли даражадаги бюджетларга соликлар, йигимлар, божлар ва бошка туловлар уз вактида туланиши текширилади, шунингдек солик конунчилиги бузилишининг сабаблари хамда айбдорлари аникланади.

Шундай килиб, солик фаолиятидаги назорат давлат бошкаруви ваколатли органининг солик, туловчилар солик, конунчилиги талабларига риоя килишлари устидан рахбарлик килиш усулидир.

Иктисодиётимизнинг асосий дастакларидан бўлган давлат бюджети даромадлари асосан соликлардан ташкил топади. Шунинг учун бюджет даромадалирини тўгри режалаштириш, ижтимоий харажатларга аник максадли молиявий ресурсларни жалб килиш жараёнида солик тушумларини тахлил килиш ва прогнозлаш ишларидан фойдаланамиз. Булар асосан давлат солик идораларининг куйи звеноси, яъни солик инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Соликларни прогноз килишнинг объекти бўлиб, хўжалик ва давлат субъектларининг молиявий натижаларининг якуни хисобланган даромаддир.

Прогноз ишлари кандай кўламда ўтказилишидан катъий назар мўлжалланган давр учун барча юридик шахслар ёки аник бир хўжалик субъектларнинг молиявий тизимининг звенолари ўртасидаги ўзаро алокалар ўрганилади ва тахлил килинади.

Бюджетга тушадиган соликларни прогнозлашнинг бош масаласи ва вазифаси солик сиёсати оркали аникланади. Бундай аниклаш оркали эса:

1. Режалаштириб кўйилган барча мажбуриятлар ва тадбирларни амалга ошириш зарур бўлган пул маблагларининг хажмини ва уларнинг манбаларини ўрганиш;

2. Даромадларнинг ўсиш резервларининг намоён бўлиш йўлини аниклаб олиб, уни тахлил килиш;

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек соликларнинг умумий прогнози ва тахлили солик инспекцияларида амалга оширилиб юкори звеноларга хисобот тарикасида такдим этилади.

Солик инспекциялари аввало хар бир акциядорлик жамиятлари, давлат корхоналари ва мулкчилик шакли хар хил бўлган умуман олганда юридик шахслардан режалаштирилаётган йил учун бизнес паланини (режасини) тузишни таклиф этади ва шу режа асосида солик тушуми бўйича таъминий хисоб-китобларни инспекцияга топширишини талаб этади.

• Туман солик инспекцияси хар бир солик тўловчи юридик ва жисмоний шахслар бўйича йиллик тушумларни хар бир солик тури бўйича хисоблаб чикиб, уларни жамлайди.

Мана шу маълумотлар асосида соликлар тахлил килиниб сўнг туман хокимлигининг умумий йигилишида кўриб чикади. Бунда махсус комиссия туман иктисодий ривожланиш режасига асосланиб янгидан ишга тушириладиган корхоналарни хам эътиборни олган холда якуний режа кабул килинади.

Солик кўмитаси эксперт гурухи ва молия Вазирлигининг махсус комиссияси кўриб чикиб биргаликда Олий Мажлиснинг иктисод билан шугулланувчи комитетига ва бир нусхаси Вазирлар Махкамасига топширадилар.

Олий Мажлиснинг молия-иктисод бўйича кўмитаси ва Вазирлар Махкамаси йил охирида Репспублика бўйича жамоатчилик ёрдамида ва уларнинг розилигини олгач ўрганиб чикилади.

Олий Мажлисда кейинги йил бюджетини кабул килишда асос килиб олиниб, депутатлар мухокамасидан ўтгндан кейин, солик ставкалари, имтиёзлар шунингдек прогноз режалар кабул килинади.

Бу тасдикдан ўтганидан кейин солик кўмитаси хар бир туман, шахар ва вилоят бўйича солик турлари бўйича прогноз режаларининг бажарилиши учун солик органларига махсус кўрсатма ва йўрикномалар беради.

Солик органлари солик ва йигимлар суммасини солик тўловчиларнинг хисоб-китоблари ва даромадлар тўгрисидаги декларацияда кўрсатилган микдорда ва тегишли такдим этган. маълумотлар асосида солик суммаларини хисоблаб чикади. Агар солик инспекцияси бу суммани нотўгри белгиланган деб топса, у хисоблаб чикарилган суммани кайта кўриб чикишга ва солик тўловчига тегишли хабарнома тўлашга хакилидир. Солик тўловчи агарда даромад тўгрисидаги хисоб китоб ва декларацияни такдим этмаган бўлса, суммани кўрсатмаган бўлса солик инспекциялари ўзидаги маълумотлар асосида декларация тўлдириб соликни ундириб олишга хаклидир.

Солик ва йигимларни юридик шахслар пул кўчириш шаклида, жисмоний шахслар бўлса накд пул шаклида бюджетга тўловларни тўлаб борадилар.

Солик назоратининг асосий усули солик, туловчиларни хужжатли текширишдир. Хужжатли текшириш инспекция ишининг йиллик режалари ва хар бир иш участкаси буйича тузиладиган текширишларнинг чораклик графикларига мувофик амалга оширилади. Уларга биринчи навбатда йирик микдорда фойдага эга булган ёки бухгалтерия хисобини юритишда ва солик конунчилигига риоя килишда купол хатоларга йул куяётган корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуёулланувчи фукаролар, шунингдек зарар куриш сабабларини аниклаш ва уларни банкрот деб эълон этиш учун зарар куриб ишлаётган барча корхоналар киритилади.

Хужжатли текшириш, одатда, 20 кундан ошмаслиги лозим. Ушбу муддат фавкулодда холларда Давлат солик бошкармаси, инспекция рахбари ёки унинг уринбосари рухсати билан узайтирилиши мумкин. Солик бошкармаси инспекция рахбари фавкулодда холларда текширувчилар таркибини алмаштириш хукукига эгадир.

Солик идоралари бирламчи хужжатлар ва хисоб регистрларини текширганда ялпи ёки танлаб олиш усулини куллайдилар.

Ялпи усул барча хужжатларни, жумладан бухгалтерия хисоби регистридаги ёзувларни текшириш билан характерланади. Одатда касса ва банк операциялари ялпи текширишдан утказилади. Махсулот етказиб берувчилар, харидорлар, буюртмачилар, дебиторлар ва кредиторлар билан хисоб-китоблар, шунингдек корхона фаолиятининг бошка участкалари дастурда курсатилган холларда ялпи усул билан текширилади.

Танлаб олиш усулида текширилаётган даврнинг хар бир ойидаги ёки бир неча ой учун бирламчи хужжатлар бир кисми текширилади. Танлаб текширилганда солик, конунчилигини жиддий бузишлар ёки суиистеъмолликлар аникданганда корхона фаолиятининг мазкур участкасида текшириш ялпи усул воситасида утказилиб, фойда (даромад) яширилгани (камайтирилгани) ёки бошка объектлар солик, солицдан яширилгани ва суистеъмолликлар тугрисида гувохлик берувчи хужжатлар мажбуран олиб куйилади.

Солик амалиёти бюджетга соликлар тулик тушишига таъсир курсатадиган икки асосий омилни аниклаб берди. Булар - солик туловчилар хисобваракларида маблаг йуклиги ва солик туловчиларнинг бюджетга солик тулашдан бош тортишидир.

Солик конунчилигига риоя этилиши устидан назоратни хукукий таъминлаш куйидаги меъёрий хужжатлар билан таъминланади, яъни: «Давлат солик хизмати тугрисидаги конуннинг бешинчи ва олтинчи моддалари, «Муддатида туланмаган соликлар ва бошка мажбурий туловларни ундириш тугрисида»ги конун, Солик кодексининг 131-135-моддалари, Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодекснинг 164, 168, 172, 174, 175, 176-моддалари, Жиноят кодексининг 167, 175, 178, 179, 180, 181, 184, 185, 186, 187, 188, 189 ва 190-моддалари, Жиноят процессуал кодексининг 340, 341, 342, 343-моддалари, Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Назорат - касса машиналарини мажбурий куллаш тартиби тугрисида»ги, 1994 йил 11 февралдаги «Савдо корхоналари ва бозорларни бошкариш фаолиятининг комплекс текширишларини мувофиклаштириш тугрисида»ги карорлари ва бошкалар.

Ушбу хужжатларга риоя этиш ва амалда назорат ишларини амалга оширилишида куллаш уз самарасини беради деб уйлаймиз. Шунингдек, солик хисоби ва тулови назоратини тугри ташкил этиш оркали бюджет даромадларига солик тушумларини тулик тушишини прогнозлаштириш имконияти яратилади. Бу борада шуни айтиш жоизки, жахон молиявий-иктисодий инкирози ва уни Узбекистон шароитида таъсирини юмшатишда энг аввало солик идора ходимлари томонидан тасдикланган жадваллар асосида утказилиши кузда тутилган назорат ва уларни утказиш муддатларини кискартирилишига эришиш солик туловчи субъектлар доирасида пул айланмасини ошишига кушимча имкониятлар яратиб берган булар эди.

Бошқарувчи:

Илмий раҳбар:

Илмий маслаҳатчи:

## ХУЛОСА

Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумлари худудлардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни хал этишнингасосий манбаи ва махаллий хокимият органлари фаолиятинингиктисодий негизи булганлиги сабабли , махаллий бюджетга кушимча маблаглар жалб этиш манбаъларини излаб топиш ва мавжуд маблагларни самарали сарфланишини таъминлаш бюджетни прогнозлашни окилона тартибда таъминлайдиган ва жаҳон молиявий иқтисодий инқироз омилларитаъсирини юмшатишга хизмат қилувчи асосий омил хисобланади.

Ушбу масала мухим ахамиятга эга булганлиги сабабли Республикамиз Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг 2009 йил февралида 2008 йил якунларига багишланган маърузаларида бюджет маблаглари сарфлашда махаллий хокимиятларни ролини ошириш, даромадларни катта кисмини ва айникса режадан ошикча йигилган маблагларни тулик махаллий органлар ихтиёрида колдириш зарурлиги хакида тухталиб утди.

Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумлари салмогининг ошишига Хукуматимиз томонидан махаллий бюджетларнинг жамият хаетида ролини ошириш максадида унингдаромад манбасини ошириш учун кабул килинаетган карорлари сабаб булмокда. Бунинг натижасида махаллий бюджет даромадларининг умумий хажмида солик тушумларини салмогини ошиб боришига олиб келмокда.

Махаллий бюджет даромадларини соликли кисмини шакллантириш муаммоларини хал килиш максадида молия бозорларидан жалб ва мобилизация килинган, табакалаштирилган уз маблаглари куринишидаги даромад тушумларини махаллий хокимият органлари томонидан фойдаланишни максадга мувофик деб хисоблаймиз.

Биринчидан, минтакалардаги солик тартибларини мувозанатлашни ва бюджет эхтигжларини таъминлашни мувофиклаштириш учун, махаллий хокимият органларининг соликли тушумларини прогнозлаш тизимини ишлаб чикишда ва амалга ошириши хукукини конунан расмийлаштириш.

Иккинчидан, инвестициялар, сармоялар, бандлик ва бандлик бозорлари фаолиятини таъминлаш максадида табакалаштирилган солик режимларини урнатиш буйича махаллий хокимият органлари ваколатларини солик туловларини прогнозлашдаги ролига аник белгилаб бериш.

Учинчидан, юкори ва куйи бугинларинингбир-бирига буйсунишини янгилаш ва тизимлаш имкониятини берувчи юридик куч ва макомга эга булган хар хил хужжатлар тизимини конун йули билан урнатиш.

Туртинчидан, минтакада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш максадида табиий захиралардан фойдалангани учун олинадиган солик ставкаларини белгилашда махаллий хокимият органларининг хукукларини белгилаб бериш.

Бешинчидан, минтаканинг ижтимоий ва инвестиция манфаатларини хисобга олган холда имтигзли солик солишнинг устувор йуналишларини белгилаш ва прогнозлаш, унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини кафолатлайдиган солик тадбирлари буйича хукукий-меъёрий хужжатларни

шакллантириш ва тасдиклаш каби вазифаларни бажариш учун махаллий хокимият органлари ролини ошириш зарур.

Махалий хокимиятлар зиммасига уларга тегишли худудлардаги ижтимоий - иктисодий масалаларни хал этишдек масъулиятли вазифа юклатилган булиб, амалда бу масалалар умумдавлат ахамиятига эга вазифалардан хисобланади. Чунки, фукароларнинг кундалик хаетидаги вазифаларини канчалик даражада ижобий хал этилиши уларнингумумий ижтимоий дунёкарашига булган муносабатида акс этади. Махаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаш махаллий хокимият органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришнинг молиявий имкониятини мустахкамловчи асосий вазифа хисобланади.

Жорий килинадиган хар кандай соликли ва соликсиз туловлар мамлакатда прогнозлаштириш асосида амалга оширилади. Солик тулов прогнозларини ишлаб чикиш молия-иктисодий муносибатлардан келиб чикади. Махаллий бюджет даромадларини соликли ва соликсиз тушумларини прогнозлаш иктисодиетни баркарорлаштириш ва ривожлантиришга, бозор муносабатларини бошкаришга хар томонлама фаол таъсир курсатади.

Солик тушумларини прогнозлаш солик туловчиларга нисбатан хилма-хил ёндашишдир. Мисол учун ахолининг ночор, кам таъминланганларга иложи борича соликдан купрок имтиёзлар бериш ва кам куч сарфлаб куп даромад олувчи ёки бошка енгил даромад топувчиларга нисбатан прогрессияли солик ставкаларини куллашда прогнозли ендашув кул келмокда.

Хар бир махаллий хокимлик уз худудинингиктисодий салохиятидан келиб чиккан холда бу солик ставкаларини белгиланишини прогнозлашда хам тадбиркорларга имконият яратиб беришни кузда тутиши мухимдир. Мамлакатимиз иктисодигти худудлар буйича бир хил ривожланмаганлиги хамда турли даражадаги иктисодий имконият ва салохиятга эгалиги шароитида махаллий соликлар ва йигимларни прогнозлашда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни эътиборга олиш мухим омил хисобланади.

Махаллий соликлар ва соликсиз даромадлардан тушумлар махаллий бюджетлар харажатларининг жуда кам кисмини коплаганлиги туфайли махаллий бюджетлар даромадларининг асосий кисми бюджетлараро тартибга солиш оркали шакллантирилади. Бунда тартибга солувчи соликларни прогнозлаш хам мухимдир.

Тартибга солувчи соликлардан ажратмалар нормалари вилоятлар буйича хар йили кайта куриб чикилади. Уларнингйилдан йилга усиб бориши махаллий бюджетлар харажатларини уша худудда йигилган соликлар хисобидан коплаш зарурияти билан ва юкори бюджетдан бериладиган маблагларнинг кискартирилиши билан асосланади.

Махаллий бюджетлар даромадларининг асосий улуши бюджетлараро тартибга солиш йули билан шакллантирилади. Бунда бюджет даромадларини яхлит прогнозлаш тизимини яратишда хам ягона гндашув йукдир. Бу уларни вилоятлар буйича анчагина табакалашувига олиб келади. Соликларни таксимлашдаги ушбу механизм вилоятлар буйича киши бошига тугри

келадиган даромадларнингхам табакалашувига олиб келади. Махаллий бюджетлар такчиллигини коплашга бериладиган субвенциялар хам амалда ушбу фаркларни узгартира олмайди.

Махаллий худуд иктисодиётининг карор топиши ва унинг молиявий мустакилликка эга булиши учун бюджетни мустакил шакллантириш хукукигина эмас, балки уни бошкаришни прогнозлаш хам зарур.

Мустакил худуд иктисодигтини солик механизми асосида тартибга солиш буйича:

-- Биринчидан, худудий уз-узини молиявий бошкаришда соликларни норматив тартибга солиш;

-- Иккинчидан, мустакил худудий иктисодигтда иктисодий ислохатлар тизими;

-- Учинчидан, мустакил худуд иктисодигтида махаллий хокимият органлари маъсулияти мухим омил саналади. Мустакил худудлар бюджетларини прогнозлашни шакллантириш буйича узаро муносабатларни тартибга солиш механизмига асос булувчи принцип – турли даражадаги худудлар манфаатларига риоя килишга асосланишдир. Таксимлаш ва табакалаштирилиш нормативларини хисоблаш формуласига жорий йил шарт-шароитларига мувофик кайта хисобланган амалдаги муносабатлардан объектив омиллар киритилиши керак. Уларнинг микдорий ифодаси хар бир худуднингхусусиятини хисобга олган холда хар хил булади. Агар вилоят худудида саноат корхоналари ва бошка корхоналар куп булса, демак, даромадлар купрок таъминланади. Аксинча булганида эса камрок ва бундай вилоятлар маблагйуклиги сабабли ривожланишда кийинчиликларга дуч келади. Шу сабабли, турли даромадли худудларнингбюджет таъминотини прогнозлаш мезони ва курсаткичларини ишлаб чикиш зарур. Бундай нормативларни белгилашда шахар, туман худудида фаолият курсатувчи саноат, кишлок хужалиги, курилиш корхоналари хамда бошка корхоналар ва ташкилотларнингиш самарадорлиги, ишлаб чикаришнингтегишли хажмларини таъминлаш, юкори фойда, жахон намуналари даражасида махсулотлар ишлаб чикариш,корхоналарнингракобатга бардошлилиги, худудда давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштиришнингнатижалари, мулкчиликнингтурли шакллари, негизида хужалик юритишнингянги субъектлари, шу жумладан хусусий корхоналар пайдо булиши хисобга олиниши зарур.

Бозор иктисодиётини хаётга тадбик этиш ва ривожлантиришнинг хозирги боскичида, уни хаётга тўгри жалб килиш, иктисодиётни тўла тиклаш учун давлатнинг молиявий тизимини тўла согломлаштиришни таъминловчи тизимни ривожлантириш керак булади. Бу ерда иктисоднинг бош харакатланувчи элементи солик тизими, тўгри ишлаб чикилган солик конунчилиги, барча кўрсатилган конуний ва меъерий актларнинг хам солик тўшловчилар, хамда солик органлари томонидан тўгри ва аник ижро этилиши хисобланади. Бу ерда тўгри ва аник прогнозлаш, соликларни бюджетга ўз вактида тўланиши мухим роль ўйнайди. Махаллий бюджетни солик тушумларини прогнозлаш масалаларини кўриб чикиш жуда зарурдир. Махаллий бюджетни солик тўловларининг ва солик тушумларининг

прогнози жавобгарли ишдир. Аник хисоб-китоблар ва давлат бюджетига солик тўловларининг келиб тушиши хакидаги прогноз натижаси бюджетни тўгри тузиш мумкин, бу эса ўз навбатида республикамизнинг халк хўжалиги тармогида молиявий ресурслар кўринишда донорлик ёрдамини ўз вактида кўрсатишни хал килишга ёрдам беради.

Бунинг учун аввал махаллий бюджет даромадларида солик тўловчиларнинг даромадларини кутиладиган холати хакида тасаввурга эга бўлиш керак. Мавжуд бошка кийинчиликлар услубий базанинг заифлиги билан боглик булмокда.

Манфаатлар ва унинг ўхшашлиги солик тўловчи корхонанинг бойлигидир. Солик тўловчи ўз манфаатларини таъминлаб, солик тўловларини ушлаб туришга ёки яширишга харакат килмаслиги керак. Бу охир-окибат жамиятнинг бутун молиявий-хўжалик хатёига таъсир этиши мумкин. Эришилган ютукларни хакикий тан олиш солик тўловларининг тушиш тўлалигини кучайтиришгава уни кўрсатишга имкон беради.

Солик тўловчига бўлган муносабатлар барча томонларнинг салмокли юуткларининг омили бўлиши керак, факат шундагина янги ютукларга эришишнинг ижобий кўринишини хис килиш мумкин. Амалиётда солик прогнозларини, солик тўловларини режалаштиришни кўллаш махсус талабларни намойиш этади. Факат солик тўловларининг прогнозини амалга оширгандан кейин, солик прогнозининг аниклиги, прогнозда тузилган билимлар мохияти оркали унинг тўгрилиги хакида объектив хулоса бериш мумкин.

Солик тизимини амалга ошириш учун янги солик тизимининг конуний асосини такомиллаштириб бориш керак. Унинг мухим элементлари эса куйидагилар булиши мухим:

- солик йигинлари сонини кискартириш йўли билан солик тизимини соддалаштириш, шу жумладан бир хил солик базасига эга соликлар ва тўловларни бирлаштириш;
- хисоб-китобларни, хисоботларни ва балансларни бериш тизимини соддалаштириш, шунингдек солик органларида уларни хисобга олиш;
- солик тўловчиларнинг мулкига жалб килиш усулларидан кенг фойдаланиб соликларнинг ундирилишини ошириш;
- келиб тушувчи соликларни аник олиб бориш учун солик органларида моддий-техник базани яратиш;
- персонал компьютерлардан иборат локал тармокни яратиш, шунингдек солик прогнози-инспекторларининг иш жойларини яхшилаш.

Биз ўйлаймизки, юкорида айтилган пунктларни кисман ижро этилишида хам соликларнинг давлат бюджетига самарали келиб тушишига эришиш мумкин.

Бажардим:
Илмий рахбар:

# АДАБИЁТЛАР:


1. Ўзбекистон Республикасининг «Солик ва корхоналарни соликка тортиш хакида»ги Конуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг солик конунчилиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992 й. 1-китоб.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солик конуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993, 3-китоб.
4. Вид Л.Б., Иванов Е.А. «Режалаштиришнинг янги фалсафаси». – М., Иктисод, 1990.
5. Геронимус Ю.В. Имитацияли моделлаштириш ва тизимлилик. Иктисод ва математик услублар. 1985. Т. XXI. 4-нашр.
6. Ларнонов А.А. ва бошк. Режалаштиришда иктисодий-математик услублар: Ўрта-махсус ўкув юртлари учун дарслик М. Олий мактаб, 1991.
7. Лычагин М.В., Мироносецкий Н.Б. Корхонанинг молиявий фаолиятини моделлаштириш – Новосибирск: Фан, 1986.
8. Иктисодий бошкарув механизмлари билан моделли тажриба М., Фан, 1989.
9. Римолиевская Н.М., Овсянников А.А. Ахолининг истеъмолчилик хукуки: Моделлаштиришнинг назарияси ва натижалари// Иктисод ва матемаик услублар, 1984. XVII-Т.
10. Тодойсичук А.В. Бозор шароитида корхона хулкининг стратегиясини шакллантириш. Бозор иктисодиёти шароитига ўтишда прогрессив ташкилий-иктисодий ечимлар, 1-кисм М., 1991.
11. Тодойсичук А.В. Ракобатбардош махсулотларни ишлаб чикаришни прогнозлаш. Корхонада режалаштириш ва прогнозлаш, М., 1991.
12. Тодойсичук А.В. Бозорда сотиш хажмини прогнозлаш. – Бозор иктисодиёти шароитига ўтиш даврида прогрессив ташкилий-иктисодий ечимлар. II кисм. М., 1991.
13. Истеъмолчилик типологияси . – М.: Фан, 1978.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


## I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.: "Ўзбекистон", 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи" газетаси, 2000 й 14 январ.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи" газетаси, 2004 йил 29 октябр.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 9-сон, 1993.

## II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сонли "Давлат моиясини бошқаришни ислоҳ қилиш" лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори. "Халқ сўзи" газетаси, 2002.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори. "Халқ сўзи" газетаси, 1999 йил 4 сентябр.

## III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

7. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон", 1995.
8. И.А.Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. "Халқ сўзи" газетаси, 2002 йил 15 феврал.
9. И.А.Каримов. Ислоҳатлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. "Халқ сўзи" газетаси, 2003 йил 18 феврал, №40.
10. И.А.Каримов. "Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳатлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз". "Халқ сўзи" газетаси, 2004 йил 10 феврал.
11. И.А.Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: "Ўзбекистон", 2005.

## IV. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий – ҳуқуқий хужжатлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 2 январдаги 1-сон "2006 йил бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш ҳақида"ги буйруғи.
13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 3 январдаги 1-сон "ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрларини тақсимлаш, режалаштириш ва ижросини таъминлашдаги молия органлари ва назорат-тафтиш бошқармаларининг устивор вазифалари тўғрисида"ги буйруғи.

## V. Дарсликлар, ўкув қўлланмалар, илмий мақолалар ва монографиялар

14.А.Ахмеджонов ва бошқалар. Америка Қўшма Штатларининг федерал бюджет тизими. Ўқув қўлланма. "Фан", 2004.

15.Андик Ф. Децентрализация и государственные финансы. // Экономическое обозрение. 2002.№10.

16.Асамутдинов Х. Ижтимоий соҳаларда ислоҳатлар. // "Мулкдор" газетаси, 2003 йил 15 август.

17.Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципиальные финансы. Учебник. – М.: Финансы. 2001.

18.Бетин О.И. Бюджетный федерализм в России: проблемы регулирования и управления. – М.: МГУ. 1999.

19.Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. – Т.: "Янги аср авлоди", 2003.

20.Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Дарслик. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: "Шарк", 2003.

21.Ваҳобов А., Қосимова Г.А., Жамолов Х.Н. Ўкув қўлланма. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. – Т.: "Молия", 2002.

22.Ваҳобов А., Жамолов Х.Н. Учеб.пособия. Согласование межбюджетных отношений. – Т.: "Молия", 2002.

23.Гизатулин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. – Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001.

24.Йўлдошев М., Турсунов Й. "Молия ҳуқуки". – Т.: Тошкент давлат юридик институти. Дарслик. 2004.

25.Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: 2004.

26.Максимова Н.С. Местные финансы и формирование бюджетов муниципальных образований. // Финансы, 1997, №11.

27.Останакулов М. Бюджет хисоби ва бюджет ижросининг назорати. – Т.: "Молия", 2005.

28.Яндиев М.И. Финансы региональных органов власти. – М.: Финансовый издательский дом. 1999.

29.Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.

30.Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўкув қўлланма. – Т.: 2007.

31.Қосимова Г.А. Ғазначилик фаолиятини ташкил килиш. Ўкув қўлланма. –Т.: "Иқтисод-молия". 2005.

32.Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. – Т.: "Молия", 2004.

33.Қосимова Г.А. Харажатларни бошқариш асоси. // Жамият ва бошқарув. 2005 йил, 1-сон.

## VI. Интернет сайтлари

34.http://www.nalog.ru
35.http://www.finansy.ru
36.http://www.gov.uz
37.http://www.minfin.uz
38.http://www.mf.uz